

Лилдора АБДУЛЛАЕВА

88.6

A15

ТУШЛАР ОЛАМИ

(1106 туш таъбири)



Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Дилдора АБДУЛЛАЕВА

ТУШЛАР ОЛАМИ

(1106 та туш таъбири)



**«Adabiyot uchqunlari» нашриёти
Тошкент - 2016**

УДК: 811.525.133 (080)

ББК: 81.2

T-22

Тушлар олами (1106 та туш таъбири) / Муаллиф:
Дилдора Абдуллаева. – Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2016 йил,
128 бет.

Тушларнинг маъноси кўпинча ухлаётган одамнинг ижтимоий ҳолати, ақлий тараққиёти, жисмоний қуввати, миждози ва ёшига боғлиқ бўлади.

Шу жумладан, қуйидаги китобча ҳам баҳоли қудрат ҳар бир кўрилган тушнинг тиниқ ва равон ҳамда умумий ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб кенг таъбирини китобхонлар оммасига ҳавола қилади.

Албатта, сиз қандай туш кўришингиздан қатъий назар қалбингиз билан ҳамнафас бўлиб, ижобий хулоса чиқаришингизга тилакдошимиз.

ISBN 978-9943-992-58-0

© Дилдора Абдуллаева, 2016 йил.

© «Adabiyot uchqunlari», 2016 йил

А а

Арк. Тушда аркни кўриш ва уни томоша қилиш безовталиққа ишорадир.

Арка устида ўтириш. Киши тушида тор арка устида ўтирса, аёлини ошқора равишда талоқ қилади. Агар ўтирган арка кенг бўлса, хуфёна талоқ қилади.

Арка, дераза. Кенг арка аёл хулқининг чиройли бўлиши, тори эса унинг феъли ёмонлигига далолат қилади.

Арқон. Тушда арқон кўриш – стрессли, жанжалли вазият етилиб бормоқда, омадсиз кишилар сизни шерик қилишга уринмоқдалар; мол-мулкни йўқотишга боғлиқ ёмон кайфият; нафас олиш ва юрак-қон томир тизими касалланиши мумкин.

Арқон. Тушда арқон кўриш ўнгдаги кўнгилсизликларга йўйилади. Тушингизда арқон солиб ёввойи отни тутмоқчи бўлсалар, ўнгингизда душманларингиз устидан ғалаба қозонасиз. Агар сизни арқонда боғлаб судраб кетаётган бўлсалар, ўнгингизда кимларгадир қарам экансиз ва сизни мушкул ҳолатлар кутади.

Арқон. Ҳаёт йўлининг мураккаб ва чигаллиги белгисидир; арқон билан боғланиш – алдов; арқон материали таркибига эътибор бериш – пайларга боғлиқ муаммоларга дуч келиш мумкинлиги; ингичка арқон – майда қийинчиликлар белгиси; йўғон арқон – катта муаммолар.

Арқонли дорда юриш – ўзини оқламайдиган ҳаракат туфайли руҳиятнинг зўриқиши, арқонга осилиб юқорига кўтарилиш – омадни кутинг; арқондан пастга тушиш – сабр-чидам кераклиги.

Арматура. Арматура кўриш – суяк-бўғим муаммолари.

Армия. Тушда армия колонналари юришини кўриш – ҳарбий эмас, одам учун организмнинг заифлашуви, чарчоқ, нисбатан оғир бўлмаган касалликдан дарак. Ҳарбий хизматдаги одам учун яқин орада кўшиннинг кўчиши; кўрик ёки параддаги армияни кўриш – фириб, ёлғондакам муомала ва алдовдан огоҳлантиради.

Ароқ. Ароқни кўриш ёки ичиш – асаб тизими ва руҳият жойида эмаслиги; салбий ҳиссиётлар.

Арпа уни. Кимки тушида арпа унидан хамир қориб турганини кўрса, у эл орасида ўзининг ҳалоллиги ва адолатлилиги билан машҳур бўлиб, ҳокимиятни қўлга киритади.

Арпа. Арпа тушда кўрилса, машаққатсиз ризқдир.

Арпа нам бўлса. Тушда нам арпани кўрсангиз, унумдорликка эришасиз.

Арпа сотиб олиш. Агар тушда арпа сотиб олсангиз, умри қисқа, аммо олим фарзанд кўрасиз. Арпани сотувчидан сотиб олиш эса улуғлик.

Арпа экиш. Тушда арпа экиш яхшилик, ўнгда Аллоҳ рози бўлган ишни қиласиз ёки бойлик орттирасиз, яхшиликка эришасиз.

Арпа ва бугдой сотувчи. Арпа ва бугдой сотувчи нафси-ю дунёси билан машғул киши. Шунингдек, арпа ва бугдой сотувчини тушда кўриш Аллоҳ берган ризқи дўсти томонидан етишига далолат.

Арпабодиён. Уни тиббий адабиётда анис деб ҳам аташади. Тушингизда бу шифобахш ўсимликни кўрсангиз, соғлигингиз янада мустаҳкам бўлади, касал бўлсангиз, соғаясиз.

Арра. Тушда кимки бирон нарсани арралаб турганини кўрса, ўнгда мушкул бир иши осонликча битади.

Арра. Тушда кўрилган арра оладиган ва берадиган сахий кишига далолат қилади. Арра кўмак, қувват ва ризқдан далолат.

Арра ёғочдан бўлса. Ёғоч арралар олим бўлган бошлиққа, қаттиқ ва кўпол ёғочлар учун мўлжалланган арра эса тегирмончи, ғалвирчи каби умумхалқ ишини бажарадиган инсонга далил.

Ар-Раҳмон сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида ар-Раҳмон сурасини ўқиса, далилдирки, ёлғон айтиш ва ҳаромхўрликдан узоқ бўлади. Жаъфари Содик айтадики, бу жаҳонда бойлик, у жаҳонда раҳмат топади.

Арслон. Агар тушда арслон билан бир катакда бўлганингизни кўрсангиз, ўнгингиздаги мустаҳкам дўстликка далолатдир.

Арслоннинг ўқириши. Арслон (асад)нинг ўқириши подшоҳ зулму хавфидан дарак беради.

Арслон. Кимки тушида арслонни енгса, ўнгида душмани устидан ғалаба қозонади. Арслоннинг қочиши ғалаба ва истакларнинг рўёбга чиқишига ишора.

Арслон. Ўқириб югураётган арслон – хавф-хатардан дарак, хусусан, жароҳат эҳтимоли; ётган ёки ухлаётган арслон – хавфнинг ўтиб кетгани.

Артист. Артистни кўриш – мунофиқлик; салбий роль ўйнаётган артист – касалликдан дарак; ижобий роль ўйнаётган артист – аҳволнинг яхшиланиши, бемор учун тузалиш; ўзини артист сифатида кўриш – ички рухий қарама-қаршилик; мунофиқлигингиз туфайли ўзлингизни тиклай олмаяпсиз.

Архив. Архивни кўриш – сизни таъқиб қилаётган нохуш хотиралар; хотирангиз муаммолари; атеросклерознинг ривожланиши.

Архив. Кимки тушида архивга кирса, ўнгида аллақачон эсидан чиқиб кетган бир одамдан хабар келади.

Арча. Тушда арча кўриш бойлик ва фаровонликка ишора.

Асаб. Ким тушида асабийлашса, унга ғам-ташвиш келади. Агар асаби бузилса, иши орқасига кетади.

Асал. Асални кўриш ва ейиш – жинсий қониқмаётганлик; шамоллаш ёки бошқа касаллик; витамин, турли энг муҳим микроэлементлар етишмаслиги ва организм қувватининг пасайгани.

Асал. У тушда ҳалол мерос ёки шерикли молдир. Олдида бошқанинг асали бўлса, инсонлар эшитишни хоҳлайдиган илм бўлади. Агар бол ўзиники бўлса, ҳалол молдир. Тушда асал емоқ ва кўрмоқ қонуний даромадга ишора бўлади, бошқа ширинликларни кўриш дам яхшиликка йўйилади.

Асалари уяси. У туш эгаси учун хотиндир. Унинг араси наслидир, асали молидир. Баъзида у ғам-ташвишлардан холи бўлишга далолат.

Асалари. Асалариларни кўриш – ҳаёт тарзини тартибга солиш зарурлиги; асалари чақиши – асаларига чақтириб, асал маҳсулотлари билан даволаниш мумкинлиги; сизни довдиратадиган ёмон хабар.

Асаларилар. Тушда кимки уларга эгалик қилган бўлса, унумдорлик ва бойликка далолат қилади. Ким асалариларнинг бошига қўнганини кўрса, унинг мансаби кўтарилади. Ким асаларини ўлдирса, душманни бўйсундиради. Деҳқонлар учун асаларини ўлдириш яхшилик аломати эмас.

Асбоблар. Тиббиёт асбобларини кўриш – аҳволингизнинг ёмонлашуви, соғлик муаммолари; иш асбоблари – жароҳат; муסיқа асбоблари – асаб тизимининг зўриққани, эшитиш органларининг муаммолари.

Аскар. Ким тушида аскарнинг бир шаҳар, кўча ёки маҳаллага келганини курса, ўша йили кўп ёмғир ёғади.

Аскаргоҳ. Уй алмаштиришга ишора.

Аскарый анжом. Тушда аскарга тегишли анжомларни кўрган киши ўнгда ўзининг режаларини амалга ошириш учун барча воситаларни ишга солади ёки кўнгилсиз ҳодисалардан қутулишнинг йўлларини излайди. Агар киши ўзи шундай анжомлар билан қуролланган бўлса, ўнгда ташвишга қолади.

Асо, ҳасса. Ким тушида қўлида асо борлигини кўрса, мунофиқ, аммо аслзода киши ёрдами билан мақсадига етади, хоҳлаганини қилади, унинг молидан фойдаланади ва душмани устидан ғалаба қилади. Агар ҳассасининг синганини кўрса, раҳбар бўлса, ишдан олинади. Савдогар бўлса, Аллоҳ унинг тижоратини кетказади. Ҳассаси ўзга-риб қолса, тезда вафот қилади.

Аспирин. Агар тушингизда аспирин дорисини ичсангиз, ўнгингизда керакли натижага эришиш учун кўп тер тўкишингизга тўғри келади.

Аср сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Аср сурасини ўқиса, далилдирки, унга зиён тегади.

Аста кулиш. Тушда аста-секин кулиш мурод топишдир. Жаъфари Содик айтадиларки, аста-секин кулиш фарзанддир.

Асфальт. Асфальт (айниқса, хўли)ни кўриш – нохуш туйғулар ёки жароҳат белгиси.

Атир. Тушда атир ҳидламоқ ўнгдаги яхши хабарга ишора. Кимки тушида атир сотиб олса, ўнгида уни кимдир севар экан. Агар аёл киши тушида ўзига атир сепса, ўнгида жамиятда нуфузли ўрин эгаллайди. Тушингизда атирнинг ўзини кўрсангиз ва ҳидласангиз ёки сепсангиз, ўнгингизда фойда берадиган имкониятларни кўлга киритасиз.

Атиргул. Очилиб турган атиргул – саломатлик, муваффақиятлар ва яхши кайфият; уни ҳидлаш – кайфиятни кўтаришни билиш зарурлиги; уни узиш – севги ҳисси, жинсий шерик қидириш; узун тиканли

атиргул – хавф белгиси, жисмоний ёки рухий жароҳат эҳтимоли.

Атиргул. Тушда кўрилган атиргул шарафли кишига ёки фарзандга ё мусофирнинг қайтиб келишига ёхуд аёлга далолат қилади. Кимки тушида атиргул узса, иззат-икром, муҳаббат ва неъматга эришади. Омад ва роҳат-фароғатга йўйилади.

Атлас. География атласи – ҳаёт тарзини ўзгартириш, яхши ўйланган қарорлар қабул қилишни талаб этади; атлас матоси ёки уни кийиб юриш – рухий кучнинг, аёлнинг моддий аҳволи ва обрўси ошиши.

Атлас. Кимки тушида атлас кўрса, ўнгидаги ишида ҳам, муҳаббат масаласида ҳам омади келади. Тушида атлас сотаётган бўлса, ўнгида ишлари орқага кетади. Аёл кишининг тушида унга атлас кийим совға қилишса, уни ўнгида бахтли никоҳ ва турмуш кутади. Қувонч ва катта харид ҳам бўлиши мумкин.

Атом. Тушингизга атом кирса, билинги, ўнгингизда майда нарсаларни кўздан қочирганлигингиз учун ишларингиз тўхтаб қолади.

Афв, кечириш. Ким тушида бировни афв қилса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мағфират қиладиган ишни қилади. Кечирилган кишининг умри узоқ бўлади. Агар бошқа киши уни кечирганини кўрса, унинг умри узоқ бўлади ва мартабага эришади.

Аҳзоб сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Аҳзоб сурасини ўқиса, далилдирки, бойлик топади.

Аҳкоф сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Аҳкоф сурасини ўқиса, далилдирки, ота-онасининг фармонини бажо келтиради.

Ахлат ўра. Номаълум ердаги ахлатхона зинокор аёлдир. Ким уни тўлган ҳолда кўрса, йўллари торайиб, қийналиб касалликка учрайди.

Ахлат. Ахлат – кўнглингизда ёмон фикрлар мавжудлиги; ахлатни супуриб ташлаш – организмни тозалаш зарурлиги.

Ахлат. Тушдаги ахлат фақирлар учун хайрлидир. Бойларга эса деярли хайр йўқ. Яна аёлининг ҳомиладор бўлиши ва мол-мулкининг кўпайиши ёки унга турфа хил товарлар келтирилганига далолат.

Ахлатчи. Тушда ахлат кўриш бойликка ишора, дейдилар. Агар ахлатчи тушда кўрилса, кўп мол ва пул топишга далилдир, тушда ахлатчи ахлатларни йиғиштириб олиб кетса, аксидир.

Ашулачи. Тушда қайси ашулачини кўришдан қатъий назар, ўнгда таниш қизлардан бири сизни алдар экан.

Аъло сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Аъло сурасини ўқиса, далилдирки, тасбеҳ кўп қилади.

Аъроф сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Аъроф сурасини ўқиса, диндор ва мўмин бўлади. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Аъроф сурасини ўқиса, ўртоғини зиёрат қилади. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Аъроф сурасини ўқиса, халқ ундан миннатдор бўлади.

Аэроплан. Учиб кетаётган ёки юқорига кўтарилаётган аэропланни кўриш – сизга рухий такомиллик зарур; пастлаётгани – хавф-хатар, ҳусусан, жароҳат олиш хавфи.

Аэропорт. Агар тушда аэропортда юрганингизни кўрсангиз, ўнгингизда ўйлаган нарсангиз амалга ошмайди, амалга ошишини узоқ кутасиз.

Аэропорт. Аэропорт – рухий ва асаб тизимининг чарчагани.

Б

Бошқанинг молига ёмон қараш. У тушда уйланишни хоҳлаган киши учун фосид никоҳга ёки аслирибо бўлган ҳаром молга далолат қилади.

Бошқотирма. Агар тушда бошқотирма тузиб ўтирган бўлсангиз, ўнгда воқеликни билишга интилишингиз беҳуда.

Бошни олиш. Бошни олиш намозни тарк қилиш ва диндан қайтишга далолат. Кимки ўзининг бўйни олинганини кўрса, қул бўлса, озод қилинади, ғамташвиши бўлса, ундан халос бўлади, қарзи бўлса, ундан қутилади.

Бошоқ. Яшил (кўкариб турган) бошоқ йилнинг серҳосиллигига далолат. Поясида ўсиб туриб қуриб қолган бошоқ эса қурғоқчилик, ҳосилсизликка далолат.

Бошоқлар. Бошоқлар дунё йиллари, ойлари ва кунларидан дарак беради. Шунингдек, дунё молдавлатлари, хазиначилари ва омборларига далолат қилади. Одам қўлида ёки хирмонда ё идишда жамланган бошоқлар – эгаси бошқанинг касб-кори ёки эгаллаган билими туфайли қўлга киритадиган мол-давлат.

Бошоқларни териб олиш. Ўсимликдан ажралган бошоқларни териб олса, унинг эгасига соҳибидан ажралган молни қўлга киритгани маълум бўлади.

Бриллиант. Бриллиант кўриш – рухий соғлиқнинг яхшиланиши, унинг қирраларидан завқланиш – яхши кайфият, қобилиятнинг тан олиниши; яқин келажакда ҳаёти шундай ўзгарадики, у ақли, ҳусни, кучи, қатъияти, мардлиги, одобини тўлиқ намоён қилишига тўғри келади.

Буви. Тушда бувини кўриш – яхши оилавий муносабат; ўз яқинларингизга меҳрибонлик қилишингиз лозим; соғлигингизни яхшилаш учун болалигингиз,

ундаги яхши кунлар ва меҳрибон бувингизни ўйлаб ётиб ухлаб қолинг.

Буви. Ҳаёт бўлган бувингизни тушда кўрсангиз, ундан хабар оласиз. Ўнгда яна бир иш қилиб, ҳақингизни ололмаётган бўлсангиз, ўша ҳақ қўлингизга тегади. Агар бувингизни ёнгинангизда кўрсангиз, ўйлаб қўйган режаларингиз амалга ошади. Агар тасодифан кўчада учратиб қолсангиз, ўнгда кўп мушкулликларга дуч келиб, бировларнинг ёрдами ва маслаҳатига муҳтож бўлиб қоласиз.

Буғ. Қишда оғиздан чиқадиган буғни ёз фаслида туш кўрса, бу ички касаллик ва яширин сирларнинг ошкор бўлишидан далолат. Тушни кўрган одам тўғри йўлдан адашади. Баъзан бу ёлғон ва бефойда гапдан далолатдир.

Буғдой бошоғи. Баъзан буғдой бошоғи кийинчиликка далолат этади. Ҳар бир бошоқ ажрнинг икки баробар кўпайишига далолат. Агар уни қоплар ёки жайдарда туш кўрса, у оз-кўплигига қараб жамланган мол бўлиб, туш кўрувчи унга эришади.

Буғдой бошоғи. Буғдой бошоғини ўсиб турган ҳолда кўрсангиз, унинг саноғини билсангиз, таъбири бошоқлар миқдорича йиллардир. Агар уни қўлда жамланган ҳолда ёки қопда кўрсангиз, оз-кўплигига қараб бойликка эришасиз.

Буғдой уни. У тушда ризқдир. Бўйдоқ учун рафиқа.

Буғдой. Агар тушда буғдой еса, далилдирки, диндор бўлади. Агар буғдойни пишириб еса, ғам-ғуссага учрайди.

Буғу. Тушда шохлари бурама бўлиб кетган буғуни кўрсангиз, яқин орада орзуларингиз амалга ошар экан. Яна буғу мартабага ҳам йўйилади.

Буғу. Тушида буғу кўрган одам хизматкор аёлга эга бўлади.

Бузиш. Тушда бирор нимани бузиш – нохушликлар, рухиятдаги мувозанат бузилгани; ўзи ёки яқин кишисининг жароҳат олиши мумкинлиги.

Бузиш. Тушингизда эшигингизни кимдир бузаётган бўлса, ўнгингиздаги хира одамга ишора.

Бузоқ. Бузоқ – ўз кучига рухий ишонмаслик ҳисси.

Бузоқ. Тушда агар сиз сизга туғса ёки бузоқ унга ҳадяга берилган бўлса, у учун ўғил фарзанд бўлади. Бузоқ яхшилиқни қабул қилувчи фарзанддир. Гоҳида ғам-ғуссадан далолат қилади.

Буйвал (буқаларнинг оиласига мансуб, уларнинг кичик вакили). У тушда бидъатчи бошлиқ, шижоатли одам ва одамларга фойдаси тегадиган кишига далолат қилади.

Буқа. Тушда буқа кўрсангиз, ўнгдаги фойдага ишора. Агар буқа сизни сузса, ўнгингизда кўнгилсиз воқеалар бўлади.

Букри. Тушда букри одамни ёки туш соҳибининг ўзи букри бўлганини кўриш ўнгдаги бойликка ишора.

Букур. Тушда букур одамни кўрган киши даромад ва омадга эга бўлади ёки қувонади.

Буламук. Тушда буламук ейиш ёки кўриш – бемор одам учун соғломлашиб кетишни, соғлом одамга касал бўлишни билдиради.

Булбул. У тушда бой киши ёки бой аёлга далолатдир. Яна у қори ёки хушовоз кишидир, сўзи ширин, латофатли аёл. Ҳоким қафасида хушовоз булбулни кўрса, вазири яхши маслаҳатли, чиройли тадбирли бўлади.

Булбул. У тушда қори ёки хушовоз кишидир. Ёхуд сўзи ширин, латофатли аёлдир.

Булдозер. Булдозер – умидларнинг пучга чиқиши; рухий ё жисмоний жароҳат.

Булоқ. Тиниқ сувли булоқ – саломатлик тимсоли; ҳаётнинг яхшиланиши, шунингдек, рухий ва жисмоний

покланиш зарурлиги; лойқа сувли ёки қуриган булоқ – касаллик эҳтимоли.

Булоқ. У тушда яхшилик, барака ва тинчликка эришиш. Ким ҳовлисида булоқ отилиб турганини туш кўрсаю, ўзи соф, ифбатли бўлмаса, мусибат етади ва унга уй аҳли йиғлашади. Ким тушида булоқ сувидан таҳорат олганини кўрса, яхшиликдир. Бунда сувнинг тоза, лойқа, иссиқ, совуқ эканининг фарқи йўқ бўлиб, намозга таҳорат қилиш учун жоиз даражада пок бўлса, кифоя.

Булут. Тушдаги Булут Исломга далолат. Инсоният ҳаёти бўлмиш сувни кўтариб юргани учун Аллоҳнинг раҳмати белгисидир. У яна илм, фикр, ҳикмат ва баёнга далолат қилади. Шунингдек, дўстлар ва қўшниларга ҳам ишора.

Бурга. Бурга – нотинчлик ва нохуш ҳиссиёт.

Бурга. Тушда бургани тутиш кўнгилсиз воқеаларга ишора. Кимни бурга чакса, мол-дунёга етишади. Кимки бургани қидираётган бўлса, ўнгида хотиржам бўлмайди.

Бурга. У тушда заиф-мискин кишидир.

Бурганинг чақиши. Кимни тушда бурга чакса, ўнгида ёмон одамлар тарафидан бўлган таҳдид ва ташвишга далолат қилади. Яна айтилишича, молга етишади. Шунингдек, қон чиқса ҳам.

Бургут. Қудратли ва улуғ ҳукмдор рамзидир. Агар тушда бургутдан зарар кўрилса, демак, ҳукмдордан бирон кўнгилсиз гап бўлади, аксинча, агар бургутдан завқланиш рўй берса, ҳукмдор томонидан манфаат етади.

Бургут. У тушда салтанат эгаси бўлмиш қувватли, ҳайбатли, қаттиққўл, ундан узоқдаги ҳам, яқиндаги кишилар ҳам қочиб қутила олмайдиган виқорли кишидир. Агар у ҳовлисининг саҳнига тушса ёки майдонида кўрса, у ўлим фариштасидир. Ким тушида бургутга эришса, қувватли подшоҳга аралашади. Бургут

боласи ҳокимлар билан бирга юрадиган шижоатли фарзандга ишора.

Бурж. Кимки тушида бурж (юлдузлар туркуми)ни кўрса, уйига дўстлари ва танишлари кутилмаганда кириб келишади. Келадиган меҳмонлар тушингизда кўрган буржингиздаги юлдузлар сонича бўлиши мумкин.

Буруж сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Буруж сурасини ўқиса, далилдирки, ғамлардан фориғ бўлади.

Бурун қонаши. У агар оқувчи бўлса, ҳаром молдир.

Бурун суви. У тушда фарзанддир. Ким тушида кўли билан ерга бурун қоқса, унинг хотини қиз фарзанд туғади. Агар кўли билан аёлига қараб бурун қоқса, аёлининг ҳомиласи ўғил бўлиб, у тушиб қолади. Агар аёл эрига қараб бурнини қоқса, аёли ўғил туғади.

Бурун. Кимки тушида ўз бурнининг катталлашиб кетганлигини кўрса, ўнгида жамиятда юксак мақом ва бойликка эришади, фарзандлари кўпаяди, агар бурнининг кичрайиб кетганлигини кўрса, бунинг аксидир.

Бурун. У кишининг яқин қариндошидир. Ким тушида ўзини бурунсиз ҳолда кўрса, демак, унинг қариндоши йўқ. Агар туш кўрган хотин ҳомиладор бўлса, фарзанд кўради. Яна бурун мол, ота, бола, ака, эр, шерик ёки иш юритувчига ишора. Унинг қора ё катта бўлиши хорликка далолат қилади.

Бурунга дори томизмоқ. Тушдаги бу ҳолат фарзанд, она ёки инсоннинг раҳбарига кўнишига далолат. Ким тушида бурунга дори томизаётганини кўрса, даво топгунига қадар ғазабга учраши мумкин.

Бурундук (ола каламуш). Тушда бурундук кўрсангиз, ўнгда сабр-тоқат қилишингиз керак, ҳаётингизда оғир кунлар бошланиши мумкин.

Бутазор. Тушда бутазордан чиқолмаётган бўлсангиз, ўнгда душманларингиз сизни оёқдан чалиш учун бутун кучини сарф қилади. Фақат сабр-қаноат билан уларнинг макридан кутулиб қоласиз. Агар тушингизда бутазордан чиқиб кетган бўлсангиз, ўнгингизда дўст ва яқинларингиз тез орада ёрдамга етиб келади. Бутазорни кўриш ва уни оралаш – хавф ва эҳтиёт бўлиш зарурлигидан огоҳлантиради; руҳиятга боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш лозим.

Буталар. Гуллаб-яшнаб турган бута – саломатлик ва кувонч; синган ва қуриган бута – касалликдан дарак.

Бутилка. Бутилка – салбий ҳислар; сийдик тизимининг оғриши мумкинлиги; тўла шампан бутилкаси – енгилтаклигингиз кўзгаши мумкинлиги; вино ёки ароқ тўла бутилка – алкоголь яхшиликка олиб бормаслигидан огоҳлантириш; сут ёки қатикли бутилка – саломатлик; бўш бутилка – салбий ҳиссиётлар; синган бутилка – қаттиқ келишмовчилик, касаллик ёки жароҳатдан дарак.

Бўғилмоқ. Ким тушида бўғилганини кўрса, омонатга хиёнат қилгани учун зулм қилинади. Агар бўғилиши қаттиқ бўлса, ундан омонатдан наф кўрган пули талаб этилади. Агар у тушида вафот этса, у зулм кўриб, фақир бўлади. Тушида осилиб бўғилиб қолганини кўрса, бу нарса ғам ва хафаликка далолат. Баъзан бўғиш қарзни талаб қилиш ва унда бўладиган зикликка ишора.

Бўғирсоқ. Тушда бўғирсоқ кўрсангиз, ўнгда оилангиз тинч бўлади, дўстларингиз доимо ёнингизда бўлади.

Бўғма илон. Агар тушингизга тропик жойларда яшовчи захарли бўғма илон кирса, ўнгда шу қадар ишингиз кўпайиб кетадики, бош қашишга ҳам вақтингиз бўлмайди.

Бўғма касали. Агар тушда бўғма (астма) касалига дучор бўлсангиз, ўнгда ишларингизда тўсиқ пайдо

бўлади. Баъзан тушдаги бу касалликни ўнгдаги ўпка шамоллаши ва ундан даволаниш қийинлигига йўйишади. Агар тушда бу касалликка парво қилмаётган бўлсангиз, ўнгда ҳамма ишларингиз жойида бўлар экан.

Бўғоз қўй. Ҳомиладор қўй умид қилинаётган серҳосиллик ва мол-давлатга далолат қилади.

Бўғоз сигир. Агар тушда сигирни ҳомиладор ҳолда кўрса, аёли ҳомиладор бўлади.

Бўғча. Бўғча ичида яхши нарсалар қанча кўп бўлса, ўзгаришлар ҳам шунчалик яхши бўлади. Бўғчада пахта бўлса, бойлик ва омадга далолат, жун бўлса, қийинчиликка дуч келасиз. Агар бўғчанинг ичи бўш бўлса, ўнгингиздаги воқеалар сизни ҳайратга солади.

Бўғча. Арқон билан боғланган ва жўнатиш учун тайёрланган бўғчани тушда кўрсангиз, ўнгда тақдир ўзгаришларига дуч келасиз.

Бўёқчи. У махфий ишларни қилувчи мунофиқ кишидан эҳтиёт бўлишга чақиради.

Бўз. У машаққатсиз жамланган молдан далолат.

Бўза. Агар тушингизда бўза ичиб маст бўлсангиз, ўнгингизда аҳволингиз ёмон томонга ўзгаради.

Бўй узунлиги. Кимки тушида бўйи ўганини кўрса, илми ва бойлиги ортади. Агар туш соҳиби подшоҳ бўлса, султонлиги кучаяди. Агар савдогар бўлса, тижоратда фойда кўради. Бўйи ҳаддан зиёд ўсган бўлса, вафоти яқинлашган бўлади ёки мартабаси тушади.

Бўй. Кимки тушида бўйи одатдагидан узунроқ кўринса, ўлими яқин. Агар бўйини рисоладагидек кўрса, бу жамиятдаги мақомга йўйилади. Кимки бўйининг жуда паст бўлганини кўрса, бу хорлик ва зорликка ишора.

Бўйин оғриши. У дўстлик ришталари яхши эмаслигига далил бўлиб, шикоят пайдо бўлишига ишора.

Бўйин умуртқасининг биринчи бўғини. Ким тушида у бўғинни кўрса, ғазабланади ёки қаттиқ касал

бўлади. У касал учун ўлим, бошқалар учун эса ризққа далилдир.

Бўйинбоғ. Оғир юк, бировга қарамлик, мушкул ишларга йўйилади.

Бўйинбоғ. У мутеликка ишора. Тушингизда бўйинбоғ боғлаётган бўлсангиз, ўнгингизда бемор бўласиз. Агар уни ечиб қўйсангиз, яхшиликка таъбир қилинади.

Бўкириш. Хўкизнинг бўкириши фитнага учрашдан далолат.

Бўлажак куёв. Қиз бола бўлажак эрини тушида кўрса, ўнгида кутилмаган кўнгилли воқеага дуч келади. Агар туш сохиби ўзини уйланаётган йигит сифатида кўрса, ўнгида уни бир иш кутади, лекин у иш яхши натижа бермайди.


Бўлаклар қуритилган гўшт. У сафарга боришга йўйилади.

Бўлка нон. Агар тушга уваланмайдиган бўлка нон кирса, ўнгда муваффақиятга эришасиз.

Бўр. Агар тушда синфдаги қора доскага бўр билан бирон нарса ёзаётган ёки расм чизаётган бўлсангиз, ўнгда дарсларни ўзлаштирмаганингиз учун "икки" баҳо оласиз.

Бўр. Бўр кўриш ёки уни ейиш – организмда кальций етишмаслиги; бўр билан ёзиш ёки деворни оқлаш – бемаъни қилмишини яширишга уриниш, бошқаларнинг шундай қилаётгани – нохуш далилларни сиздан яширишга уринишмоқда.

Бўри. Бўрини кўриш – ўзингизни тажовузкор тутишингиз эҳтимоли, эҳтиросни бошқара олмаслик ёки бошқа биров сизга шундай муносабатда бўлиши мумкин; бўри увиллашини эшитиш ёки у ўлжасини таъкиб қилаётганини кузатиш – хавф-хатар белгиси. Айниқса, тушда сизни қувлаётган бир гала бўрини кўриш хавфли (душманларингиз сизнинг ўлимингизни исташмоқда).



Бўри. Тушдаги бўри зулмкор ҳукмдорга ишора.

Бўри. У тушда ёлгончи, золим ва ўғри душмандир. Агар уйингиз ичида бўри кўрсангиз, ўнгингизда дўстингиз сизга хиёнат қилади. Тушда бўрини ўлдириш ўнгдаги қийинчиликларни енгишга ишора.

Бўрилуккак ўсимлиги. Тушда унинг кўк ранглисини кўриш бахиллик ва машаққатли ризқ ёки амалсиз илмдир. Курук ҳолдаги бўрилуккак ўсимлиги тушда ғам-ташвиш, машаққатдир. Нозик бўрилуккак – касалликдир. Қайнатилган бўрилуккак эса тез келадиган ризқдир.

Бўрон. Тушингизда бўрон турган бўлса-ю, сиз уни хавфсиз жойдан кузатиб турган бўлсангиз, ўнгда дўстингиз ташвишини айтади, сиз унга ёрдам берасиз. Агар бўронда қолган, аммо кўркмаётган бўлсангиз, ўнгда ҳаёт синовларидан омон-эсон ўтасиз.

Бўрсик. Тушда бўрсик кўриш алдов ва пул йўқотишга ишора.

Бўтакўз. Бу ўсимликни далада кўрсангиз, хурсандчилик рўй беради. Уни узиб олиш ҳаётдаги кичик ўзгаришларга ишора.

Бўталоқ. У тушда файзли фарзанддир. Ким тушида бўталоғи борлигини кўрса, у бўталоқдек дуркун ўғил фарзанд кўради. Бир ривоятда бўталоқ ва ҳар қандай ҳайвоннинг кичик боласини ушлаш ғам-ташвиш, хафаликка далолат қилади, дейилади.

Бўтқа. У тушда ғам-ташвишга ишора.

Бўш тобут. Бўш тобут умидлар амалга ошмаслигидан шохидлик беради.

В

Водий. Тушда водий бўйлаб айланиб юрган бўлсангиз, ўнгда орзуларингиз амалга ошади.

Севишганлар бундай туш кўрсалар, ўнгларида турмушлари фаровон кечади.

Водопровод. Водопроводни кўриш – ҳаётдаги ўзгаришлар; асаб, юрак-томир ва лимфатик тизим касаллиги.

Воиз. Кимки тушида воизнинг нутқини эшитса-ю, аммо фикран унинг гапларига қўшилмаётган бўлса, уни ўнгида кўнгилсиз воқеалар кутади. Агар туш соҳиби унинг гапларига тўла равишда қўшилса ва унинг кўрсатган тамойиллари билан иш қилса, ўнгида уни алдаб кетадилар ва обрўси тушади. Воизнинг нутқини бепарволик билан эшитаётган бўлса, ўнгида кимдир ташаббус кўрсатиб, одамларни ортидан эргаштиради. Кимки тушида ўзи воиз бўлиб минбарга чиқса, яқинлари ёки қўл остидаги ходимларига бирон нарсани жуда узоқ тушунтириш ва уларни шунга ишонтириши керак бўлади. Туш соҳиби воиз билан баҳслашаётган ва ўзининг ҳақлигини исбот қилаётган бўлса, ўнгида ажойиб танишув содир бўлиб, бу танишув орзу-истакларга тўла бўлади.

Воқеа сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Воқеа сурасини ўқиса, далилдирки, гуноҳидан тавба қилади. Кирмоний айтадиларки, тавфиқу тоат топади.

Вокзал. Темир йўл вокзалини тушда кўрсангиз, узоқ вақт кўришмаган одамингиз келишига ишора. Агар вокзал залида бўлиб қолсангиз, ўнгда сафарга боғлиқ ишга дуч келасиз.

Вокзал. Вокзални кўриш – сиз учун кўпчилик билан муомала қилиш қийин ва зарарли, ёлғизлик зарур, очик табиат бағрига чиқиш керак; нохуш хотиралар.

Воҳа. Тушда воҳа кўрсангиз, ўнгда дўстларингиздан бири сиздан ёрдам сўрайди, сиз унга ёрдам беришингиз керак, акс ҳолда уни кўнгилсизликлар кутади, агар ёрдам бермасангиз, умр бўйи виждон азобида ўтасиз. Агар

ўзингиз воҳа ўртасида бўлиб қолсангиз, ўнгда бировнинг ёрдамига муҳтож бўласиз.

Врач. Врач соғайишингизни айтяпти – касаллик ва тузалиш умиди; бемор учун – тузалиш эҳтимоли; ўзини врач сифатида кўриш – турмуш тарзини мулоҳаза қилиш ва яхши томонга ўзгартириши лозимлиги.

Вулқон. Тушда вулқон кўриш ҳаётдаги катта ва муҳим ўзгаришларга далолат.

Вулқон. Вулқонни кўриш – хавф белгиси; ғазабланиш эҳтимоли; асаб, руҳият ва гормонал мувозанатнинг бузилгани; отилиб турган вулқон – иситмали касаллик, куйиш.

Г Ғ

Гурунч. Гурунч ейиш – саломатлик ва узоқ умр; гўштхўр одам учун сабзаёт билан гурунч ейиш – ўсимлик маҳсулотлари парҳезига ўтиш кераклиги; бемор ўзининг гурунчдан овқат пишираётганини кўрса – тезда соғаяди.

Гурурланиш. Кимки тушида ўзидан гурурланаётган бўлса, ўнгида унинг мартабасидан кимдир ўзининг ёмон мақсади учун фойдаланади.

Гуруҳ. Агар тушда бир гуруҳ одамлар кўринса, ўнгда дўстларингиз сизни алдашлари мумкин.

Ғусл қилиш. Агар тушида дарёда ғусл қилса, ғамдан халос бўлади. Агар касал бўлса, шифо топади, қамоқда бўлса, озод бўлади.

Гўдак. Ким тушида таниш гўдакни кўрса, хурсандчиликка ишора. Агар нотаниш гўдакни кўрса, ўнгида ташвиш ва ғамни бошидан кечиради, туш соҳибида ожизгина рақиб пайдо бўлади. Кимки тушида катта одамни бола қиёфасида кўрса, ўнгида таънага қоладиган иш қилади.

Ғўла. Агар тушингизда йўл устида кўндаланг ётган ғўлани кўрсангиз, ўнгингизда ишларингизга тўсиқ пайдо бўлади. Ғўлани четга суриб кўйсангиз, ўнгингизда умидингиз узилган ишингиз авж олиб, омадингиз чопади.

Гўнг кўнғизлар. У тушда душман кишидир. Гўнг кўнғизлар яхшиликдан далолат бермайди. Агар унинг чаёнга айланганини кўрса, душманликдан бошқа нарсалар ҳам гумон қилиниши мумкин.

Гўнг кўнғизлар. У тушда ифлос душман кишидир. Яна гўнг кўнғизлар яхшилиги йўқ, жонга тегадиган хотинга далолат қилади.

Гўнг, тезак, ахлат, таппи. Тушда ахлат (нажас) тўплаган киши учун мол-мулк. Гўшти истеъмол қилинадиган қушлар ахлати ҳаром мол-мулк. Ёқилғи ва бошқа нарса учун яроқли тезак бўлса, кўглаб зарарли нарсаларга дуч келиш нишонаси. Инсонлар нажосати касаллик ёки хавф-хатарга далолат. Сигир тезаги деҳқон ва ғаллакорлар учун хайрдан дарак. Тезакка ўтириб олгани кўрилса, мол-мулкка эга бўлади.

Гўнг. Гўнг кўриш ва у билан экинни ўғитлаш – яхши белги; гўнгта ботиб қолиш – хавф-хатар; гўнг аталасини кўриш – овқат ҳазм қилиш органлари касаллиги (ошқозон яраси, санчик, гастроэнтерит, овқатдан захарланиш ва бошқалар); мол гўнгини кўриш – соғлик.

Гўшт. Гўштни кўриш – нохушлик; гўшт ейиш – касаллик.

Гўштқиймалагич. Тушда гўштқиймалагични кўриш шубҳаларга ишора.

Д

Доя, энага. У махфий нарсаларнинг зоҳир бўлишига, касалнинг ўлимидан далолат қилади.

Доя. Ҳомиладор аёлнинг тушида доя кўриши қиз кўришига, ҳомиладор аёлнинг эри тушида доя кўриши ўғил кўришга ишорадир. Ҳомиладор аёл билан унинг эридан бошқалар учун тушда доя кўрмак касалликка ишора, бу касаллик фожеа билан ҳам тугаши мумкин. Балоғатга етган қиз учун бундай туш машаққат ва қашшоқликдан далолат; яъни қиз бола бундай туш кўрса, қашшоқ йигитга турмушга чиқиб, рўзгорни тебратиш қийин бўлади.

Драма. Драма томоша қилиш – турли ҳаётий муаммолар пайдо бўлиши мумкинлиги; стресс ва невроз эҳтимоли.

Дугона. Тушда дугонангизни кўрсангиз, ўнгда кутилмаган жойдан сизга ёрдам келади. Агар дугонангиз билан уришиб қолсангиз, биронта ҳам режангиз амалга ошмайди.

Дудуқланиш. Агар тушингизда дудуқланаётган бўлсангиз, ўнгингизда режаларингизни амалга ошириш учун нимадир тўсиқлик қилади. Режангизни амалга ошириш учун шошилмаслигингиз керак. Агар бировнинг дудуқланиб гапираётганлигини эшитсангиз ё кўрсангиз, ўнгингизда ким биландир бирон нарса ҳақида келишиб олмоқчи бўласиз, аммо у буни истамайди, шунинг учун муомалангиз қийин кечади. Яқинларингиздан биронтаси дудуқланаётган бўлса, демак, сиз шафқатсиз одам экансиз.

Дудуқланиш. Кимдир ёки ўзингизнинг дудуқланиб гапираётганини кўрсангиз, тилингизни тишлаб қоладиган даражадаги хабар келади.

Дуккаклилар. Дуккакли дон – буйрак муаммоси белгиси; ўсиб, гуллаб турган дуккакли ўсимликни кўриш – касаллик чекинади; дуккакли дон таомини ейиш – жанжалли, стрессли ҳолат; витаминлар, хусусан, В гуруҳидаги витаминлар ва энг зарур микроэлементлар,

аввало фосфор, темир, ўсимлик оқсили етишмаслигидан дарак беради.

Дум. Агар киши тушда эшак ёки сигирнинг думини кўрса, бойлиги кўп бўлади. Агар ит ёки тулкининг думи бўлса, ҳаром мол топади.

Дуо. Агар тушда бировни дуо қилсангиз, ўнгда ёрдамга муҳтож одамларга холис ёрдамингиз учун ҳурмат топасиз. Кимки сизни дуо қилса, яқинларингиздан бирининг тўйи ҳақида хабар топасиз, ўзингизнинг ҳаётингиз осуда ва бахтиёр бўлади.

Дур (аёлиники). У эрнинг яхшилиги ва унга кўп совға қилишига далолат. Агар дурлар кумушдан бўлса, аёлида мадорсизликни кўради, маржондан бўлса, дўстлари унга ёрдам беришмайди.

Дурадгорлик асбоблари. Кимки сизга тушингизда дурадгорлик асбобларидан биронтасини бераётган бўлса, ўнгингизда душманингиз уйини эгаллайсиз.

Дурбин. Тушда дурбин билан томоша кўрмоқ яхшиликка йўйилади. Аммо дурбин орқали кимнидир кузатиш ёвузлик рамзидир; бундай ишни тушида қилаётган одам бировнинг оиласини бузишдек ярамас ишга бош қўшади ва ўзи шарманда бўлади.

Дурра. Тушда қизлар бошларига дурра ўрасалар, ўнгда соғликнинг мустаҳкам бўлишига ишора.

Духон сураси. Кирмоний айтадиларки, агар Духон сурасини ўқиса, далилдирки, қийин ишлари осон бўлади.

Духон сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушда Духон сурасини ўқиса, далилдирки, росттўй бўлади.

Душ. Агар тушда душда чўмилаётган бўлсангиз, ўнгда яхши ўртоқлар излашингиз керак экан.

Душман. Тушда душманларингиз ишларингизга халал беришмоқчи бўлса, ўнгда барча ишларингиз муваффақиятли бўлади. Душманингизни ўпсангиз, у билан ярашасиз.

Дўзах. Агар тушда дўзахда бўлиб, азоб аҳлининг дод-фарёдини эшитсангиз, демак, ўнгда сизнинг хатти-ҳаракатларингиз туфайли ўзгалар қийналар экан. Бу туш яна ўнгдаги умидсизлик, пушаймонликка ҳам ишора. Агар сизни дўзахда азоблаётган бўлсалар, ўнгингизда сизни хафа қилган одам келиб, узр сўрайди.

Дўзах. Кимки тушида ўзини дўзахда кўрса, Аллоҳ олдида ўзини гуноҳкор билиб, тавба қилмоғи керак. Бундай туш кўрган одам бой бўлса, саёҳатта чиқсин. Агар кимки тушида дўзахдан қайтганлигини кўрса, демак, ҳаёти яхши бўлиб кетар экан. Дўзахда банди бўлиб, азоблар кўраётган бўлса, ҳаётда кўп мушкулотларга дуч келади. Кимки ўзини маҳшар кунида кўрса, демак, унинг истиқомат қилаётган мамлакатадаги султон ёки подшоҳ адолатсизлик билан иш олиб борар экан. Маҳшар кунини кўрган одамни сўроққа чақиришган бўлса ва бунда унга зулм қилинмаётган бўлса, ўнгида диний ва дунёвий истаклари амалга ошади. Агар сўроқ пайтида унга жаҳл қилинаётган ва силталаётган бўлсалар, истакларининг амалга ошиши секинлашади.

Дўкон. Агар киши тушда дўкон кўрса, хотин олади. Агар дўконни хароб қилса, хотинини талоқ қилади.

Дўл. Агар бемахалда осмондан дўл ёки қор ёғса, ушбу тушни кўрган одам касал бўлиб, сўнгра тузалиб кетади. Агар унинг танасига дўл тегса, қўлидан моли кетади. Ўз вақтида ёққан дўл ғам-ташвиш кетиши ва душманларнинг йўқ бўлишига далолат. Агар дўл йўлларни тўсиб қўядиган даражада кўп бўлса, бу турмуш тарзининг издан чиқиши ва сафар қила олмасликка ишора.

Дўлана. У тушда сариқ рангда бўлса, рангининг сариқлиги миқдорида касалликка далолат. Шунингдек, барча сариқ ранг мевалар касаллик белгиси.

Дўнглик. Тушда дўнглик кўриш ўнгдаги майда ташвишларга ишора. Аммо бу ташвишлар кўпгина кўнгилсизликларни ҳам келтириб чиқаради. Умидсизликка тушмасдан бу ташвишларни енгишингиз келажагингиз учун яхши самара беради.

Дўппи. У тушда сафар, уйланишдир. Ким тушида ўзига дўппи берилганини кўрса, узоқ сафарга чиқади. Агар бошига кийса, салтанатга эришади.

Дўст. Тушда дўстларни яхши кайфиятда, соғлом ва қувноқ кўрсангиз, ўнгда яхши хабар оласиз. Агар дўстингиз хафа бўлса, касалга чалинасиз. Дўстингиз бошқа қиёфада кўринса, рақиблар пайдо бўлади ва улар сизни маҳбубингиздан ажратади. Дўстингиз ялтироқ кийимда бўлса, сизни нотинчлик кутади, бу атрофингиздагиларга ҳам таъсир ўтказади. Агар дўстингиз кутилмаганда юқори мартабага эришса, режаларингиз амалга ошади ва меҳнатларингиз муносиб тақдирланади.

Е Ё

Енгсиз кийим. Тушингизда енгсиз уст кийим кийсангиз, ўнгингизда хотиржамликни йўқотасиз.

Ёниш. Тушда ёниш – виждон азоби; баланд ҳароратли қаттиқ касаллик.

Ёнут. Айиққа ўхшаган мўйнали кичик жуссали ҳайвон. Бундай ҳайвонни тушда кўриш қариндошлардан бирининг касал бўлишига ишора.

Ёпинчиқ, паранжи. Ёпинчиқ тушда аёл кишининг эридир. Унинг кенг бўлиши киши ҳолатининг яхшилигидир. Агар ёпинчиқ қора, эски бўлса, унинг эри фақир киши бўлади. Ёпинчиққа етган бало аёл кишига эри борасида етган мусибатдир. Агар аёл киши одамлар тўпланган жойда рўмоли – ёпинчиғини бошидан

олганини кўрса, у аёл одобга зид иш қилади ёки эри билан ажрашади.

Ер. Тушда яхши бир жойдан ер олсангиз, ўнгда оилангизда бахт ҳукмрон бўлади. Парвариш қилинган жой ҳам шундай. Агар олган ерингизни майса қоплаган бўлса, қўлингизга пул келади. Ҳосил бермайдиган ер қайғуга ишора. Агар олган ерингизга буғдой экилган бўлса, меҳнатингиз билан бойиб кетасиз. Агар полиз экинлари ўсиб ётган бўлса, кўнгилсизликлардан далолат. Тушдаги ер қанча катта бўлса, бойлик ҳам шунча кўп бўлади.

Ерга тўшаладиган тош, плита. Кимки тушида мрамар ўрнида ёйилган кўп тошни кўрса, мансаб, машина ва яшаб турган жойида ўзгариш бўлишига далолат. Тоштахта ўрнида кенг тўшалган мрамарни кўрса, яхшилик ўрнини ёмонлик эгаллайди.

Ертўла. Тушда кўрилган ертўла маккорлик ва хийла ишлатишга далолат. Ким тушида ертўлага кириб, у ердан осмонни кўрмаса, ўғри молларини олиб кетади. Мусофир бўлса, йўли тўсилади. Ертўлада намоз учун таҳорат олса, молини ўғирлаган киши ушланади.

Ёруғлик. Ёруғлик тушда Аллоҳ назаридир. Ёруғлик унинг юрагига тушса, унинг иймони пок бўлади.

Ёсин сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Ёсин сурасини ўқиса, далилдирки, оқибати хайрли бўлади. Кирмоний айтадиларки, умри узок бўлади ва Ҳақ таолонинг раҳматини топади.

Ёстик, болиш. У тушда сақланган мол, сир сақловчи аёл ва машаққатдан роҳат топишдир.

Ёстик. Ёстик кўриш, сотиб олиш – хавф-хатар ёки касаллик; ёстикда ётиш – бўйин муаммоси; ёстик қўйилган кўрпа – организм узок дам олиши зарурлиги.

Ёсуман. Тушда ёсуман гулини кўрсангиз, ўнгда қувонасиз.

Ётмоқ. Тушда тўшак узра чўзилиб ётган бўлсангиз, ўнгингизда сафарга ишора бўлади.

Етти юлдуз. Тушда ушбу юлдузлар шарафли олим кишига далолат қилади. Ким уларнинг ҳаммаси йўқолганини кўрса, шу шаҳарнинг уламолари вафот этади.

Етуклик гувоҳномаси. Агар тушингизда мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномани олсангиз, ўнгингизда шу пайтгача сир сақлаб келган нарсангиз ошкор бўлади.

Ечим. Агар тушингизда бирон масаланинг ечимини топсангиз, ўнгингизда қийин ишингиз муваффақиятли ҳал бўлади. Агар ечимни тополмасангиз, хатти-ҳаракатингиз тўфайли обрўйингизга путур етади.

Ёш бўлиш. Агар тушида ёш бўлиб қолса, эпчил бўлади. Агар ўз ёшидан қари бўлса, ҳурмати кўп бўлади.

Ёш йигит. Уни тушда кўриш насиба ва душманлар устидан ғалабага далолат қилади. Баъзида эса яхши ишга далилдир.

Ж

Жосия сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Жосия сурасини ўқиса, далилдирки, Аллоҳга тавба қилади.

Жубба. Рухонийлар киядиган узун чопон – жубба кўрсангиз, ўнгда тинчингиз бузилади.

Жума сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Жума сурасини ўқиса, далилдирки, Ҳақ таолога тавба қилади.

Жума. Ким жума кунда эканини туш кўрса, Аллоҳ таоло ишларини ўнглайди, қийинчиликдан қутқаради.

Жун рўмол. Тушда жун рўмол кўрсангиз, ўнгда фаровонлик даври келганидан далолат.

Жун чодир. У тушда мунофиқлик ва ёмон ишларни бекитишга далолат.

Жундан ёки ипдан тўқилган қоп. У сир сақловчидир. Уни кўриш сафар қилишдан далолат.

Жунублик (булғаниш). Ким жунуб бўлиб қолса, ўнгида покланади. Ким жунуб ҳолида намоз ўқиган бўлса, Аллоҳга итоат қилиш йўлида сафар қилади.

Журнал. Журнал варақлаш, ўқиш – организмнинг чарчаган ва дам олишни талаб қилмоқда.

Жухуд. Агар тушда киши жухуд бўлса, бидъат йўлига киради. Агар жухуд мушрик ё бутпараст бўлса, залолатга кетади, мусулмон бўлса, дарҳол оламдан ўтади.

Жўги. Уни липа ҳам дейдилар. Тушда жўги дарахтини кўрсангиз, ўнгингизда алданиб қолишингиз мумкин.

Жўжа. Жўжаларни кўриш – болаларингиз ва уйга ғамхўрлик қилиш лозимлиги.

Жўжалар. Бир аёл тушида бир китобни охиригача ўқиб бўлибди, хонасига тўсатдан иккита жўжа кириб, китобларни йиғиштира бошлабди. Аёл туш таъбирини сўраб Ибн Сириннинг олдида борганида, у икки эгизак ўғил кўришини ва улар илмли одамлар бўлиб етишишларини айтибди.

Жўлак (тахта кана). У тушда душман. Ғам-ташвишга ҳам ишора. Кимга жўлак ташланиб, уни ўраб олса, ёмон одамлар обрўсини тўқиб, хафа қилади.

Жўн тақинчоқлар. Агар тушда сизга жўн тақинчоқлар совға қилишса, демак, сиз ҳаётда ҳамманинг эътиборини ўзингизга қаратишга интиласиз.

Жўхори. Тушда жўхорини кўриш ўнгдаги кўнгилочар ўйинлар ва муваффақиятга йўйилади.

Жўяк. Тушда томорқадаги жўякни кўриш машаққатли меҳнатга ишора бўлади. Агар жўяклар бузиб ташланган бўлса, ўнгингизда муаммога дуч келасиз, пул масаласида муаммо пайдо бўлади.

3

Зинапоя. Зинапоядан тепага кўтарилиш – турмуш, иш ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланиши; беморнинг соғайиши; пастга тушиш – уларнинг акси.

Зира, зира уруғи. У мол-дунёдир.

Зираворлар. Улар тушда гўдаклигида вафот этадиган болага, оз вақт бўладиган хурсандчиликка, заволга учрайдиган тижоратга, ажрашиб кетадиган аёлга ёки олиб кўйиладиган мансабга далолат қилади. Яна зираворлар пулдир.

Зирак. Қулоқдаги зирак – қулоқнинг зирак тақилган жойи ижобий қувват берувчи таъсирга муҳтож (уқалаш, игна санчиш).

Зирак. У тушда ёмон гап ёки хурсанд этувчи яхшиликдир.

Зирапча. Зирапча киргани – жанжал, стресс ва ёмон кайфият; зирапчани суғуриб олиш – яхши кайфият; зирапча ёмон одам бўлиши ҳам мумкин, ундан кутилиш зарур.

Зирк. Тушда зирк бутасида мевалар борлигини кўрсангиз, ўнгда манфаат кўрасиз. Агар зирк буталари қуриган бўлса, ўнгингизда омад сиздан юз ўтиради.

Зобит. У тушда ўлим фариштаси, ғам-ташвиш, қайғу-азоб. Агар иши туфайли кимнидир ҳибсга олса, қариндошлари ўртасида хусумат юзага келади.

Зовур. Тушингизда зовурдан сакраб ўтсангиз, аввалги гуноҳларингиз одамлар томонидан унутилади, зовурга тушиб кетсангиз, ишингиз орқага кетади, гуноҳларингиз эслатилади.

Зоопарк. Зоопарқда бўлиш – кучли, ёвуз ва бешафқат одам томонидан бўлиши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантиради.

Зориёт сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Зориёт сурасини ўқиса, тоат ва ибодатга машғул бўлади.

Зотдор туя. Зотдор туя мусофир, шайх ёки машхур киши ёхуд сабрли, вазмин одамга далолат қилади.

Зоҳид. Тушингизда дунё лаззатлари ва қувончларидан кечган зоҳид бўлсангиз, ўнгингизда аҳмоқона иш билан машғул бўласиз, омадсизликка рўпара келасиз.

Зулук. Тушда зулук кўришни очкўзлик, таъмагирликка йўядилар. Кимки тушида баданига зулук кўйса, ўнгида молида камчилик кўради; кимдир унга зарар етказаётган экан.

Зулук. У тушда инсон жасадини ейдиган қурт ўрнида бўлиб, аҳли аёли ва фарзандларнинг қайғусидир. Ким тушида зулукнинг бурни, зақари, орқаси, қорни ёки оғзидан чиққанини кўрса, аёли ҳомиласидан айрилади. Зулук хасис душманга далолатдир.

Зулфин. Агар тушингизда эшик зулфинини ўз халқасига солсангиз, ўнгингизда муваффақият қозонишингизга ва эркин бўлишингизга далилдир.

Зумар сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Зумар сурасини ўқиса, далилдирки, Аллоҳ уни паноҳида афв қилади.

Зумрад. Ботир ва олижаноб одам рамзи, шунингдек, қонуний мулкка ишора.

Зумрад. Тушда жаннатга кириш учун қилинадиган амалларга далолат. Ким тушида зумрадга эришганини кўрса, у солиҳ дўстлар ёхуд тарбияли ўғил фарзандлар ё фойдали илм, яхши ҳалол мол-давлатни қўлга киритади.

Зуҳо сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Зуҳо сурасини ўқиса, ғарибларни азиз қилади.

Зухро юлдузи (Ой ёнидаги энг ёруғ юлдуз). Тушдаги Зухро юлдузи айблов, бекорчилик, ўйин-кулги, тасвир, қимматбаҳо нарсалар, чиройли суратлар,

чиройли либослардир. Ким тушида унга дуч келса ёки унинг устига тушса, эҳтимол, айбланади ёки юқорида зикр этилганларга ноил бўлади ё шуларни берадиган кимсага йўлиқади. Кўпинча уланади. Ким Зухрони Ой билан бирлашиб ёки тушиб ё ёниб кетганини кўрса, кизи ва болалар билан ўйнашни англатади. Яна мажнун, тентак, аҳмоқ ва овсарларни кўриш, хайрли бўлмаган сўзларни эшитишга далолат. Зухро – подшоҳ хотини. Яна айтилишича, ўзга миллатли аёл.

Зухруф сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Зухруф сурасини ўқиса, далилдирки, намоз ўқийди ва рўза тутади. Жаъфари Содик айтадиларки, ростгўй бўлади.

Зўрланиш. Қиз тушида зўрланганлигини кўрса, ўнгида унинг номусини топтайдиган бахтсизлик рўй беради.

И

Ифлос нарса. Тушда ифлос нарса ёки жойни кўрсангиз, бу туш яхшиликка йўйилмайди: шарманда бўлиш, ғийбат ва кўнгилсиз воқеалар. Агар кийимингизни ифлос қилган бўлсангиз, ўнгда шарманда бўлишингиз тайин. Агар ифлосликдан четлаб ўтсангиз, ўнгда кўнгилсиз воқеадан қутулиб қоласиз.

Ихлос сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Ихлос сурасини ўқиса, далилдирки, у пок диндир.

Ихтиро. Агар тушда бирон нарса ихтиро қилсангиз ёки ихтиро қилишга қизиқсангиз, ўнгда барча орзуларингиз амалга ошади.

Ич кетиши. Тушда ич кетиши – мол-дунёни исроф қилиш. Яна бахиллик ҳамдир. Аёл киши учун тўлғоқ тутишидан дарак беради. Ким тушида ичкетар касалига йўлиқса, ўнгида енгилтаклигини ташлаши лозим.

Ичак. У тушда қориндан чиқиб кўриниб турса, аёли, қизлари касал бўлишига далолат. Агар унда бирор нарса ёрилса, у ўлим ёки оиланинг ажралишига ишора. Ичак мол-дунёдир.

Ичак-чавоқлар. Ичак-чавоқлар – ички органлар касаллиги; қориндан операция бўлиш эҳтимоли.

Ичимлик. Тушга алкоғолли ичимлик кирса – жигарнинг касалланиши ва бошқа нохушликлар; алкоғолсиз ширин ичимлик – қандни кўп истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган семизлик, қандли диабет ва бошқа дардлар; мева ва сабзавот ичимлиги – организмда витамин ва микроэлементлар етишмаётгани.

Ичиш. Тушда сув ичиш – организмдаги сув балансини таъминлаш зарур; ниҳоятда тиниқ сув ичиш – саломатлик; лойқа сув – касаллик; ютоқиб, жуда кўп сув ичиш – қандли диабет эҳтимоли.

Ички кийим. Йиртилган ички кийим – тананинг йиртиқ жойга тўғри келадиган қисми касалланиши мумкинлиги рамзи; жавондаги тоза ички кийимни кўриш – соғлигингиз тикланади; кир ички кийим – яширин дард; беморнинг ички кийимини ювишингиз ёки яқин қариндошлари юваётганини кўриш – бемор тузала бошлагани; ювилган тоза кийимни дорда шабада ҳилпиратиб тургани – ўзгариш ва ҳаяжонли дақиқалар юз бериши; янги оддий ички кийим сотиб олиш – соғликнинг яхшиланиши; аёл кир ички кийимни ёки уни бошқалар юваётганини кўрса – ўзи ҳақидаги иғволар натижасида стрессга тушиш; ўзи бировларнинг кир ички кийимини юваётганини кўрса – касаллигининг сабаби бошқаларни ғийбат қилиши ва иғвони яхши кўриши; эркак киши аёллар ички кийимини танлаб харид қилаётганини кўрса – ортиқча ҳиссиётлилиқ ва аёлларни қаттиқ ёқтириши касаллигининг сабаби. Агар тушда

кўпчилик орасида ичкийимда ўтирган бўлсангиз, ўнгда кўп синовлар бошингиздан кечади.

Ички органлар. Ким ўзининг ичидаги нарсаларни кўрса, сақлаб қўйган бойлиги ошкор бўлади. Ким тушида инсон жигарини тановул қилаётганини кўрса ёки инсон жигарига етишса, ўнгида кўмиб қўйилган мол-дунёга эришади. Агар жигар кўп ва пиширилган бўлса, у хазинадир.

Ичмоқ. Тушда ширин шароб ёки сув ичиш ҳидоят, илмга далолат. Ким тонг сахарда ширин сув ичса, ҳалол мол-давлатга эришади.

Иш изламоқ. Тушда иш излаб юрган бўлсангиз, ўнгда ишларингиз ривожланади. Агар тушингизда излаб-излаб, яхшироқ иш топсангиз, ўнгингизда омадингиз қайтади.

Ишқ. У тушда балога далолат. Ким ўзининг ошиқлигини кўрса, балога учрайди. Агар "Мен сени яхши кўраман", деган кишини тушида кўрса, у уни ёмон кўради.

Ишлари тугаши. Агар тушда кимнингки ишлари тугаса, ўнгда ишлари яхши бўлади. Агар тугамаса, аҳволи ёмондир.

Ишонч. Тушда бирон нарсага ишонаётган бўлсангиз, ўнгда иккиланмасдан бир қарорга келишингиз керак.

Иштаҳа. Тушда ўзингизга ёкқан таомни иштаҳа билан еяётган бўлсангиз, ўнгингизда ошқозонингиз безовта қилади. Агар таом ёгингиз келса-ю, ейдиган ҳеч нарса тополмасангиз, ўнгингизда умидингиз пучга чиқади.

Иштаҳа. Тушда иштаҳанинг ҳаддан ташқари яхшилиги – яқин орада овқат ҳазм қилиш органларининг касалланиши мумкинлигини билдиради.

Иштон. У хотиндир. Агар хотин киши қизил иштонни кўрса, тухматга қолади. Агар шу либос билан ўз ҳовлисидан чиқса, ёмонликка учрайди.

Иштонбоғ. У хафа киши учун хурсандчилик, хурсанд киши учун хафалиқдир.

Июнь ва Июль. Тушда июль ойини кўриш – ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, ишдаги муваффақият ва қувонч; организмнинг ультрафиолетга чанқоқлиги. Июнь – меҳнатингиздан қувониш.

Й

Йўлбарс. Тушда йўлбарсни кўришлик золим подшоҳ ёки куч-қудратли, номдор душманга далолат қилади. Ким тушида йўлбарсни ўлдирса, душманини бўйсундиради. Ким унинг гўштини еса, мол-давлат ва шарафга етишади. Кимки уни минса, жуда улкан салтанатга эга бўлади. Кимки йўлбарс уни минганини кўрса, унга подшоҳдан зарар етади. Кимки урғочи йўлбарсга уйланганини кўрса, золим қавмдан бўлган фосиқ аёлга эга бўлади. Кимки ҳовлисида йўлбарс кўрса, унинг ҳовлисига фосиқ киши ҳужум қилади. Кимки тушида йўлбарсга ё қоплонга айланганини кўрса, фосиқ киши тарафидан бир манфаат топади. Кимни йўлбарс тишласа, унинг тишлагани миқдорда зарар етади. Йўлбарс эркак кишига ҳам, аёлга ҳам далолат қилаверади. Бу унинг ранги ўзгарувчан бўлганлигига кўрадир. У маккор ва айёр ҳайвондир. Шунингдек, у касалликка ҳам, иккала кўзнинг оғришига ҳам далолат қилади. Йўлбарс душманчилиги қаттиқ бўлган қайсар душманга ҳам ишора. У бунда шердан ҳам ёмонроқ нарсага далолат қилади. Ким йўлбарс билан урушаётганини кўрса, у шу каби бир киши билан урушади.

Йўлбарсни миниш. Агар тушда йўлбарсга минилса, ўнгда унинг иззат-обрўсига душмани ҳасад қилади.

Йўлбарсни ўлдириш. Агар тушда йўлбарсни ўлдирса, ўнгда диндан юз ўтиради.

Йўлдан нопок нарсаларни олиб ташлаш. Бундай туш динда ғайрат қилишга, уйғоқликка далолатдир. Яна хотин, фарзанд ва ўйлаб гапиришни ҳам билдирса, баъзан ширинсуханлиги ёки садақа бериши сабабли гуноҳлари кечирилишига ишора. Агар йўлга тикан, тош ёки одамларга азият етказадиган нарсани ташласа, ўнгида фоҳишага тили ва қўли билан озор беришига далолат қилади.

Йўлтўсар. Ким тушида йўлтўсарни кўрса, ўнгида ғийбат ва тахминларга ишонадиган бўлади. Қиз бола тушида йўлтўсарларнинг қурбонига айланса, ўнгида шахсий ҳаётидаги кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиши керак экан. Ким йўлтўсар билан хотиржам ўтириб гаплашса, ишонувчанлиги учун ҳасадгўйларнинг таъсирига берилиб, ташвишда қолади.

Йўсин. Зах жойда ўсадиган ўтни йўсин дейдилар. Кимки тушида йўсин кўрса, ўнгида тинчлик ва хотиржамлик топади.

Йўтал. Тушдаги йўтал шикоятга далолат қилади. Ким тушида йўталаётганини кўрса, раҳбарга алоқаси бор инсон устидан шикоят қилади. Йўталиб томоғи тикилиб қолса, вафот этади.

К Қ

Кул (чўри). Кимки тушида чўри сотиб олган бўлса, ўнгида истаклари ижобат бўлади. Агар кимки тушида ёшгина қулининг катта бўлиб қолганлигини кўрса, ўнгида бузукликни ташлайди. Тушда кул сотиб олиш қувончдан, қулни сотиш ғам-андух ва ёлғон гувоҳликдан далолат. Кимки тушида ўзининг қул қилиб сотилаётганлигини кўрса, бу туш камбағал учун фаровонлик, бой одамга ташвиш, беморга тузалишдир.

Кўл. Ким тушида ўзини икки қўли йўқ ҳолда кўрса, у эриша олмайдиган нарсага интилади. Ким тушида мусулмон киши билан қўл бериб кўришмоқчи бўлганда у қўлини тортиб олса, омонат олиб, сўнг унга риоя қилмайди. Ким тушида ўнг қўлини кесилган ҳолда кўрса, у қасам ичувчи бўлади. Ким тушида ўнг қўли кесилиб олдига қўйилган ҳолатни кўрса, унга касби орқасидан кўп молу давлат келади.

Кул. У ҳаром молдир.

Қулаган дарахт. Ким дарахт қулаб тушганини ёки кесилганини ё ёқиб юборилганини ёхуд кучли шамол синдириб юборганини кўрса, эркак ёки аёл киши ҳалок бўлади ёхуд ўлдирилади.

Кулги. Тушда кулиш ўнгдаги хафалиқдан далолат.

Кулги. Одамларнинг кулаётганини кўриш – ёмон воқеалар ва унинг стрессли оқибати; иш бошлашидан аввал ўзининг кулаётганини кўриш – нохушликлар ва ишдаги муваффақиятсизликларни кутинг; ишдан кейинги кулги – муваффақият, қувонч ва янги иш бошланиши.

Кулиш. Кулиш тушда хурсандчилик ва шодликка ишора. Қаҳқаҳа отиб кулиш, чалқанча ётиб кулиш ғамташвиш ва йиғига далолат. Тушдаги кулги биров устидан кулиш бўлса, уйғоқликда мазах қилувчи йўқлигига ишора. Тушда тақлид қилиб кулиш бахтсиз ҳодиса юз беришини билдиради. Кулги – хафагарчилик.

Кулоқ қурти. У кулоққа кирадиган жонзот бўлиб, уни тушида кўриш бошлиқ учун душмандир.

Кулоқ. Кимнингки тушида кулоғи узилиб тушган бўлса, қизи ўлади ёки хотинига талоқ беради. Агар кулоғини тозалаётган бўлса, қувончли хабар эшитади. Ўзининг гаранг бўлганлигини кўрса, диний ва илмий ишларида омад бўлади. Кулоғининг ичига қумурсқа кирса, ўлимидан далолат. Кимки кулоғининг ёввойи

хайвон ёки филникидек катта бўлиб кетганлигини кўрса, ғаройиб воқеаларни эшитади.

Кулоқларни беркитиш. Тушда инсон кулоқларини беркитиши хайрон қолиш ёки унга кимдир ёлгон гапиришига ишора.

Кулол. Ким кулолни тушида иш устида кўрса, ўнгида бировнинг таъсирига тушиб қолади ва бу келажакдаги ишларига салбий таъсир кўрсатади. Агар тушда ўзингиз кулол бўлсангиз, ўнгда сабрингиз, бировларни ишонтира олишингиз, хунарингиз ишларингизнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Кулол. Кимники тушида унга кулолчилик асбоблари тутқазилса, ўнгида унинг мулкини бирон зўравон одам тортиб олади.

Кулупнай. Ўртоқларингиз билан кўнгилхушлик қиласиз.

Кулф. Тушда эшикка кулф солиш ўнгдаги муаммоларни ҳал қилишдан қочишига ишора. Синган кулф — дўстларнинг хиёнати. Калит соладиган тешиксиз кулф туш соҳибининг ўнгида иши тез орада ҳал бўлмаслигидан далолат. Кимки тушида ғалати шаклдаги кулфни кўрса, ўнгида қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Тушида ерга тушиб кетган кулфни кўрган киши ўнгида бирон муҳим сирни кашф этади. Агар тушингизда кулф кўрсангиз, демак, ишларингиз пухта экан; ўнгингизда ишларингиз осонлик билан битади. Ибн Сирин тушда кулф кўриб, уни очишни дунёвий ва охират ишларининг рост ва мустаҳкам бўлишига йўйган, агар кулфни очолмаса, бунинг аксидир, деган.

Кулф. Кулф кўриш – одамлардан нарироқ юриб, ўзингиз билан ўзингиз бўлишингиз кераклигини билдиради. Бошқа таъбир: биқиклигингиз муаммоларингиз сабабчисидир, дегани.

Кулфламоқ. Ким тушида янги эшикни кулфласа, бўйдоқ бўлса, солиҳа аёлга уйланади. Агар уйланган бўлса, аёли билан ажрашади. Бир иш учун бир неча эшик кулфланса, ўша иш эгаси учун боқий қолади. Кулф очилса, унда макр бўлади.

Кум. У тушда хийла, ўғрилик, мулк ва сафардан келадиган фойдага далолат қилади.

Кумсоат. Шиша идишда куми бўладиган ушбу соатнинг куми ва шишаси икки фарзандга ё ака-укага ёки икки шерикка далолат қилади. Гоҳида кумсоат ўз соҳиби учун зийнат ва жамолга далолат қилади.

Кумтепа. Тушда денгиз қирғоқларидаги кумтепаларни кўрсангиз, ўнгингизда кейинги таътил пайтингизда Ўрта Ер денгизига дам олишга кетинг. Бошқа жойлардаги кумтепаларни кўриш меҳмон келишига ишора бўлади.

Кумуш. Кимга тушида кумушдан ясалган идиш, тақинчоқ ёки шунга ўхшаган бирор нарса берилса, ўнгида мол ёки матони омонатга беради. Ким тушида хазина бор ғорга кириб, кумушдан ясалган матога эришса, хотини унга макр қилади. Агар кумуш кўп бўлса, хазинага етишади, кумуш эритаётганини кўрса, у аёли билан уришиб қолади, одамлар орасида гап бўлади. Кумуш ойнага қарашда яхшилик йўқ.

Кумуш. Кумуш кўриш – бахт ва яхши кайфият; бемор учун аҳволининг ёмонлашуви, дардига таркибида кумуш мавжуд дори даво бўлиши мумкинлиги.

Кунгабоқар. Кунгабоқарни кўриш – яхши нишона: кўтаринки кайфият, жисмоний ва руҳий аҳволнинг яхшиланиши, ўзига ишонч, мақсадга етиш. Бундан ташқари, тиббиёт нуқтаи назаридан авитаминоз, хусусан, В, Е витаминлари, мис, магний, фосфор микроэлементлари танқислиги; кунгабоқар ёғини ейиш

– хайвон ёғини истеъмол қилишни камайтириш зарурлиги.

Кундалик. Кўнгилли ишларни хулосалашга ишора.

Кундуз. Агар тушда кундуз куни юрганингизни кўрсангиз, ўнгда воқеаларни аниқ кўриб, баҳо бера оладиган бўласиз.

Кундуз. Тушдаги манзара қуёш нур сочиб турган кундуз куни кечса – яхши кайфият, воқеанинг ижобий ривожланиши; ҳаво булут, ёмғирли кунда кечса – хафагарчилик.

Кундуз. Агар шу хайвон тушингизга кирса, ўнгда ғайрат билан ўқишингиз керак. Фақат ҳаёт тарзингизни ўзгартирманг, акс ҳолда ёмон бўлади.

Кунжут. Кунжут тушда ризқ ва ҳалол мол-давлатдир. Ким тушида кунжут экса, у гуллаб-яшнаётган вилоят ва ривожланаётган савдо, зухд, баракали касб-кор ва хурсандчиликка эришади. Қовурилгани – ёмонлик ва толиқиш. Яна айтадиларки, кунжут ва хантал ўсимлиги фақат табиблар учунгина яхшилик белгиси, бошқалар учун эса иситма касалига далолат.

Қурайш сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Қурайш сурасини ўқиса, далилдирки, кўрқувдан халос бўлади. Жаъфари Содик айтадиларки, халққа эҳсон қилади.

Курак, ҳокандоз. У тушда бўйдоқ киши учун сир ва молни сақлайдиган аёлдир. Баъзан ғам-ғуссанинг кетиши, қарздан қутулишга далолат қилади. Ким тушида қўлида курак кўрса, унга яхшилик келади.

Кураш. Тушда курашиш ўнгдаги ташвишлар, жанжалларга ишора. Агар тушда ёвузликка қарши курашаётган бўлсангиз, ўнгда сизни мукофот кутади.

Кураш. Кураш – соғлар учун ўзини такомиллаштириш зарурлиги шарти; беморлар учун дардни енгиш, у

организмнинг бутун кучини ишга солиши лозимлиги борасида огоҳлантириш.

Қурбақа салласи. Тушда қурбақа салласига дуч келсангиз, ўнгда бировларнинг сўзига ишонманг.

Қурбақа. Агар тушда ариқдан қурбақа тутиб олсангиз, ўнгда ўз соғлигингизга эътибор қилмас экансиз ва шунинг учун ҳам тез-тез касалга чалинасиз.

Қурбақа. Қурбақа – касаллик; томоқ оғриши эҳтимоли (ангина ёки бўғма) ё юрак дарди (стенокардия); кўз теккани ё кинна.

Қурбонлик қилиш. Тушда қурбонлик қилиш барча ташвишлардан фориғ бўлмоқ ва бараканинг юзага чиқишидир. Агар тушда қурбонлик қилган хотин ҳомиладор бўлса, солиҳ ўғил туғади, асир бўлса, асирликдан халос бўлади, қарздор бўлса, қарзини тўлайди. Фақир бўлса, бой бўлади. Ким тушида қурбонлик гўштини одамлар орасида тақсимлаб берса, ташвишлардан қутулиб, азизлик ва шарафга эришади. Ким тушида қурбонлик гўштини ўғирласа, ёлғон гапиреди. Баъзи уламоларнинг айтишича, касал одам тушида қурбонлик қилса, ўлади.

Қурғоқчилик. Тушда қурғоқчилик кўриш фойда ёки мерос олишга ишора. Агар кўрган тушингизда ердан ҳовур чиқаётган бўлса, кимдир сизнинг ёрдамингизга муҳтож экан. Тушингизда қурғоқчилик туфайли қуриб қолган боғни кўрсангиз, ўнгингизда режаларингиз амалга ошмайди. Бу режа турмуш қуриш билан боғлиқ бўлса, тўй бузилади. Агар тушингизда қуруқ ерда гул очилиб турган бўлса, ўнгингизда барча қийинчиликларни енгиб, ҳаётингизни яхши томонга ўзгартирасиз. Қурғоқчилик ҳақида хабар олсангиз, ўнгингизда ҳасадчиларнинг режалари амалга ошмайди. Тушингизда қурғоқчилик туфайли ташналикни ҳис қилсангиз, ўнгингизда ажойиб одам билан учрашасиз ва

фойдали ишга кўл урасиз. Агар курғоқчилик чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси содир бўлса, бошлиқларингиз билан келишолмай қоласиз. Курғоқчилик пайшанбадан жумага ўтар кечаси бўлса, ўнгингизда оилавий муносабатлар бузилади. Якшанбадан душанба ўтар кечаси тушингизда курғоқчиликни кўрсангиз, кўпроқ вақтингизни молиявий масалаларга сарф қилинг.

Курғоқчилик. Курғоқчилик – ишдаги омадсизлик, рухий тушкунлик.

Куриб қолиш. Инсон баданининг куриб қолиши ёки қоғоз куриши фақирлик ва машаққатга далолат қилади.

Курилиш моли (алебастр). Ким улардан бирини кўрса, гуноҳ иш қилиши мумкин.

Куриш. Ўзингиз қураётган бўлсангиз – соғлигингиз яхшилиги, жисмонан ва руҳан бақувватлигингиз; курилишни кўриш – ҳаётингизда яхши ўзгаришлар содир бўлиши; курилишни кўриш такрорланаверса – ўз танангиз курилишини тиклаш ҳақида қайғуриш зарурлиги.

Курка. Узоқ касалликдан далолат.

Курол. Курол кўриш – хавфдан огоҳлантириш, эҳтиёт бўлиш зарурлиги; рухий ёки жисмоний жароҳат хавфининг юқорилиги.

Куролланган одамлар. Кимки тушида куролланган одамларни кўрса ва улар уни таъқиб қилаётган бўлсалар, у улардан қочиб кутулса, ўнгида ўз нуқтаи назарида собит туради.

Курт. Курт кўриш – ичак касаллиги; баданида курт кўриш – стресс ва салбий ҳиссиётлар.

Курт. Курт чақимчи, инсонлар орасини бузадиган кишига далолат қилади. Ёки кишининг молидан ейдиган аҳли аёлидир.

Куртка. Куртка кўриш – унинг аҳволи соғлик даражасини белгилайди. Йиртиқ куртка – касаллик ёки жароҳат, иссиқ куртка – шамоллаб қолиш эҳтимоли.

Куруқ кашнич. Куруқ кашнич кишига моллари фойда беришидир.

Куруқ хурмо дарахти. Куруқ хурмо дарахти мунофиқ кишига далолат қилади.

Куруқ мева. Куруқ мева кўп турадиган ризқдир.

Қуръон. Кимки тушида Қуръон ўқиётган бўлса, доноликдан далолат.

Қуръон. Уни тушда қироат қилиш – амр, наҳий, шараф, сурур ва нусратдир. Ким тушида Қуръонни Мусхафга қарамай, зоҳиран қироат қилса, у ҳақ иш тўғрисида хусумат қилаётган бўлади. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган хушгуъли мўмин бўлади. Агар бир киши тушида ўзига Қуръондан бир нарса берилганини кўрса ёки кўлида Қуръон бўлса, ўша оят ёки Қуръон ҳарфини ёдида сақласин, агар у раҳмат ҳақида ёки башорат тўғрисида нозил қилинган бўлса, уни кўриш таъвили унга етадиган раҳмат ёки башорат бўлади. Агар унинг нозил қилиниши васият ҳақида бўлса, у унга амал қилса, Аллоҳ таъмасидан манфаатли васият бўлади. Агар азоб тўғрисида нозил қилинган бўлса, бу касб қилган бир гуноҳ тўғрисида ўч олишдан огоҳлангиришидир. Агар васият бирор ҳадис ёки ўтган умматлардан мисол бўлса, бу у учун мавъизадир. Агар киши тушида Қуръондаги бор нарсанинг нималигини билиб, тиловат қилса, у иймонли киши бўлиб, Аллоҳ таоло унга ақл ато қилур.

Қусиш. Кимки тушида кўнгли айниб қусса, ўнгида гуноҳлари учун тавба қилади ёки бирон қилган ишидан пушаймон бўлади.

Қусуқ. Тушда қайт қилиш ўнгда тавба ёки олган нарсасини эгасига қайтаришидир.

Кутириш. Тушингизда кутириб, ўзингизни бошқара олмаётган бўлсангиз, ўнгингизда мушкул аҳволга дуч келасиз. Бундай тушдан кейин ҳалокатга ҳам учрашингиз мумкин. Агар бошқа бир одамнинг кутирганлигини кўрсангиз, кўнгилсизлик рўй беради.

Кутича, нафис сандиқча. Тушдаги нафис кутича инсонларнинг сир-асрорларини ўзида сақлайдиган аёл кишидир.

Кутубхона. Тушда кутубхонага билим олиш учун борсангиз, ўнгда сизни фойдали танишувлар кутади.

Кутубхона. Кутубхонани кўриш – турмуш тарзи ҳақида ўйлаш вақти етган; ақлий ва асабий чарчоқ.

Куч. Ким тушида кучлилиги билан танилса ёки "кучли" деган ном билан васф қилинса ё бошқа одамга кучини кўрсатса, куфр ишларга мойил бўлишига далолат.

Кучли чақмоқ. Бу жароҳат ёки ўлим.

Кучоқлаш. Тушда ўз эрини ёки хотинини бемалол ё гамгинлик билан кучоқлаш оилавий жанжалга ишорадир. Тушда ўз яқинларини кучоқлаш жанжал ва касалликка далолат. Ошиқ ўз маъшуқасини тушида кучоқласа ҳам, шундай бўлади. Агар тушингизда кимнидир қувонч билан кучоқлаётган бўлсангиз, ўнгингизда бахтиёр бўласиз. Тушда нотаниш одамни кучоқлаш кутилмаган меҳмонга ишора бўлади.

Кучсизлик. Тушда ўзингизни бирдан кучсиз ва ҳолдан тойган кўрсангиз, ўнгда омадингиз қайтишидан далолат.

Кучук. Қора кучук кўриш оилага бошлиқ бўлишга далолат. Оқ кучук эса туш кўрувчининг иймонидир.

Кучук. У маҳбуб боладир.

Куш боласи. Уни тушда кўриш яхшилиги йўқ одамларга далолат қилади.

Куш жўжаси. Пиширилган ёки қовурилган куш жўжаси машаққатли молдир. Ким тушида жўжани хом

еса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аҳли ёки шарафли кишиларни, агар у йиртқич қушларнинг жўжаси бўлса, султонларнинг болаларини ғийбат қилган бўлади.

Куш тумшуғи. Тушда кўрилган куш тумшуғи азизликка, мартабага, буларга эга киши учун эса уларнинг янада ошишига далолат қилди.

Куш. Кимки тушида куш кўрса, бир пайтлар йўқотган нарсаси кўлига қайтади.

Куш. Ноаниқ куш ўлим фариштасига ишорадир. Майда тош, барг, қурт ёки шунга ўхшаш нарсаларни олиб, самога кўтарилса ва касал ётган уй тепасидан ўтса, касал вафот этади. Киши ушбу тушни кўрган вақтида аёли ҳомиладор бўлса, кушнинг нар ёки модалигига қараб, ҳомиланинг ўғил ёки қизлиги аниқланади.

Кушлар. Кушларни кўриш ва уларга дон бериш – жанжалли ҳолатлар; бўш куш уяси – қалбнинг бўм-бўшлиги; полапонли ёки тухумли уя – бахтли оила истаги; инидан учиб чиқаётган куш – омад.

Кушларнинг учиши. Ким тушида унинг жойида кушлар уяётганини кўрса, фаришталарни кўрган бўлади.

Кушнинг жинси. Туш кўрган кишининг ҳомиладор аёли бўлса, агар куш нар – эркак бўлса, фарзанд ўғил, агар куш мода – урғочи бўлса, фарзанд қиз бўлиши мумкин.

Кушнинг ранги. Агар куш оппоқ бўлса, у софлик аломатидир. Агар бўғиқ рангли бўлса, у ноаниқ ишдир.

Қуюн. Тушда қуюнни кўриш ўнгда бирон сирни билишга ишора. Шунингдек, бу туш бахтсиз ҳодиса ва фалокатдан ҳам далолатдир. Кимки тушида қуюн ичида қолган бўлса, ўнгида ҳар қандай тасодифлардан эҳтиёт бўлиши керак. Кимки тушида қуюндан яширинаётган бўлса, ўнгида ҳар бир ишини ўйлаб киладиган бўлади. Тушда қуюн оқибатидан ўлаётганлигини кўрган киши

Ўнгида касалланиб, тўшакка миxlаниб қолади. Агар тушингизда кум куюнида қолган бўлсангиз, ўнгингизда сизни шубха қийнайди ва содир бўлган воқеани қай тарзда баҳолашни билмайсиз. Агар тушингизда куюн ичида қолган бўлсангиз, бу шуни англатадики, муаммолардан қочиb қутула олмайсиз, қандай бўлмасин, уларни ҳал қилишга тўғри келади. Тушингизда куюн ичидан чиқишга ҳаракат қилаётган бўлсангиз, ўнгингизда муаммолар ичидан қутулиб чиқиш йўлини бор кучингиз билан излайсиз. Агар куюн сизни ўраб олса, ўнгингизда молиявий муаммолар бошингизни қотиради. Куюн ҳамма нарсани супуриб кетаётган ва дарахтлар қулатаётган бўлса, ўнгингизда барча тўсиқлар йўқолади. Агар душанбадан сешанбага ўтар кечаси тушингизга куюн кирса, ўнгингизда сиздан бирон нарсани яширяптилар ва бу сир, албатта, ошкор бўлади. Жумадан шанбага ўтар кечаси тушингизда куюн кўрсангиз, ўнгингизда кимдир сизнинг ишингиз билан қизиқаётган бўлади.

Кўғирчоқ. Тушда кўғирчоқ кўрсангиз, ўнгида сиз бировларнинг таъсиридан қутулиб чиқиб кетолмайман, деб ўйлар экансиз. Лекин куч тўплашингиз ва бошқалар таъсиридан қутулишингиз керак.

Кўғирчоқ. Кўғирчоқ – бир кишининг иккинчи одамга мутелиги; синган ёки тўзғиган кўғирчоқ – жароҳат ёки касаллик; игна тикилган, бўялган ёки лой чаплангани – "иссиқ-совуқ" ёки кўз тегиши.

Кўз врачл, окулист. У илмга эътибор билан қарашга далолатдир. У хабар соҳибидир.

Кўз ёши. Агар у совуқ бўлса, хурсандлик, иссиқ бўлса, хафалиқдир.

Кўз оғриши. У қизғанчиқлик ёки ғафлатдир.

Кўз хиралиги. Тушда кўз хиралигини кўрмоқ яхши одам билан учрашмоққа ишора. Яна бу туш ўнгида эҳтиёт

бўлишингизни ҳам англатади, чунки сизга ҳасад қиладиган одамлар зиён келтириши мумкин. Севишганлар бундай туш кўрсалар, танлаганлари ўзларига номуносиб. Аёл киши кўрса, ўнгда маҳбубининг ишончидан усталик билан фойдаланаётганидан виждони қийналади.

Кўз. Ким тушида кўзни кафтида тутиб турган бўлса, бир қанча тангаларга эга бўлар экан. Камбағал одам тушида ўзининг кўр бўлганини кўрса, ўнгида қашшоқлик азобидан кутилади. Агар мартабали киши тушида сафарда бўлганида кўр бўлиб қолганлигини кўрса, ўнгида, албатта, бўлажак сафарни рад этмоғи керак. Чунки бундай туш кўргандан кейин ҳам сафарга борса, ундан қайтиб келмайди. Сафарда юрган киши тушида ўзида битта ортиқча кўз борлигини кўрса, йўлда адашиб қолади, сафар жойига келиб қўнган одам бундай туш кўрса, ўз мулкидан эҳтиёт бўлсин; ўғирлатиши мумкин. Киши тушида кўзига сурма кўяётган бўлса, дин йўлига кириб, одамлар ўртасида эътибор топади. Агар тушида сурма қўлида турган бўлса, ўнгида мулкка эга бўлади.

Кўз. У қувонадиган мол-дунё, фарзанд, ака-ука, ота, раҳбар ёки лидерларга далилдир. Ўнг кўз эркак киши, катта ёшли ва улуғларга далолат қилса, чап кўз пасткаш кишиларга ишора. Ким тушида жасадида кўп кўзларни кўрса, буларнинг ҳар бири диндаги зиёдалик ва салоҳиятдир. Агар у қалбининг кўп кўзи борлигини кўрса, таъвилда уларнинг нури миқдорича яхшилик бўлади. Агар кўзи темирдан бўлса, унинг обрўйи кетади ва қаттиқ ғамга ботади.

Кўз. Тушда ўз кўзларини кўриш – шу тунда ўз қалбини тушуниш; хира кўриш – чарчок, умумжисмоний ҳолсизлик, асаб тизимининг бўшашгани, нохушлик ва салбий ҳиссиётлар; кўрлик – катта ташвишлар, жароҳат; кўзнинг санчиши – виждон азоби; чиройли, чакноқ, сал

катгалашган кўзлар – яхши кайфият; беморлар учун – соғайиш; хира кўзлар – касаллик ва ташвишлар; ёшли кўзлар – хурсандчилик ва яхши воқеалар; ёш чиққунча кулаётган кўзлар – нохушликлар; бегона кўзларни кўрганда уларнинг ранги, холати, ифодасига эътибор бериш керак: қора ёки қора-тўқ жигарранг кўзлар – кўз тегиши ва кинна; меҳрли, чиройли, катта ва ёрқин кўзлар (қора ва тўқ жигаррангдан ташқари) – саломатлик ва бахтдан дарак; йиғлаётган кўзлар – келгусида турмушнинг ёмонлашуви; катта очилган, кўркув тўла кўзлар – хавф-хатар белгиси.

Кўза. Кимки тушида кўза кўрса, ўнгида қиз фарзанд кўради. Таъбирчилар кўзани завжа ва хизматкорга ҳам йўйадилар.

Кўза. У тушда ишониб қўлига мол топширилган мунофиқ ходимдир. Кўзадан сув ичиш яхши ҳаёт ва ҳалолликка далолат. Ким кўзадаги нарсанинг ярмини ичса, умрининг ярми ўтган, агар ҳаммасини ичса, умри тугаган бўлади. Хотини ҳомиладор бўлган эр кафтида кўза синиб, суви қолганини кўрса, хотини вафот этиб, бола тирик қолади.

Кўза. Ичи тўла кўза – саломатлик; тўла эмас кўза – соғлигингиз даражасини белгилайди; бўш ёки синган кўза – касаллик (хусусан, нафас йўли ва буйрак); жинсий қоникмаслик; майдаланган кўза – режа ва умидларнинг барбод бўлиши, сурункали касалликнинг кучайиши.

Кўзача. Ўртоқларингиз орасида уятчанги пайдо бўлади.

Кўзбўямачилик. Ким тушида кўзбўямачининг таъсирида бўлса, ўнгида кимнингдир таъсирида қолишига ишора. Агар ўзингиз тушда кўзбўямачи бўлиб қолсангиз, ўнгда сизга барча сирлар ошкор бўлади, бу нарса ҳаётдаги аҳволингизни яхши томонга ўзгартириб юборади.

Кўзга оқ тушиши. Тушда кўзингизга оқ тушган бўлса, ўнгда яқинларингиз сизни алдайди, бундан қаттиқ озор чекасиз. Агар бировнинг кўзига оқ тушганини кўрсангиз, яқинларингиздан бирининг бошига иш тушганда ёрдам берасиз, у сизни бу ишингиз учун мукофотлайди.

Кўзгу. Тушда кўзгуга қараш ўзликни англашни билдиради. Агар кўзгуга қараб ўзингизни кўрсангиз, ўнгингизда бошқаларга зарар келтиришингиз мумкин.

Кўзгу. Кўзгуни кўриш – нохушлик ва алданиш натижасида хафа бўлиш; кўзгуни синдириш – қалбларзаси ва хасталик.

Кўздан тупроқ ёғиши. Агар тушда кўздан тупроқ ёғилса, далилки, машаққат чекмасдан мол-дунё топади.

Кўзиқорин ейиш. Ким тушида кўзиқорин еганини кўрса, у ҳалолдан мол касб қилади.

Кўзиқорин. Тушда кўзиқорин кўрсангиз, ўнгда тез орада атрофингиздагиларни бир иш билан ҳайратда қолдирасиз.

Кўзиқорин. Тушида кўзиқорин кўрган ёки терган одам ўнгида муваффақиятга эришади.

Кўзиқорин. У тушда вафодор киши бўлиб, улуғлар уни яхши кўради. Бир ривоятда беоқибат аёлдир, дейилган.

Кўзичоқ сўйилиши. Ким тушида кўзичоқ сўйганини кўрса, унинг ёки яқинларининг фарзанди вафот этади.

Кўзичоқ. У тушда фарзанд бўлади. Кўзичоқнинг гўштини еса, ғам бўлади, ўлдириб, уни еса, мусибат этади.

Кўзичоқ, кўзи. У тушда ота-онасига итоатли ўғил фарзанддир.

Кўзлар. Кўзларингиз тушингизда тиниқ кўраётган бўлса, ўнгда катта муваффақиятга эришасиз, сизни эътироф этадилар. Ким тушида батамом кўр бўлиб қолса,

ўнгда берган ваъдасидан қайтади, фарзандлари ҳаёти хавф остида қолади.

Кўзмунчоқ. Тушда кўзмунчоқ кўрсангиз ёки уни тақиб юрсангиз, режаларингизни амалга ошириш учун кимнингдир қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезасиз. Бу туш ҳушёр бўлишингиз ва ақл билан иш тутишингизга ҳам даъват этади.

Кўзтумор. Кўзтумор ва шунга ўхшаш нарсаларни тушда кўриш хушxabарга ишора.

Кўй гўшти. Тушингизда кўй гўшти кўрсангиз, ўнгингизда ишлардаги ривожга йўйилади, кўй гўшти емоқ манфаатга ҳам таъбир қилинади.

Кўй гўшти. Тушда кўй гўшти емоқ галдаги омадга йўйилади.

Кўй думбаси. Тушда кўйнинг думбаси катта неъмат, фойдали илм ва болалар каби яхши заҳирага далолат килади.

Кўй сути. Кўй сути агар соғиб олинган бўлса, ҳалол молдир.

Кўй терисини шилувчи. Тушда кўй терисини шилувчи шахсни кўриш золим султон ёки одамларнинг молини олиб, пинҳон тутадиган нозирдир.

Кўй уюри. У тушда солиҳ итоаткор халқдир. Кўй хотин, куллар, фарзандлар, экинлар, мевали дарахтларга далолат. Кўй молдор, мастура, чиройли, сахий аёлдир.

Кўй. Агар тушингизда ўтлаб юрган кўй подасини кўрсангиз, ўнгингизда орзуларингиз амалга ошади. Кўйларнинг маъраши ўнгингизда оилавий бахт ва ҳурмат-эътиборга далолат.

Кўй. Тушда кўй кўриш — ҳарбий ўлжага ишора. Агар кимки тушида жуда кўп кўй сотиб олган бўлса, ўнгида қандайдир жамоага бошлиқ бўлади. Бошқа ҳайвонларга эга бўлиш ҳам шуни англатади. Кимки кўй сўйилганлигини кўрса, ҳукмдордан манфаат кўради.

Кўй. Ўтлаб юрган кўйлар – соғлик ва бахт ваъда килувчи яхши белги.

Кўйлак. У тушда кишининг илми ёки хурсандчилик. Кўйлакни агар эркак киши кийса ва у эскиса, у аёлидан беҳожат бўлади. Агар кўйлак йиртилса, аёли ёки шеригидан ажрашади.

Кўйлак. Чиройли кўйлак кўриш ёки кийиб юриш – кайфиятнинг кўтаринки бўлиши; қора кўйлак – ғам; иссиқ кўйлак – шамоллаш; йиртиқ кўйлак – жанжал ва касаллик эҳтимоли.

Кўк анжир ва оқ узум. Кўк анжир, оқ узумни қиш фаслида кўриш ёмғирга далолат қилса, иккисини қора рангда кўриш совуқ ҳавога ишорадир.

Кўк нок. Ўз вақтидан бошқа вақтда кўрилган нок, агар кўк рангли бўлса, келган ташвишдир.

Кўк пиёз ейиш. Бир ривоятда ким тушида кўк пиёз еса, зулм ёки ўғирлик билан топилган, ёмон кўрилган ҳаром молни еган бўлади, дейилади. Агар уни пишириб еса, у тавба қилади ва ҳаром молдан қайтади. Ким кўк пиёз олса, унга надомат қиладиган сўз сўзлайдилар.

Кўк пиёз. У тушда қар киши томонидан етадиган ризқдир.

Кўк тўн. Кўк тўн мазорат бўлади.

Кўкаламзорлик. Ким тушда кўм-кўк далада югуриб юрганини кўрса, у яхшилик қилади.

Кўкат қолдиқлари. Ким боғидан кўкат қолдиқларини тўплаётганини туш кўрса, хотинининг яқинлари томонидан унга ёмонлик ва хусумат тўпланади. Агар тушида бир даста кўкат кўрса, бу туш унга ёмонликдан огоҳлантиришдир.

Кўкат. Яхшилик килувчи кишилардир.

Кўкат. Кўкат ейиш – тушингиздаги кўрган ўтларни ўнгингизда ҳам истеъмол қилсангиз, соғлом бўласиз;

организмда энг муҳим витаминлар ва минерал моддалар танқислиги.

Кўкатлар. Кўкатлар борасида уламолар ихтилоф қилганлар. Баъзилари яхшилик, десалар, бошқа уламолар барчаси ёмонликдир, деганлар. Чунки унинг ёғи ҳам, ширинлиги ҳам йўқ. Бошқа бир уламолар эса у оз вақт қилинган тижорат, қисқа умрли бола ва мол ҳамда вақтинча раҳбарликдир, деганлар. Агар, борди-ю, хафаликка далолат қилса, у ҳам оз муддатли бўлади.

Кўкатчи. У ғам-ташвишли, ёмон сўзли кишига далолат қилади. Шунингдек, сабр-қаноатли ва бахил бўлишга ҳам ишорадир.

Кўкнори уруғи. У тушда ҳалоо молдир. Ким тушида уни кўрса, ҳалоо ризққа етишади.

Кўқонгул. Мақсадга эришиш учун кўп синовлардан ўтишингиз керак бўлади.

Кўкпиёз. У тушда ризқдир. Яна ким тушида кўкпиёз еса, зулм ёки ўғирлик билан топилган, ҳаром молни еган бўлади, дейилади. Агар уни пишириб еса, у тавба қилади ва ҳаром молдан қайтади.

Кўкрак. Агар аёл киши тушида кўкракларининг чиройли бўлганини кўрса, ўнгида севгилисидан хат олади. Оилали аёл боласини эмизаётган бўлса, ўнгида фаровонликка эришади. Қиз бола эмизаётган бўлса, ўнгида бахти қисқа бўлади. Хоҳ эркак, хоҳ аёл кўкрагида жун борлигини тушида кўрса, ўнгида бойлик топади.

Кўкрак. Кимки тушида аёл кўкрагини очик кўрса, фарзандга йўйилади.

Кўктарғоқ. Сувда яшаб, балиқ билан озиқланадиган боши катта қушни балиқчи деб ҳам атайдилар. Тушда ҳурпайган кўктарғоқни кўриш об-ҳавонинг ўзгаришига ишора. Агар кўктарғоқ учиб кетса, ўнгда кейинги кунларингиз қайғули бўлиши мумкин.

Кўл билаги. Агар у оғриси, бу кўл билан қилинган ишнинг ботиллиги ва хафаликка далолат қилади.

Кўл. Ким тушида узоқдан тиниқ сувли кўлни кўрса, ўнгида ҳаётида ўзгаришлар бўлмайди. Агар кўл бўйида туриб, сув юзида ўз аксини кўрса, ўнгида тез орада бирон эркак билан танишади.

Кўл. Тоза сувли тинч кўл – руҳий покланиш зарурлигини билдиради; тўлқинли кўл – руҳий ҳаяжон; ифлос сувли кўл – касалликдан дарак.

Кўлқоп. Сешанбадан чоршанбага ўтар кечасидаги тушингизда кўлқоп кияётган бўлсангиз, ўнгингизда сизни муваффақият кутади. Душанбадан сешанбага ўтар кечаси кўлингизга кўлқопни ўлчаб кўраётган бўлсангиз, ўнгингизда ҳар қандай ҳолатдан обрў билан чиқиб кетишингизга ишора. Якшанбадан душанбага ўтар кечаси тушингизда кўлқопингизни йўқотсангиз, ўнгингизда хунук иш қилишдан эҳтиёт бўлинг. Агар тушингизда бировнинг кўлқопини топиб олиб кийсангиз, ўнгингизда сурбет одамга дуч келасиз.

Кўллар. Кимки тушда нотаниш аёлнинг яланғоч кўлларини кўрса, ўнгида мулкка эга бўлиб, дунёвий ишлари яхши бўлади. Кимнингки кўллари боғланган бўлса, ингидан ёки динидан маҳрум бўлади. Агар кўллари қуриган ёки кучсиз бўлиб қолганини кўрса, яқинлари уни ташлаб кетадилар. Кўллари кўплигини кўрса, ўнгида ажойиб ишларни амалга оширади, шарти шуки, туш соҳиби виждонли одам бўлса. Агар виждонсиз одам бўлса, бузуқ ва жиноий ишларини кўпайтиради. Кимнингки кўллари хиноланган бўлса, бировнинг қатлида иштирок этади, агар икки кўли бўялган бўлса, ташвишлари кўпаяди.

Кўлмак. Кўлмак – хавф белгиси; унга йиқилиб тушгандан сакраб ўтиб кетган яхши.

Қўлтиқтаёқ. Кимки тушида қўлтиқтаёққа таяниб юрган бўлса, бировдан ёрдам олишига йўйилади.

Қўлтиқтаёқ. Қўлтиқтаёқда юриш – ҳаётингиздаги аҳволнинг ёмонлашуви белгиси. Қўлтиқтаёқни синдириш – соғайиш.

Кўмир. У хатарли кишидир. Бир ривоятда ҳаром молдир, бошқа ривоятда султон томонидан бериладиган молдир, дейилган. Ким тушида кўмирга ўт кетганини кўрса, унинг моли тортиб олинади. Ёнаётган кўмир кул каби бўлса, ботил ишдир. Қишда кўмир мол деб таъбир қилинади.

Кўмирчи. Уни тушда кўриш ёмонлик, ҳийла, фитна, юзи қаролик ва ёлғонга далолат қилади. Кўмирчи кишиларнинг молини тортиб олиб, уларни ёқиб юборадиган золим бошлиқ, деб таъбир қилинади.

Кўнғиз. У душман ва ҳаром мол эгасидир. Айтилишича, у адоватли, ёқимсиз ва бир шаҳардан бошқа шаҳарга мол ташувчи кишидир.

Кўнғиз. Кўнғизни кўриш – майда ташвишлар, ёмон кайфият, тепса-тебранмаслигингиз туфайли кимдир сизни босиб ўтиши мумкинлиги.

Кўнгил айниши. Тушда касалик туфайли кўнгил айниса, ўнгда катта зиён келтирадиган нарсани йўқотишга ишора. Агар тушда сабабсиз кўнглингиз айниган бўлса, ўнгда кўп азобу укубатлардан кейин ишларингиз йўлга тушиб кетади. Аммо тўйиб овқатлангандан кейин қайт қилиб юборган бўлсангиз, ўнгингизда мол-мулкингиздан ажраласиз.

Кўнғироқ. У тушда ҳайвонларнинг бўйнида бўлса, яхшилиқдир. Кўпинча у сафарга далолат қилади. Насронийларнинг кўнғироғи хусумат ва муҳим ишларда инсонларни тўғри йўлга бошлайдиган олим кишига далолат қилади. Кўпинча урушга, ризққа ва намозга ҳам ишора.

Кўнғироқ. Телефонда кўнғироқ қилиш – соғлигингиз учун одамлар билан муомалани чеклаш зарур; кўнғироқ чалиш – хавфли ҳолат ва руҳий қўллаб-қувватланиш истаги.

Кўнғироқли соат. Соатни кўриш ёки кўнғироғини эшитиш – биологик ритмингиз бузилганини билдиради; асаб тизимингиз чарчаган; айниқса, соат цифрига диққатингиз жам бўлиши ёки баланд давомли кўнғироқ овози ёмон.

Кўп атиргуллар. Кўп атиргуллар кўплаб иттифоқ ва шартномаларга далолат қилади.

Кўп йиғлаш. Агар тушда кўп йиғласа, ўнгда шодлик ва хуррамлик топади.

Кўп кўкатлар. Тушда ҳузурида кўп кўкат бўлиши ёки кўп кўкатни кўриш мансабдан кетиш ва қайғу-аламли бўлишга далолат қилади.

Кўпол ва бақироқ киши. У бой ва бахил кишиларга ишора.

Кўполлик. Кимки тушида кўпол одамни учратса ва унинг кўполлигидан озор чекса, ўнгида хафачилик содир бўлади. Агар тушингизда кўпол одамлардан кўпини учратсангиз, ўнгингизда ўйламай қилган ишингиз учун пушаймон бўласиз. Агар уларнинг орасидан қутулиб чиқсангиз, ўнгингизда кимдир сизга чигал ишлардан холи бўлишингизда ёрдам беради.

Кўприк. Тушда кўприк кўриш тўрт нарсага далил бўлади: йўл, мушкулларнинг осон бўлиши, мартаба, хабар. Агар балоғатга етган қизнинг тушида олдидан бирдан кўприк чиқиб қолса, енгилтак йигитлардан эҳтиёт бўлиши керак.

Кўприк. У тушда тўғри йўлга далолатдир. Кўпинча илм, намоз, ҳидоят, рўза тутишга сабаб бўлувчи нарсани англатади. Яна у мол-дунё, аёл, фарзандга далолат

қилади. Ким кўприкча ёки катта кўприкка айланса, унинг мартабаси ошади.

Кўприк. Кўприк – одамлар билан алоқа ўрнатиш зарурлиги ва бу муаммолардаги қийинчиликлар.

Кўра, тўсиқ. Кўра тушда ризқ, фойда, мол-мулклар сақланадиган хазина, омборларга далолат.

Кўра. Кўрани кўриш – хавф белгиси. Молларни кўрага хайдаб кирилаётганини кўриш – эҳтиёт бўлиш зарурлиги (агар ўзингизни кўрага қамашса – хавф жуда катта).

Кўргазма. Тушида кўргазма кўрган кишининг ўнгида янги ўзгаришлар, қизиқишлар пайдо бўлади.

Кўргазма. Кўргазмани томоша қилиш – иш муваффақияти ва ижобий ҳиссиётлар; етакчи бўлишга интилиш; тиббий текширувдан ўтиш зарурлиги.

Кўрғон. Кўрғонни кўриш – ҳаётнинг ўткинчи экани устида ўйлаш лозим; ғалати, тушунарсиз воқеалар юз бераётгани натижасида руҳиятнинг зўриққани.

Кўричак. Агар тушда кўричагингизни олиб ташлаган бўлсалар, ўнгда режаларингиз амалга ошиши учун барча тўсиқлар йўқ бўлади.

Кўрқинч. У тушда тинчликдир. Кўрқинч тавбага далилдир. Ким тушида кўрққани ва бир киши унга кўрқма, деганини кўрса, у кўр бўлиб қолади. Чўчиш тушда сафар учун ҳаракат қилиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишга далолат қилади.

Кўрқув. Тушда нимадандир кўрқсангиз, ўнгингизда ташвиш тортасиз, аммо бу ташвиш яхшилик билан тугайди. Агар тушингизда кўрқмаётган бўлсангиз, ўнгингизда ишларингиз тез ривожланиб кетади.

Кўрқув. Тушингизда бирон нарсадан кўрққан бўлсангиз, ўнгингизда асабий ҳолатда бўласиз. Бу асабийлик ишингиз билан боғлиқ. Агар тушингизда ўзингиз бировни кўрқитган бўлсангиз, ўнгингизда

қариндошларингиз ва яқинларингизни бирон янгилик айтиб хайрон қолдирасиз.

Кўрқув. Тушда кўрқсангиз – яқинлашаётган хавф, стресс ва касаллик белгиси.

Кўрлик. Ким тушида кўр бўлганини кўрса, бой бўлади. Агар тушида бир киши уни кўр қилганини кўрса, у уни адаштиради.

Кўрпа. Тушда кўрпа кўриш уйланишга ишора бўлади, бахтли бир оила соҳиби бўлишдан ҳам далолатдир.

Кўрфаз. Агар тушда кўрфаз кўрсангиз, барча кўнгилсиз воқеалар сизни четлаб ўтади. Кўрфазнинг атрофини баланд қирғоқ ўраган бўлса, ҳаётингизда хавф бўлмайди.

Кўршапалак. У тушда обид кишидир. У яна паҳлавонлик ва хавфнинг кетишига далолат. У ҳомиладор аёллар учун яхши, чунки у ҳам туғади. У қуруклик ёки сувдаги мусофир киши учун яхши эмас. У яна жойнинг харобалигига ишора. У тушда сеҳргар аёл ва яна ўта золим кишига далилдир.

Кўршапалак. Кўршапалакни кўриш – нохушликлар, салбий эҳтирос, руҳиятнинг жойида эмаслиги, "иссиқ-совуқ" ёки кинна киргани.

Кўтос. Тушда ёввойи ҳайвон ҳисобланган кўтосни кўрган кишининг ўнгида ишида кўнгилсизликлар бўлади, раҳбарлари унинг ишидан норози бўлади. Агар тушингизда кўтос сизни шохи билан туртиб юборса, ўнгингизда пул муаммоси пайдо бўлади. Тушда кўтосни ўлдириш ўнгдаги омадга ишора.

Кўча. Уни тушда кўриш шубҳаларга тушиб қолишга далолат қилади.

Кўчат. Кўчат кўриш, уни экиш – орзунинг юзага чиқиши, кўтаринки кайфият, оилада кўпайиш (фарзанд туғилиши)дан дарак берувчи яхши туш.

Кўчиш. Сизни ўз уйингиздан кўчиришаётган бўлса, ҳаётингизда муҳим ўзгариш рўй беради.

Кўчки. Тушда тоғлардан қор уюмининг ёпирилиб тушаётганини кўрсангиз, ҳаётингизда ҳайратда қолдирадиган ҳодиса рўй беради, лекин булар сизга қувонч келтирмайди.

Кўчқор. Кўчқор кўриш – қарор қабул қилишдан аввал яхшилаб ўйлаш, ақли киши билан маслаҳатлашиш лозим, аксинча, зиён етади; нодон ва қайсар одам билан учрашув; кўчқорнинг шохига эътибор берсангиз – жисмоний ёки руҳий жароҳат; гўштини ейиш – ўзингизга зарар етказмайсиз.

Кўшиқ. Кўшиқ тушда мусибатдир. Агар тушда кўшиқ тингласа, ботил сўз эшитади.

Кўшиқ. Кўшиқ эшитиш ёки кўшиқ айтиш – саломатлик ва яхши кайфият; бошқача таъбири – нафас органлари муаммоси эҳтимоли.

Кўшин (армия). У тушда Аллоҳ таолонинг аскарларидир. Улар раҳмат фаришталаридир. Ёки азоб фаришталари бўлиши ҳам мумкин. Ким ўзини аскар ҳолида подшоҳнинг девонида унинг ризқидан еб юрганини кўрса, кийинчиликсиз раҳбар бўлади. Ким бетоб бўлиб, ўзини кўшин орасида кўрса, вафот этади. Аскарни кўлида қуроли билан кўриш яхши турмушга далолат қилади.

Кўшни. Агар тушда ён кўшнингизни кўрсангиз, ўнгингизда, албатта, уй ишларига қарашишингиз керак экан.

Кўштирноқ. Агар тушда хат ёзатуриб, бирон сўзни кўштирноқ ичига олсангиз, ота-онангиздан хабар оласиз.

Кўшхотинлик. Кўнгилсизлик ва хор бўлишни англа-тади.

Л

Ловиясимон ўсимлик ва унинг меваси. Уни тушда кўриш касалнинг ўлимига ёки уни егани ё емаганини кўрган бўлсин, у жисмининг хароб бўлишига далолатдир. У хароблик ёки фалокатга далил бўлади.

Лой. Лой ишлари билан шуғулланадиган одамлардан ташқари барча учун тушда лой кўриш ўлимдан далолатдир. Бундай туш аёллар учун ўнгида кўнгилсизликлар келтириб чиқаради; оқибатда севги ишларида муваффақиятсизлик содир бўлади.

Лой. Тушдаги лой касаллик ва хорликдир. Тушда лой ва лойгарчилик кўриш ўнгида ишларнинг юришмаслигига ишора. Қуруқ лой мол-дунёдан айрилиш, демакдир. Ким тушида Набий (с.а.в.)нинг қабрларини лой билан суваётганини кўрса, пул топиб, ҳаж қилади. Ким уйини лой билан суваётганини кўрса, у яхши тушдир. Ким тушида лой ёки пахса билан ўралиб қолса, вафот этади.

Лойга ўралиш. Ким тушида лой ёки пахса билан ўралиб қолиб йўқолса, ўлади.

Лойдан бўлган гишт. У тушда қўлга киритиладиган молдир.

Лойхўрак. Тушда лойхўрак деган қушни кўрсангиз, ўнгида узоқдаги дўстингиздан хат оласиз. Лойхўракнинг гўштини емоқ оилавий тотувлик ва фаровонликка ишора. Агар лойхўракни кўриб хурсанд бўлиб кетган бўлсангиз, ўнгида турар жойингиз ёки машғулотингиз ўзгаради.

Лом. Тушда лом кўриш – рухий жароҳат олиш; муаммони кўпол йўл билан ҳал қилишга уриниш эҳтимоли.

Лотин тили. Тушда лотин тилини ўрганаётган бўлсангиз, ўнгида билим олишга чанқоқ бўласиз.

Лоторея. Лоторея – стресс, алданиш туфайли сиқилиш.

Лочин. Қўниб турган ёки тўғри учаётган лочин – сизда катъият етишмаяпти; айланиб учаётган лочин – алдов натижасида стресс ҳолатига тушишингиз мумкин; кескин пастлаётган лочин – вазиятнинг ёмон томонга ривожланиши (бемор учун аҳволининг оғирлашуви); баландга кўтарилаётган лочин – воқеанинг яхши томонга ривожланиши (бемор учун аҳволининг яхшиланиши).

М

Мойчечак. Тушда мойчечак кўрсангиз, ўнгда сизни қийнаб юрган саволларга жавоб оласиз.

Мол гўшти. Кимки тушида мол гўшти кўрса, ўнгида кўнгилсиз хабар эшитади.

Мол гўшти. Кўнгилсиз воқеа.

Мол гўшти. Тушда мол гўштини кўриш ва ейиш – нохушлик, касаллик белгиси; мол гўшти ейишни камайтириш ёки умуман емаслик керак (айниқса, ёқимсиз маза сезсангиз).

Мол доктори. Тушингизда мол докторини кўрсангиз, ўнгингизда кимдир қийналганингизда ёрдам беради.

Мол. Тушда мол подасини ўтлатаётган бўлсангиз, демак, ўнгда фарзандларингиз билан муносабатингиз яхши, сиз уларнинг энг яқин сирдош дўстисиз.

Мол-мулк. Мулкка эга бўлиш ёки йиғиш – соғлиқнинг ёмонлашуви, жанжал, стресс; модда алмашинувининг бузилиши, семириб кетиш ва бошқа шу каби муаммолар; мулкни сотиш – ички қарама-қаршилиқлардан қутилиш; асабий ва жисмоний бўшашув, ошқозон-ичак трактининг касалланиши.

Момақалдиروق. Бой одам тушида момақалдиروق қалдираганини кўрса ё эшитса, ўнгида камбағаллашади,

камбағал одам бундай туш кўрса, фаровонликка эришади.

Момақалдиروق. Момақалдиروقни кузатиш – руҳиятнинг беқарорлиги ёки хавфли воқеалар юз бериши мумкинлигидан дарак. Момақалдиروق қанчалик кучли (тез-тез, овози қаттиқ, шамол, ёмғир) бўлса, хавф шунчалик кучли.

Момақалдиروق. У тушда ёмғирсиз бўлса, хавфдир.

Мотор. Тушда мотор кўриш – вужудни жисмоний кучайтириш керак; бутун организм, хусусан, юрагингиз камҳаракатликдан азоб чекмоқда.

Мохов. Ким тушида мохов касаллигига гирифтор бўлса, лавозимидан тушади. Агар танасида мохов кўпайса, кўп мол-дунёга далолат. Яна у ҳаром молга ҳам ишора.

Моъун сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Моъун сурасини ўқиса, далилдирки, намоз ўқийди.

Муаззин овози. Агар кимнингки тушида муаззин ибодатга ўз вақтида чақирмаётганлигини кўрса, ўнгида ўзига нисбатан кўпол муомалага дуч келади, агар муаззин овозини эшитса, ўнгида айбсиз айбдор бўлиб қолади. Кимки тушида муаззиннинг ибодатга чақирғини эшитиб, ибодат учун кетаётган бўлса, ўнгида ҳаж сафарига чиқади.

Муаззин. У тушда яхшиликка чақирувчи, даллол ёки никоҳ ўқувчи, подшоҳ элчисига далолат. Агар у азонни ҳаж ойларида тўлиқ айтса, ҳажга, гоҳида ўғирликка ишора. Агар аёл киши жомеъ мезанасида азон айтса, ўша шаҳарда катта бидъат пайдо бўлади.

Муаллиф. Тушда муаллиф бўлиш – хиссиётларининг юзага чиқишини кутиш ва кўнгил қолиши; руҳият ва асабнинг барқарор эмаслиги; касалингиз сабаби шон-шухратга ўчлик бўлиши мумкин.

Муддассир сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Муддассир сурасини ўқиса, далилдирки, солиҳ амал қилади.

Мудраш. Тушда мудраб ўтирганингизни кўрсангиз, ўнгингизда нарсангизни йўқотишдан эҳтиёт бўлинг.

Мужодадала сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Мужодадала сурасини ўқиса, далилдирки, халқни дин йўлига сафарбар этади.

Муз (совук). У ташвиш ва азобдир. Лекин инсон бирор идишга сув куйгач, у музлаб қолса, кетмас давлатта эришади. У қишда кўрилса, ғам-ташвишлар кетишига ишора ва душман, хасадгўйларнинг мағлуб бўлишини билдиради. Агар сув музлаб, дарахтларни нобуд қилиб, эшикларни тўсиб қўйса, турмуш ёмонлашуви ва сафардан қолишга далолатдир.

Муз. Муз – хавfli ҳолат, стрессни ифодалайди; жароҳат хавфининг ортиши; қалтис ҳаракат қилмаслик кераклигидан огоҳлантиради.

Музтоғ. Яширин душманга ишора.

Музқаймоқ. Музқаймоқ кўриш, ейиш – тиш оғриғи; жинсий истакнинг совиши; эркаклар учун – кўпайиш органининг муаммолари; кучли овқатларни кўп еяётгани.

Мукофот. У қийинчилик, ғам ва бошқа одам қўлидаги молга таъма қилишга далолат қилади. Агар тушида йўқолган нарсани топса ёки мукофот бериладиган иш қилса, бу аҳдига вафо қилиш ва муҳаббатни муҳофаза этиш ҳамда савобли ишлар қилишга далолатдир.

Муззаммил сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Муззаммил сурасини ўқиса, тўғри йўл топади.

Муқова. Тушда муқова кўриш мерос олишига ёки қонуний йўл билан мол топишга ишора.

Мулк сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Мулк сурасини ўқиса, далилдирки, унга қабр азоби йўқдир.

Мум. Тушда оқ мум кўриш соғлом бўлишга, сарик мум алдовга ишора. Эриган мумни кўрсангиз, зиён кўрасиз, ёнган мумни кўрсангиз, қайғуга ботасиз.

Мумиё. Мўмиё – узоқ давом этадиган оғир касаллик эҳтимоли.

Мумтаҳана сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Мумтаҳана сурасини ўқиса, далилдирки, суҳбати аҳли салоҳлар билан бўлади.

Мунажжим. Тушда мунажжим кўриш алдовга, кўнгилсиз воқеаларга ишора.

Мунофиқун сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Мунофиқун сурасини ўқиса, далилдирки, у мунофиқдир. Жаъфари Содиқ айтадиларки, мунофиқлигидан тавба қилади.

Мунчоқ. Мунчоқ кўриш ёки тақиб юриш – майда ташвишлар; бўйин соғлиги муаммоси; мунчоқ шодасини узиш – касаллик хавфи.

Мураббо. Тушда мураббо кўриш орзуларга ишора. Мураббо пишириш ўнгдаги ишларнинг ривожидан далолат.

Мурда. Кимки тушида мурдани қучокласа ёки унинг бўйнига қўлини ташласа, бу узоқ умрга ишора бўлади. Кимки маййитнинг кўкрагини кўрса, демак, у куфрга кетган экан. Агар мурда чақирса, аммо унинг юзи кўринмаса, туш соҳиби овоз келган тарафга юрса, демак, унинг куни битган ҳисобланади. Агар мурда ухлаётган ёки яланғоч кўринса, унда ўша ўлган одамнинг арвоҳи тинч экан.

Мурда. Умуман, тушда мурда кўриш жуда ёмон воқеалардан дарак эмас. Аксинча, классик таъбирномалар бундай тушларнинг ижобий томони

борлигини таъкидлайди. Мурдани кўриш – эҳтиросларингизнинг қотиб қолгани; ўлик билан хонада ётиш – касаллик ва кайфиятнинг ёмонлашуви; ўзини ўлик ҳолда кўриш – руҳият ҳақида қайғуриш зарурлиги.

Мурсалот сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Мурсалот сурасини ўқиса, далилдирки, ёлғон айтишдан тавба қилади. Кирмоний айтадиларки, тўғри йўлни қидиради.

Муртак. Тушингизда ўз муртагингиз ёки яқинларингиздан бирининг муртаги касал бўлса, ўнгингизда тинчлигингиз бузилади.

Мурч. Тушда мурч майдаласангиз, ўнгда алданиб қоласиз. Агар қиз бола таомига мурч сепиб еяётган бўлса, ўнгида уни дўстлари алдаб кетади.

Муסיқа. Тушингизда муסיқа чалинганини эшитсангиз, рақибингиздан ғолиб келишингизга ишора. Тушда шовқин-суронли муסיқа тинглаш, киши аёлидан озор топишидан далолат.

Мусича. Бўйдоқ йигит тушида мусича кўрса, эзма, гапида тайини бўлмаган биронта аёлга уйланиши мумкин.

Мусҳаф. Ким хонасида Мусҳафни кўрса, сўнг жўжа келиб, ундаги ёзувларни еб қўйса, Қуръон ўқийдиган фарзанд кўради. Мусҳаф мерос, омонат, ҳалол ризқ ва қувватдир. Ким тушида Мусҳаф сотиб олса, яхшиликка эришиб, илми одамлар орасида тарқайди. Кимнинг тушида ундан Мусҳаф олиб қўйилса, ўнгида амали пасаяди.

Мутаффифин сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Мутаффифин сурасини ўқиса, далилдирки, ҳамма билан чиқишиб кетади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳиҳ ҳадисларида келишича, у зот: "Ким мени тушида кўрса, уйғоклигида

хам мени кўрур, чунки шайтон мен каби бўлолмайди", бошқа бир ривоятда: "Ким мени (тушида) кўрса, аниқ ҳақни кўрур", деганлар. Анас (р.а.)нинг ривоятларида эса у зот: "Ким мени тушида кўрса, ҳаргиз дўзахга кирмас", дедилар.

Муҳаммад сураси. Ибн Сирин айтдиларки, агар тушида Муҳаммад сурасини ўқиса, далилдирки, душманидан зафар топади. Кирмоний айтдиларки, офату балодан эмин бўлади.

Муҳлат бериш. Агар тушда бирор кишига муҳлат берса, ўнгида уни қаттиқ азоблайди.

Мухр узук. Кимки тушида бармоғида темирдан ёки кумушдан мухр узукни кўрса, демак, жамиятда ўз ўрни бор экан ёки обрў-эътибор қозонади ёхуд бой хонадонга куёв бўлади ё яхши фарзанд кўради.

Мухр. Кимки тушда мухр кўрса, ўз сирини бошқалардан яшириши керак, бирон ҳужжатга мухр босиш фойдали танишувга йўйилади.

Мушк-анбар. Тушдаги мушк-анбар мухтарам малакларга далолатдир. Зеро, у орқали фойда, даромад, боғ-бўстон ёхуд уламоларнинг нафис илми келади.

Мушглашув. Мушглашувни кўриш – хавфдан дарак; яширин кўркув пайдо бўлгани; мушглашувда қатнашиш – ёмон компанияга қўшилиб қолишингиз мумкинлиги; организмда тажовуз гормонлари кўпайгани, рухиятда мувозанат бузилгани.

Мушук билан уришиш. Агар киши тушда мушук билан уришса, ўнгида касал бўлади.

Мушук боласи. Тушда мушук боласини кўриш ўнгида бир кизнинг тақдирингизга таъсир кўрсатишини аңлатади.

Мушук зарари. Кимни тушида мушук тишласа ва тирнаса, у бир йил касал бўлади. Агар ваҳший бўлса, ўша йил бахтсиз ва заҳматли йил бўлади.

Мушук ноласи. Мушук тушда нола қилса, ўғридан эҳтиёт бўлиш лозим.

Мушук сути. У енгил касаллик ёки хусуматдир.

Мушук хужуми. Кимни тушида мушук тишласа ва тирнаса, у бир йил касал бўлади. Агар мушук ёввойи бўлса, унинг хавфи янада кучли.

Мушук. Мушук тушда уй аъзоларидан бирининг ўғри эканига ишора. Унинг урғочиси ёлғончи, ёмон аёл.

Мушук. Тушда мушукни тутиб олиш истакларнинг амалга ошишига далолат.

Мушук. Мушук – алданиш ва унга боғлиқ салбий хиссиётлар; қора мушук “иссиқ-совуқ”, кўз тегиши, кинна. Урғочи мушук – ёмон белги. Оқ мушук – ташвиш; қизғиши – алдов; кулранги – соғинч; қораси – кўз тегиши; ётган мушукни кўриш – душманларнинг хийланайранги; эркаланиб суйкалаётган мушукни кўриш – ялтоқланиш, алдов, ёлғон севгининг ёвузлиги.

Мушук. Мушук тушда хизматчи (ходим)дир. Яна оила аъзоларидан биронтасининг ўғри эканидан далолат.

Мушукни ўлдириш. Агар киши тушда мушук ўлдирса, ўнгда ўғрини ўлдиради.

Мушукнинг нарса олиб қочиши. Агар мушук ундан бирор нарсани олиб қочса, унга зарар етади ёки оиласининг тинчи бузилиши билан ё ўғри фарзандлар, ё у билан муомала қиладиган ва унинг молини ҳибс қиладиган рақиб билан баҳоланади.

Мушукнинг эркаги. Агар қиз бола тушида мушукнинг эркагини кўрса, ўнгида узоқ кутган танишувга эришади.

Мўйлов. Мўйлов тушда мол-давлатга далолатдир. Ким тушида мўйловини қисқартирса, суннатга эргашишдир. Агар мўйлови узун бўлса, суннатда макрухлик. Ким тушида мўйловида ноқислик кўрса ёки юзини ху-

нуклаштириб кўядиган даражада қисқартирса, мол-давлатига унинг миқдорича талафот етишидир.

Мўйна. У тушда қишда кийган киши учун яхшиликка етиши ва фақирлигини тўсишдир. Агар ёзда бўлса, унга ғам-ташвиш аралаш етадиган яхшиликдир.

Мўйна. Аёл киши мўйна кўрса – ички руҳий можаро, мўйна кийимга ўраниш – шамоллаш эҳтимоли.

Мўйнани тескари кийиш. Мўйнани тескари ҳолда кийиш яширин молни ошкор этишдир.

Мўйнинг оқариши. Кимки тушида соч-соқолининг оқариб кетганлигини кўрса, бошлиқларнинг унга нисбатан муносабати ўзгаради.

Мўьминун сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Мўьминун сурасини ўқиса, далилдирки, жаннатга киради.

Н

Ноёб китоблар дўкони. Эски турар жойга қайтиб боришга ишора.

Нозиёт сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Нозиёт сурасини ўқиса, вафот этганда кўрқмайди.

Нок дарахти. Нок дарахти ўзга миллатлик киши бўлиб, мол чиқариш учун аҳдига муроса қиладиган одамдир.

Нок, нашвати, олмурут. У туш эгасига келадиган мол-дунёдир. Ким уни еса, мол ва неъматга эришади. Бир ривоятда нок касалликдир, дейилган. Аслида у касаллик билан бўлган молдир. Ким нокка эришса, тўпланган молни мерос олади. Яна нок яхшиликка далилдир. Чунки у ўзгармай, бир неча кун тура олади. Уни бир неча кун ейиш мумкин. Унинг кўп туриши ҳаром молдир. Нок хомиладор аёл учун ўғил фарзанд, бўйдоқ қиз учун турмуш қуришга далолат қилади. Баъзан у

касалнинг ўлими ва тупроққа кўйилишини билдиради. Нокни ўз вақтидан бошқа пайтда туш кўришлик касаллик ва шишишликдир.

Нок. Ким тушида янги узилган, пишиб етилган, ширали нокни кўрса, ўнгида қувончли хабар олади, бойликка эришади, бахтли турмуш қуради. Ҳомиладор хотин бундай туш кўрса, қиз туғади. Агар бир чети ириган нок еса, ўнгида касалга чалинади. Нок пишган вақтида кўрилса, ризқ ёки йўқолган одамнинг келишидир. Ўз вақтидан бошқа пайтда агар ранги сариқ бўлса, касаллик, кўк рангли бўлса, ташвишдир. Агар бемор тушида нок еса, тузалади.

Нок. Кимки тушида нок еса, ўнгида кўпинча оч қолади.

Нок. Нок дарахтини (айниқса, гуллаган ёки мева тукканини) кўрган эркак киши яхши аёлни учратиб, севиб қолиши мумкин; дарахтдаги нокни кўриш – никоҳга боғлиқ яхши кайфият; ерга тушиб заха еган нокни кўриш – касаллик; нок – аёллар учун туғиш аъзолари муаммоси; қуритилган нок меваси – эрта қариш; нок ейиш – организмда энг муҳим микроэлементлар, органик кислоталар, қанд ва витаминлар тақчиллиги, буйрак, овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллиги ва шамоллаш; ичакларни тозалаш зарурлиги.

Номаълум дарахт. Ким бундай дарахтни ҳовлисида кўрса, бу халқлар орасидаги уруш-жанжалга ёки ўша ҳовлидаги олов (ёнғин)га далолат.

Номаълум қуш. Агар тушда қуш номаълум суратда кўринса, у ўлим фариштаси эканлигига далолат қилади.

Нон дўкони. Тушда нон дўконига кирсангиз, ўнгда уйингиздаги жиҳозларни ўзгартирасиз, агар бу туш якшанбадан душанбага ўтар кечаси содир бўлса, янги уйга кўчиб ўтишингиз мумкин. Сешанбадан чоршанбага

Ўтар кечаси тушда нон дўқонида нон бўлмаса, ўнгда муаммоларни ҳал қилишга кучингиз етмайди. Душанбадан сешанбага ўтар кечаси тушда нон сотиб олсангиз, ўнгда сизга ҳамиша ёрдам беришга тайёр дўстингиз пайдо бўлади.

Нон. Тушда чиройли нонни кўриш муҳаббат, маишат ва қонуний мулкка эга бўлиш рамзи, агар нон кўринишидан хунук бўлса, бунга аксдир. Кўп нонни кўриш дўстлар ва танишларнинг кўпайишига ишора.

Нон. Нон кўриш – бошқачароқ овқатланиш, ҳамиртурушсиз нон ейиш керак.

Нонвой. Оловга алоқадор ҳар қандай касб хусуматдир. Агар киши тушида оқ ундан нон қилаётганини кўрса, у яхши яшайди. Агар киши тушида нонвойдан нон олса, яхши ҳаёт кечиради.

Нонушга. У тушда ҳорғинликка далолатдир. Ким тушида нонушга талаб қилса, чарчайди.

Нонушга. Қариндошларингиз билан нонушга қилиш – оилавий муаммоларни ифодалайди; бегоналар билан нонушта – ишлаб чиқариш ва бошқа муносабатлардаги рухий муаммолар. Бу ерда бирга ўтирган одамлар образига эътибор бериш лозим. Ёлғиз ширин егуликлар билан тўйиб нонушта қилсангиз – эртаси ишингизнинг яхши бўлишидан дарак. Озгина ва бемаза нонушта – муваффақиятсизлик ва ёмон кайфият. Бир хилда нонушта қилиш такрорланаверса – овқат турини ўзгартириш кераклигини билдиради. Тушингизда сизга ёқадиган егуликларни кўрсангиз – сизга айнан ўша овқатлар етишмаяпти. Агар нонушта ёқмаса – ўшалардан воз кечиш лозим.

Нас сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Нас сурасини ўқиса, далилдирки, мол топади.

Нотаниш аёл. Хизмат соҳасидаги кўнгилсизликдан огоҳлантиради, аёллар учун — жанжал.

Нотаниш хотин. Тушда нотаниш бўлган кекса аёл кўринса, ўнгингизда ғийбат бўлади. Агар чиройли ёшгина жувонни кўрсангиз, ўнгда қувонасиз ва моддий манфаатга эришасиз. Нотаниш ҳомиладор аёлни тушда кўриш гап-сўз ва кўнгилсизликларга ишора. Тушингизга ғазабланган хотин кирса, ўнгингизда сизни беҳуда хафа қилишади. Агар тушда нотаниш хотин билан жанжаллашаётган бўлсангиз, ўнгда сиз мўлжаллаган ишни бошқалар илиб кетади.

Нотаниш. Кимки тушида нотаниш йигитни кўрса, ўнгда унинг душмани пайдо бўлади.

Нотинчлик. Тушда нотинч ҳолатни кўриш ўнгдаги қайғу ва ташвишга ишора.

Ноябрь. Тушда ўзини ноябрь ойида ҳис этиш – ғам, ўй суриш ва оғир меҳнат; кексалик ҳақида ўйлаш зарур.

Нур сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Нур сурасини ўқиса, далилдирки, илмли бўлади.

Нур. У таъвилда хидоятдир. Зулмат эса залолатдир.

Нур. Нур кўриш – ўз мақсадига эришиш; руҳий йўл қидириш.

Нух сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Нух сурасини ўқиса, далилдирки, тавба қилади.

Нўхат. Соғ-саломатлик ва фойдали меҳнат.

Нўхат. Тушдаги нўхат ўнгдаги фаровонликка ишора. Қариганда фарзандларнинг суянчиқ бўлишини ҳам англатади.

Нўхат. Нўхат – ишларнинг яхшиланиши ва асабнинг тинчланиши. Тушда нўхат ейиш (айниқса, такрорланаверса) - парҳез қилиб, ўсимлик маҳсулотлари истеъмолга ўтган маъқул; организмда ўсимлик оксили, витаминлар (хусусан, В гуруҳидаги) ва энг муҳим микроэлементлар (фосфор, темир ва кальций) етишмаётганидан дарак.

О

Орол. Агар тушингизда орол кўрсангиз, ўнгда янги танишлар орттирасиз.

Оромгоҳ. Тушда болалар оромгоҳини кўрсангиз ва у ерда дам олаётган бўлсангиз, ўнгда ўртоқларингиз билан вақтингизни шод ўтказишингизга ишора.

Ортиқча тиш ўсиб чиқиши. Кимки ўзида ортиқча тиш ўсиб чиққанини кўрса, ўша ўсиб чиққан тиш микдорича фарзанди ё ака-укаси кўпаяди. Агар ортиқча тиш унга ва тишларига зарар берганини кўрса, унинг ўзи ва оиласига зарар етади. Шунингдек, ўша ортиқча тишидан оиласидан кўра бошқалар наф олсалар ҳам, у ва оиласи учун зарарга далолатдир. Чунки у ўша билан оиласидагилардан кўра бошқани манфаатлантиради.

Осиё. Агар харитадан Осиё қитъасини излаётган бўлсангиз, ўнгда ҳаётингизда ўзгариш рўй беради.

Осилмоқ. Ким тушида девордан арқон билан осилиб тушса, тақводор бўлади. Тушида қариндошлари йиртқич ҳайвон ва ҳашаротлар каби нарсага осилиб турган бўлса, ишонган қариндошлари ёки дўстларидан бири ёмон одамларга мойил бўлади. Агар сигир, кўй ёки бирор чорва ҳайвонига осилган бўлса, яхшиларга мойил бўлади.

Осмон ёруғ бўлса. Агар тушда осмон ёруғ бўлса, Ҳақ таоло унинг динини ёруғ қилади.

Осмон йиқилиши. Агар тушда осмон йиқилса, Аллоҳ таоло унга қаҳр қилади.

Осмон йўқ бўлса. Агар тунда осмон йўқ бўла бошласа, динсиз ва гумроҳ кўпаяди.

Осмон қизил бўлса. Тушда осмон қизил бўлса, у диёрда жанг бўлиб, қон тўкилади.

Осмон қора бўлса. Агар осмон қора бўлса, у диёрга бало ва фитна келади.

Осмон оқ бўлса. Агар тушда осмон оқ бўлса, одамлар ранж ва беморлик кўради.

Осмон эшиги очилиши. Агар тушда осмон эшиклари очилган бўлса, дуо мустажоб бўлади.

Осмон яшил бўлса. Тушда осмон яшил бўлса, у диёр хайр ва салоҳ топади.

Осмон. Инсонга тушида осмон яқинлашса, Аллоҳ таоло томонидан яқинликка далолат қилади. Шунингдек, дуо қилувчи одамни ҳам билдириб, унинг дуоסי қабул қилинади.

Осмон. Кимки тушида осмонни кўрса, ўнгида юксак мақомга эришади. Агар осмонга кўтарилаётган бўлса, олис ва узоқ саёҳатга бориб, ундан фойда кўради. Осмон қадар кўтарилган бўлса, дунёвий ва диний ишларда юксак мақом эгаллайди.

Осмон. Тиниқ осмон – воқеанинг тинч ва яхши кечиши; булутли осмон – қийинчилик ва жанжалли вазиятлар; момақалдиروقли, булут қоплаган осмон – хавfli вазият юзага келади.

Осмонда асал йиғиш. Агар ким осмонда асал йиғаётганини кўрса, одамларга фойдаси тегади.

Осмонда бугдой унса. Агар тушда осмонда бугдой унса, у диёрда фаровонлик бўлади.

Осмонда учиш. Тушда осмонда учиб юрсангиз, сизни ўнгда улкан бахт кутади.

Осмонда ўзини кўриш. Кимки ўзини осмонда кўрса, у сафарга чиқади.

Осмондан тушиш. Агар тушда осмондан ерга тушса, ранж ва беморлик кўради, сўнг яна шифо топади.

Осмондан чигиртка тушса. Агар осмондан чигиртка тушса, ёмғир ёки Аллоҳнинг азобидир.

Остона. Баланд остона тушда мулк бўлиб, паст остона уйнинг эгаси бўлади. Агар баланд остона йиқилса, уйнинг соҳиби вафот этади.

От гўшти ейиш. От гўштини ейиш кишилар ичида яхши ном қозонишга далолатдир.

От миниш. Агар киши тушида отга минганлигини кўрса, азизлик, мартаба ва молга эришади. Баъзан бир киши билан дўстлашади.

От сути. От сутини ичган киши учун у кишилар орасидаги яхши номдир.

От сўйиш. Агар киши тушида бир отни сўйганлигини кўрса, у неъмат, мол-қувват ва азизликка эришади.

От тезаги. У тушда улуг кишининг мол-дунёсидир.

От тишлаб олса. Агар киши тушида от тишлаб олганини кўрса, у аскар бошлиғи бўлади.

От чопиши. Отларнинг ҳовлилар орасида чопиши, агар улар эгар ва чопарсиз бўлишса, сел ва ёмғирлардир.

От, тулпор, айғир. Ким тушида хузурида отни кўрса, бу ризқининг кенглиги ва душманлари устидан ғолиб келишига далолат қилади.

От. Ким тушида от кўрса, ризқининг кўплиги ва душманлари устидан ғолиб келишига далолат. Агар киши отга минса, мартаба ва бойликка эришади. Ким тушида бир тўда эгарланган отларни кўрса-ю, уларнинг чопарлари бўлмаса, у бир гуруҳ аёлларга далолат. Агар отни югансиз минса, унинг ҳар қандай кўринишида ҳам яхшилик йўқ.

От. Кимки тушида от устида бўлса, қудрат ва мансаб касб этади. Кимки ўзини от устида, аммо бировнинг орқасига мингашган кўрса, ўша одамнинг ёрдамида мансабга эришади ёки ўша одамнинг ўзига ёрдамчи бўлади. Кимки тушида бирон қишлоққа ёки шаҳарга устига юк ортилган от кириб келганини кўрса, унга бирон мансаб тегади.

От. От қиёфаси – келгусидаги ҳаракатингиз, унга боғлиқ ҳис-ҳаяжонларни ифодалайди: тим қора от – хавфли, таваккал, афсуслантирадиган ва ташвишли

ҳаракат; оқ от – ишончли ҳаракат, қувонч келтиради; қизғиш от – воқеаларнинг тез кечиши ва натижаси шубҳали, эҳтирос эса кучли бўлади.

Ота ғалати кийимда. Тушда отангизнинг ғалати кийим кийганини кўрсангиз, ўнгда ғашингизга тегадиган ўртоғингиз билан учрашиб, суҳбатлашасиз.

Ота. Тушда инсон отасини кўриши муроддир. Агар инсон тушида отасини кўриб, ўзи бирон нимага муҳтож бўлса, унинг ризқи қутилмаган томондан келади.

Ота. Тушда отани кўриш – бахт; шунингдек яқинларингиз ҳақида ғамхўрлик қилишингиз зарурлиги.

Ота-она. Тушда ота-онани кўриш кўп ҳолларда хайрлиликдир. Агар ўз онасини тушда кўрса, ризқининг ортишига ишора. Отани тушда кўриш ҳам ризққа тааллуқли; агар ота яхши ҳолатда кўринса, ризқи мўл бўлади, бемор бўлса, шифо топади, бирон нарсаси йўқолган бўлса, топиб олади. Ота-она тушда қувноқ кайфият билан кўринса, ўзгалар билан муносабат ва муомалаларда яхшилиқ бўлади. Улар тушда хотиржам ва бахтиёр суратда кўринсалар, ҳаётда яхши ўзгаришлар рўй беради. Қиз ота-онасини шу ҳолда кўрса, эрга тегишига ва ҳаётининг яхши бўлишига ишора.

Ота-она. Ота-онани кўриш – қўллаб-қувватлов, маслаҳат ва ҳимояга эҳтиёж сезаётгани; қувонч.

Ота-онага оқ бўлиш. У тушда Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш ва бошқа гуноҳларни қилишга далолат. Фожир кишиларга оқ бўлиш ва ёмон дўстлардан ажраш – Аллоҳга тақво қилиш ва Уни рози қиладиган ишларга яқин бўлишга далилдир.

Отга мингашш. Отнинг орқасига мингашган киши олдинга минган кишининг ҳамма ҳолатига тобе бўлади. Ёки бу туш унинг ўринбосарига далолатдир.

Отиб юбормоқ. Тушда бирон нарсани отиб юборсангиз, ўнгда интилган нарсангизга етишасиз.

Отилиш. Ким тушида ўзининг отилганини кўрса, у хийла ва алдовдир.

Отқулоқ. Отқулоқ кўриш, уни юлиш – ошқозон-ичак, нафас йўллари ва тери касаллиги; С ва К витаминлари етишмаслиги.

Отлиқларнинг учиши. Ким тушида отлиқлар ҳавода учиб юрганини кўрса, бу подшоҳлар орасида урушлар ва ўша шаҳарда фитна-ю хусумат борлигига далолатдир.

Офис. Тушда бирон офисда бўлиб қолсангиз, ўнгингизда ишларингиз қийинлашади. Офисда ёзув столини кўриб, унда ишласангиз, меҳнатсеварлигингиз туфайли барқарор иш топасиз.

Офтобда товланиш. Тушда офтобда товланаётган бўлсангиз, ўнгда ташвишларингиз ортда қолганига ишора.

Оҳ уриш. Тушда оҳ урсангиз, ўнгда кутмаган одамнингиз билан учрашасиз ёки бирон нарсадан ҳайратга тушасиз.

Оҳак. Тушда оҳакни ҳар қандай шароитда кўриш ва уни қайси жойга ишлатиш — барчаси илм ва фойдага ишора.

Оху. Тушда ўйноқлаб турган охуни кўрсангиз, ўнгда сизни шошириб қўядиган воқеалар кўп бўлади.

Оху. Тушга оху кирса – соппа-соғ одамда енгил дард пайдо бўлиши, сурункали касалнинг дарди зўрайиши мумкин. Шунингдек, оху қиёфаси сизнинг ортиқча хаёлпарастлигингизни кўрсатиши мумкин. Енгил дард; қўрқиш натижасида оёқ жароҳати.

Очлик. Агар севишганлар тушларида оч қолса, ўнгларида қувончли кунларни узоқ кутадилар. Агар бутун мамлакатда очлик бўлса, умрингиз давомида сизга омад, бахт ёр бўлади. Тушда оч қолиб, бирон нарса топиб есангиз, ўнгда воқелик сиз учун яхши томонга ўзгаради.

Очлик. Тушда очликни кўриш гўдакка эга бўлиш истагидир.

Очлик. Тушда қаттиқ очлик сезилиши – яқин келгусида ошқозон касалига чалинишингиз мумкинлигидан дарак; овқат ейишни камайтириш ёки рўза тутиш лозим; бошқаларнинг очлигини кўриш – можаро, стресс.

Ош қилиш. Ким тушида ош қилса, умри узоқ бўлади.

Ошиқ ўйнаш. Кимки тушида ошиқ ўйнаётган бўлса, ўнгида алданади ва ғам-ташвишга қолади.

Ошқовоқ пояси. Бир ривоятда ошқовоқ пояси молсиз фақир кишидир, дейилган.

Ошқовоқ сояси. Ким ошқовоқнинг соясида сояланса, кўркинчдан тинч бўлади.

Ошқовоқ териш. Ким полиздан ошқовоқ териб олса, касалидан нажот топади.

Ошқовоқ. У касал киши учун шифодир. Ким уни пишган ҳолда еса, йўқолган нарсасини топади ва еганига яраша илм ёд олади.

Ошқовоқдан ясалган идиш. Ошқовоқ идиши чиройли, улуғ, нафи кўп ва кўркам аёлларга далолат қилади.

Ошпаз. Ошпаз – нотик, хусуматчи ва султон ҳамда унинг аъёнларининг хизматкорларидир. Яна у хурсандчиликка ишора. Бозор ошпази – фойдали ишларга ташаббус билан чиқиш. Алдоқчи ошпаз илм, ҳикмат ва ризққа далолатдир. Сафардаги ошпаз иккинчи манзилга кўчишдир. Уйланаётган киши тушида ошпазни кўрса, яхшилик аломатидир.

Ошхона жиҳози. Агар ошхона жиҳозлари синганини кўрсангиз, бу туш пайшанбадан жумага ўтар кечаси содир бўлса, оилавий бахтингиз тутаганидан далолат. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси ёки жумадан шанбага ўтар кечаси тушингизда ошхона жиҳози сотиб

олсангиз, ўнгингизда жиддий кўнгилсизлик бўлади, аммо дўстларингиз бу кўнгилсизликдан қутулишингизда ёрдам беради.

Ошхона комбайни. Тушда ошхона комбайнингиз бузилиб қолган бўлса, ўнгда қариндош ёки дўстларингиздан бири бир ишга таваккал қўл уради.

Ошхона. Бу туш ҳамма учун бирон нарсани англатавермайди, аммо аёл ўз ошхонасининг озода ва саранжом эканини кўрса, ўнгида атрофдагиларнинг сеvimлисига айланади.

Ошхона. Бўйдоқ йигит ўзини тушда ошхонада кўрса, ўнгида уйланади.

П

Пишган қўй гўшти. Агар тушда қўй гўштини пишириб есангиз, бойликнинг қадрига етасиз.

Пишган мол гўшти. Агар тушда сигир гўштини пишириб есангиз, кўрқувдан озод бўласиз.

Пишган ошқовоқ ейиш. Ким ошқовоқни пишган ҳолда еса, еган миқдорича илмни ёд олади. Ёки тарқоқ нарсани жамлайди. Гоҳида уни ейиш зехн ва фаросатнинг яхшилигига далолат қилади.

Пишиб етилмаган хурмо. У тушда сувга муҳтож кишининг сув топишига далолат қилади. Қизил хурмо кўп қонга, сариқ хурмо эса сафро касаллиги кўпайишига далолатдир.

Пишиб етилмаган хурмо. У тушда сувга муҳтож кишининг сув топишига далолат қилади.

Пишириш. Тушда турли нарсалар пишириш ўнгда ризқ бўлади.

Пишириш. Ўзининг овқат пишираётганини кўриш – бошқалар билан муомалага боғлиқ яхши кайфият; бошқалар овқат пишираётгани – руҳий можаро ва

стресс; овқатдан захарланиш хавфи, дизентерия каби касалликлар эҳтимоли.

Пишлоқ. У роҳат ва молдир. Унинг ҳўли қуритилганидан яхшироқдир. Қуритилган пишлоқ сафардир. Ким тушида нонга пишлоқ қўшиб еса, фақир ёки касал бўлади. Баъзан у чиройли ва ширинсухан хотинга ҳам далолатдир. Бўйдоқлар кўрса, уйланади. Ҳомиладор бўлса, фарзанд кўради. Бойлик ва узоқ умрга ҳам таъвил қилинади. Хусумат қилаётган одам кўрса, мағлуб бўлади.

Подшоҳ. Подшоҳни хуррам кўрса, унинг ишлари осон бўлади. Агар подшоҳ унга кийим берса, мансабдор бўлади, у кимнинг кўчасига кирса, уларга ғам келади. Подшоҳ ўлса-ю, дафн қилинмаса, унинг диёри хароб бўлади.

Поезд. Поезд – яқинлашаётган хавф ёки ҳаётдаги ўзгариш.

Пойабзал учун мугуз. Агар тушда пойабзални мугуз ёрдамида кияётган бўлсангиз, ўнгда биров ёрдамига эҳтиёж сезасиз.

Пойабзал. Пойабзал мулкка ишора; ҳар қандай эски пойабзал ғамгинлик рамзи, янгиси — хурсандлик.

Пойабзал. Тушда пойабзалингизни бировнинг оёғида кўрсангиз, ўнгда турмуш ўртоғингиз сизга хиёнат қилар экан. Агар пойабзал танлаётган бўлсангиз, янги даромад манбаини топасиз. Агар янги, чиройли пойабзал кийсангиз, ҳурмат кўрасиз, хизмат пиллапояларидан кўтариласиз. Ўз пойабзалингизни эскирган ва йиртилган аҳволда кўрсангиз, ишларингиз орқага кетади. Тушда кўпол бошмоқ кийсангиз, ўнгда тез орада тўй бўлади. Кўп пойабзал кўриш кўп имкониятлардан далолат.

Полиз экини. У дўзах аҳлининг озиқ-овқати бўлиб, унда яхшилик йўқ. Ким тушида ундан еса, дўзах аҳлининг амалини қилади.

Полиз. Тушда полиз кўрсангиз, ўнгда дўстларингиз билан вақтингизни кўнгилли ўтказасиз.

Помидор. Кимки тушида уни кўрса, ўнгида дўсти билан лаззатли таомлар ейди.

Помидор. Помидор кўриш – ўсимлик парҳезига ўтиш зарурлиги; авитаминоз ва организмда энг муҳим микроэлементлар, хусусан, калий ва темир етишмаётгани; эркаклар учун – фарзанд кўриш органлари муаммоси.

Попук, тўти, тўрғай. У тушда хизматчи ва ходимдир.

Попук. Тушда попук кўриш ўнгдаги қийинчиликдир.

Пора. Кимки тушида пора олаётиб хавф сезса, ўнгида бирон ахлоқсиз иш қилиб, боши балога қолади.

Портлаш. Тушда қаердадир портлаш овозини эшитсангиз, ўнгда яқин одамингиз хавф остида қолган бўлади. Агар портлаш овозидан чўчимасангиз, портлаш оқибатидаги фалокатдан омон қоласиз.

Портлаш. Эҳтирос жунбуши, стресс, рухий жароҳат.

Посбон. Тушда посбонларни кўриш ташвишга, кўрқинчли онларни бошдан кечиришга ишора. Яна таъбир қиладиларки, юқори мансабдаги киши сизга зулм қилиши кутилади.

Поча қўйники бўлса. Агар тушда қўй почаси (оёғи) ейилса, унга неъмат тегади.

Поча сигирники бўлса. Агар тушда сигир почаси ейилса, у йил фароғатли бўлади.

Поча. Агар тушингизда чорва почасини кўрсангиз, демак, ўнгингизда рўзғорингиз бут бўлар экан. Умуман, чорва ризқ мўл бўлишига ишора.

Поча. Тушда поча ейиш етимлар моли бўлади.

Поя. Агар тушингизда поя кўрсангиз, ўнгингизда кўнгилсиз хабар олишингизга ишора.

Пул. Тушда пул айлангирсангиз ва ундан фойда кўрсангиз, ўнгда оилангиз аъзолари кўпаяди. Агар

пулингизни тортиб олиб кўйишса ёки алдаб қўлга киритишса, ўнгдаги режаларингиз барбод бўлади. Пул тушда риё ва тортишув билан айтилган гапдир.

Пул. Тушда пул кўриш бир неча хил таъбир килинади: тездан бирон хабар келади; пул топиб олсангиз, майда ташвишлар туғилади, лекин бойлик келади; пул тўлаш — омадсизлик; олтин олиш — катта истиқбол; пул йўқотиш — оиладаги нотинчлик ва ишхонадаги кўнгилсизлик; пул санаш ва унда етишмовчиликни билдиради. Идиш — тўловлар масаласида кўнгилсизлик; пул ўғирлаш — хавф; пулни иқтисод қилиш — ҳаётининг яхшиланиши; пул ютиш — туш эгасининг кўнглида ғаразли ва ёвуз макрларнинг тугаши; кўп миқдорда пул санаш — етгулик бойлик борлигидан далолат; бир боғлам пул топиб олиш ва унга бирон чиройли аёлнинг даъво қилиши маҳбубангизнинг аралашуви билан ингингиздан путур кетиши; бир бойлам пул топиб олиш — бировлар ҳисобига яшаш; тушда майда пул кўриш — ғийбат; майда пул йўқотиш — ўнгдаги арзимас кўнгилсизликлар; майда пул санаш эса — тежамкорлик; пул қарз олиш — бировга яхши кўриниш, аммо бу вақтинчалик; бировнинг пулини сарф қилиш — обрў тушишига ишора; тушда кумуш тангани кўриш янги ўртоқлар орттиришга далолатдир.

Пул. Пул — нохуш кайфият ва рухий қарама-қаршилиқ, шунингдек, стресс эҳтимоли. Айниқса, ифлос ёки йиртиқ пулни кўриш хавфли.

Пулфуруш. У тушда фойда қиладиган кишидир. Агар "Эй пулфуруш!" деб чақирилса, унинг олдида гувоҳи бўлса ҳам, пулидан фойда кўради. Агар ёмонликни далолат қилса, зиён кўради.

Пўртана. Тушда пўртана кўрмоқ ўнгдаги ишларга тўсиқни англатади.

Пўстин. Тушда кимдир сизга қимматбаҳо пўстин совға қилса, ўнгда пул муаммосига дуч келасиз. Тушда

пўстинга ўралиб олиш ёлғизликдан далолат беради. Агар пўстинингиздан жунлар суғурилиб чиқаётган бўлса, ўнгда оилангизда жанжал бўлади.

Р

Рисола. Тушингизда рисола ёзаётган бўлсангиз, ўнгингизда орқангиздан ғийбат қилишади.

Рисола. Рисола кўриниши енгилтак эканлигингизни билдиради. Тиббиёт ёки соғлом турмуш тарзи бўйича рисолани ўқиш – ўз соғлигингизга ҳаддан ортиқ қайғурасиз.

Розетка. Агар тушда розетка кўрсангиз, ўнгда дўстларингиздан бири ёки уй ҳайвонлари билан кўнгилсиз ҳодиса юз беради.

Роҳиб. Ким тушида ўзининг роҳиб бўлганини кўрса, у бидъатчи кишидир.

Рум сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Рум сурасини ўқиса, далилдирки, одамлар салоҳидан баҳра оладилар.

Рўза. Сабр-тоқатнинг мустақамлигини англатади.

Рўза. Тушида рўза тутаётганлигини кўрган одам ўнгида гуноҳ ишлардан фориғ бўлади.

Рўмол. Рўмол тушда аёлларнинг ҳаёсидир. Агар аёллар рўмол ўраган бўлса, бу иш хайрлидир. Яна рўмол тушда хотин (ёки эр) бўлади.

Рўмолча тутувчи. Тушдаги рўмолча тутувчи илм соҳиби ва тушларни таъбир қилувчи кишига далолат қилади.

Рўмолча. Рўмолча – ёмон кайфият; шамоллаш; аллергия касалликлар.

С

Соч тарамоқ. У тушда тароқ далолат қилган нарсага ишорадир. Тараш қиз учун ёр, йигит учун сабр.

Соч ўриш. Қизлар тушда соч ўрса, турмушга чиқади.

Соч. Кимки тушида сочларининг куюқ ва узун бўлганлигини кўрса, хусусан, ёшлар, аёллар ва ҳарбийлар учун – бойлик, шараф ва узоқ умр далолатидир. Агар кимнингки сочи тушида кал бўлиш даражасидан берирок бўлиб тушиб кетган бўлса, қарздор бўлса, ўнгида қутилади ёки ғам-ташвишдан фориғ бўлади. Кимки сочлари орасида оқ кўрса, ўнгида солиҳ фарзанд кўради. Бироқ бундай тушни аёл кўрса, эри туфайли ташвишга қолади. Кимки тушида соч олдираётганлигини кўрса, ўзига берилган омонатдан махрум бўлади. Бундай тушни камбағал кўрса, қашшоқликдан қутилади. Агар биров сочини ўзи олаётган бўлса, сирлари очилиб, бошқалардан узоқлашади. Агар аёл киши боши очиклигини кўрса, кетган эри қайтиб келади, агар аёл турмуш қурмаган бўлса, эрга тегади. Агар сочини кимлардир олиб ташлаётган бўлса, эридан талоқ олади. Агар эркак киши тушида хотинининг сочи қирқилганини кўрса, демак, у хотиннинг ўйнаши бор.

Соч. Тушда сочингизнинг узун ва чиройли бўлганини кўрсангиз, ўнгда қувончли хабар оласиз, садоқатли дўст ва фаровонликка эга бўласиз. Агар эркак киши шундай туш кўрса, керакли пайтда қарор қабул қилишга кўрқоқлик қилади ёки аёл киши томонидан алданади.

Соч. Соч тараш – ўз соғлигингиз билан шуғулланиш, ишларни тартибга солиш зарур; соч олдириш – ҳаётий қувватнинг камайиши, касаллик; таралмаган, тўзғиган соч – стрессли ҳолатлар, невроз; узун ташлаб қўйилган соч – хавотир ва невроз; сочни силаш – севги етишмаслиги.

Сочнинг қириб ташланиши. Агар тушда сочингиз қириб ташланган бўлса, ўнгда қизлар билан камрок гаплашинг.

Соя. Уйкудаги соя ёз кунда роҳат, фойда ва мартабадир. У қишда ғам, қийинчилик. Ҳадисда келишича, соя султонга далолат қилади. Чунки султон Аллоҳнинг ердаги соясидир. Соя обид, зоҳид ва ҳофиз олимдир. Чунки у иссиқдан роҳатли сояга олиб ўтади, ғамдан нажотга олиб чиқади, ризққа эриштиради. Аёл кишининг сояси эридир. Агар эрсиз аёл сояга ўтса, азиз ва молдор кишига турмушга чиқади.

Сояли йўл. Уни тушда кўриш ўнгда йўлда адашиш ва жабрдир.

Спортчи. Тушда спортчини кўрсангиз, демак, ўнгда чарчайсиз.

Стол ва дастурхон. Агар жумадан шанбага ўтар кечаси дастурхон ёзаётган бўлсангиз, оилангизда "янги меҳмон" туғилади. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси тушда столнинг оёғини синдириб кўйсангиз, ўнгда туб ўзгаришлар содир бўлади, агар шанбадан якшанбага ўтар кечаси бундай туш кўрсангиз, ишдан бўшатиласиз. Сешанбадан чоршанбага ёки якшанбадан душанбага ўтар кечаси тушда стол ё дастурхонингизни сотаётган бўлсангиз, ўнгда янги оила қурасиз. Агар дастурхон устига бирон суюқлик тўкиб юборсангиз, бу ўнгдаги шубҳали омадга ишора, агар чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси бўлса, ўнгдаги имкониятингиз кўпаяди.

Стол. Агар тушда кўрган столингиз катта бўлса, йиғин бўлади ва унда сиз ҳам иштирок этасиз. Агар стол устига кўп нарсалар ташлаб қўйилган бўлса, ўнгда жанжал бўлади. Стол усти бўм-бўш бўлса, одамлар билан муомалангиз қийин кечар экан.

Стул. Тушда стул кўрсангиз, ўнгда ўзингиздан катта ёшдаги одам билан суҳбатлашасиз.

Стюардесса. Сизни кўнгилли сафар кутади.

Субҳидам. Агар тушда субҳидамда қуёш чиқаётганини кўрсангиз, ўнгда келажак ишларингиз учун режа тузишингиз мумкин, ҳамма ишларингиз жойида бўлади.

Сув билан даволаниш жойи. Агар жумадан шанбага ўтар кечаси тушда сув билан даволанадиган жойга йўлланма олсангиз, ўнгда нотаниш эркакдан кўнгилсиз таклиф тушади. Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси тушда сув билан даволанадиган жойда даволанаётган бўлсангиз, ўнгда кўнгилсиз учрашувдан қутулиб қоласиз. Пайшанбадан жумага ўтар кечасидаги тушда сув билан даволанадиган жойнинг доктори бўлиб қолсангиз, ўнгда қариндошларингиздан хушхабар келади.

Сув иссиқ бўлса. Агар ким тушда иссиқ сув ичаётганини кўрса, бемор бўлади.

Сув ичиш. Тушда чанқоқни қондириш қийинчиликдан сўнг енгиллик, ишнинг бароридан келиши, камбағалликдан кейин бойлик, беморнинг шифо топиши ва етиша олмаган илмга эришишдан дарак беради. Суғориш диндаги солиҳлик ва эзгулик ишонасидир. Тушда кўрилган сувга тўйиниш ҳалоллик ва тўғрилиқдан далолатдир.

Сув қуши. Сув қуши таъвилда қушларнинг энг афзалидир. Ким уларга эришса, мол ва ғаниматга эришибди.

Сув лойқа бўлса. Агар тушда ичган суви лойқа сув бўлса, хасислик қиласиз.

Сув мусаффо бўлса. Агар ким тушда одамларга мусаффо сув улашса, унга одамларнинг фойдаси тегади ва хароб жойни обод қилади. Агар уйида мусаффо сувни кўрса, уйига хайру барака киради.

Сув омбори. Агар ким тушида сув омбори курса, у молу дунё тўплайди. Баъзан бундай туш кўрган одам диёнатсиз аёлга уйланади.

Сув оти. Уни тушда кўриш ёлгон умид ва ниҳоясига етмайдиган ишга далолатдир.

Сув париси. Агар тушда сув париси сизга жилмайиб оқаётган бўлса, ўнгда дугоналарингиз билан тўсатдан аразлашиб қоласиз. Сув париси сизга сув сепаётган бўлса, ўнгда сизни ғийбат қилишади. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси тушда уни кўрсангиз, ўнгда куч ва ғайратга эга бўласиз; жумадан шанбага ўтар кечасидаги тушингизда сув париси аён бўлса, ўнгда шу вақтгача тан олинмаган билимингиз туфайли одамларга фойдангиз тегади.

Сув тиниқ бўлса. Агар тушида тиниқ сувда сузаётган бўлса ва у сувнинг усти ёпиқ бўлса, иймони мустаҳкам бўлади.

Сув тоза бўлса. Агар тушда тоза сув кимнинг устига тўкилиб кетса, хайру манфаатдан дарак. Тушда тоза сув ичса, умри узоқ бўлади.

Сув тошқини. Тушда сув тошқини бўлиб, оёқларингиз тагигача келган бўлса, ўнгда кўчмас мулкингиз туфайли кўнгилсизлик рўй беради. Сув тошқини тушингизда уйингизгача кириб келган бўлса, оилавий ҳаётингизда жиддий муаммолар пайдо бўлади, сиз никоҳингизни асраб қолишга ҳаракат қилишингиз керак. Сув тошқини пайтида оқаётган бўлсангиз, ўнгда соғлигингиз ҳақида ўйлашингиз лозим, сизни оғир касаллик кутади. Сув лойқа бўлса, касаллик оғир кечади.

Сув шўр бўлса. Тушда шўр сув ичса, умри қисқа бўлади.

Сув. Тушда дарёнинг тиниқ сувини кўриш ўнгда омад ва қувонч келтиради. Уйингиз олдидан тиниқ сув оқаётган бўлса, ўнгингизда мартабангиз ошиб, молиявий аҳволингиз яхшиланади, мушкул аҳволда қолган

одамларга ёрдам берасиз. Тиниқ сув ҳар қандай шароитда яхшиликка таъбир қилинади.

Сув. Тушда илиқ сув ичмоқ ташвиш ва касалликка ишора, совуқ сувда ювинмоқ соғлик ва қувончдан далолат.

Сув. Муздай ва тиниқ сув – саломатлик ва бахт белгиси; ифлос сув – касаллик; муздай сув ичиш – соғлик; илиқ сув ичиш – касаллик.

Суварак. Тушда у заиф душманга далолатдир.

Суварак. Суварак – ижобий ҳиссиётлар.

Сувга тушиб кетиш. Ким тушида чуқур сувга тушиб кетиб, шўнғиб кетса, лекин унинг қаърига етиб бормаганини кўрса, унга жуда катта мол-давлат тегади. Ким сувга тушиб кетганини кўрса, у хурсандчиликка эришади.

Сувда сузувчи. Илм ва подшоҳ ишларини талаб қилувчи (изловчи) кишидир.

Сувда яшовчи оқ қушлар. У хотинлар ва молу давлатдир.

Сувдаги майда тошлар. У тушда бадбахтликдир.

Сувилон. Агар тушда сувилон кулча бўлиб олган бўлса, ўнгда хавф-хатар содир бўлади. У сиз томонга ўрмалаб келаётган бўлса, ўнгда ёқмайдиган одамлар билан муомаладан қочинг. Бундай туш чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси содир бўлса, ўнгда ортиқча шубҳалардан холи бўлишингиз керак, чунки атрофингиздагилар шу сабабли сизга ёмон муносабатда бўлиб қолишлари мумкин. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси воқе бўлса, ўнгда ҳамфикр топиб, унинг ёрдамида анчадан бери хаёлингизни банд этган орзуларингизни амалга оширасиз; жумадан шанбага ўтар кечаси бу туш воқе бўлса, ўнгда ўзингизнинг эҳтиётсизлигингиз туфайли кўп нарса йўқотасиз.

Сувнинг кўпайиши. Агар тушда дарё, денгиз сувларининг кўпайиб тошаётганини кўрсангиз, ўнгда сизга омад кулиб боқади.

Сувнинг пасайиб кетиши. Агар тушда сой, ариқ ва денгизу дарёлардаги сув пасайиб кетса, ўнгда омад сиздан юз ўгиради.

Суваш. Бирор нарсанинг устини суваш – ўз ҳаётини атрофдагилардан яширишга уриниш, рухият зўриқиши – ёмон кайфият.

Сувоқчи. Сувоқчилик кишиларнинг айб ишларини беркитишдир. Агар киши ўзининг лой иш қилаётганини кўрса, у яхши иш қилаётган бўлади. Сувоқчининг кўрган туши ишнинг қийинлиги ва бошқа кишига ёрдам бериш йўлида машаққат чекишига далолатдир. Гоҳида у ғам-ғуссалардан фориғ бўлишга ишора қилади.

Сувчечак. Тушда болангизга сувчечак тошган бўлса, ўнгда унинг бахтини кўрасиз. Агар ўзингизга сувчечак тошган бўлса, ўнгда ишларингизда тўсқинлик бўлади.

Суғориш. Кимки тушида экин суғораётган бўлса, ўнгда дўстига ёрдам беради.

Судралиб юриш, эмаклаш. Жангда бўлса, ғам-қайғуга далолат қилади. Илм ва мол талабида ихлосга ҳам ишора. Эҳтимол, ҳажга тайёрланиш ёки бирон маросим-йиғинда қатнашишни билдирар. Бир ўзи судралса, пулини ишга тикишдир.

Сузиб чиқиш. Сузиб чиқиш – хавфнинг ўтиши; корхонадаги қийинчиликларнинг яхшилик билан тугаши.

Сузиш. Ким тушида денгизда сузаётганини кўрса, олим бўлса, керакли илмни қўлга киритади. Агар сузиб, кейин соҳилга қайтиб келса, илм талаб қилиб, кейин уни тарк этади. Денгиз қаърига кирса ва яхши сузса, катта ишнинг бошидан тутади, раҳбарнинг эътиборига тушади, обрў-эътибор қозонади. Агар чалқанча сузса,

тавба қилиб, маъсиятдан қайтади. Ўзини дарё ёки кўлда сузаётганини кўрса, кейин дарёдан бўғзига тикилиб чиқса, гўёки куруқликка ташланган балиқ каби машаққатга йўлиқади. Агар уйқудан уйғонмасдан олдин сузиб сувдан омон қолса, сувда сузаётган пайтида уйғониб қолса, ташвиш-машаққати кетади.

Сумка. Тушда сумка кўрсангиз, бу сизнинг билимингиз йиғиндиси рамзидир. Агар аёлларнинг сумкачасини кўрсангиз, у ҳолда сиз тенгдошларингиз билан муомалада ожизлигингизни ҳис қилар экансиз. Агар жуда катта сумка кўрсангиз, унда ўзингизнинг ақлий қобилиятингизга юқори баҳо берар экансиз. Агар кўтарган сумкангиз оғир бўлиб, уни кўтаришингиз қийин бўлса, ақлий қобилиятингизга ишониб, ҳаммага юқоридан қарайсиз ва натижада дўстларсиз қоласиз.

Сунбул. Тушда сунбул кўрсангиз, давлат топасиз.

Супра. Супрани тушда кўриш хотиндан дарак. Агар тушида биров унга супра берса, бир аёл унинг дўсти бўлади.

Супурги. Кимнингки тушида супурги ўзидан ўзи супуриб кетса, туш соҳибининг ўнгида уни катта кўнгилисизликлар кутади. Супурги билан ҳаммомнинг иссиқхонасида бўлса, ўнгида яхши бир жойда дам олади. Супурги сочилиб кетса, эҳтиёт бўлиши керак. Супурги кўриш фойдали бир мансабга эришишга ҳам ишора; масжидни супуриш ибодатга машғул бўлишдан далолат; бировнинг уйини супуриш кўп фойда олишга йўйилган. Ибн Сирин тушда супурги кўришни хизматкор топишга йўйган, шунингдек, ўз уйини супуришни туш соҳибининг зиёни, деб таъбир қилган.

Супурги. Супурги тушда ходим ва хизматкор бўлади. Агар супурги билан супурса, моли кетади.

Супурги. Супурги – кўрқув, оиладаги жанжал; супуриш – сиздан ниманидир яширишяпти; синган,

тўзгиган, эски супурги – касаллик; янги супурги – қувонч.

Супургичи. Супурги қилувчи ва уни сотувчи кишини тушда кўриш аҳли байтининг молидан еб, уни ноқис қилувчи кишига далолатдир. Чунки у супурги ўрнидадир. Супургичи касалдан шифо топиш ва суннатга иқтидо қилишга ҳам ишора.

Супуриш. Супуриш – турли иғво ва миш-мишларга эътибор бермайсиз; ахлоқий ва жисмоний покланиш зарурлиги.

Супурмоқ. У тушда ишлари кир касб аҳли бўлган кишилар учун яхши далил. Ким бойларнинг уйини супурса, унинг бойлигига эришади. У бойлар учун фақирлик. Тушда супуриб, ахлатни хокандозга олиш ўнгда уйни тартибга солишга ишора. Ким ҳовлисини супурганини кўрса, бой бўлса, унга камбағалликнинг хавфи бўлади. Яна айтилганки, супуришлик ўлим билан тугайдиган касаллик ёки мол-мулкидан ажрашга далолат қилади.

Сурбетлик. Тушингизда кимгадир сурбетлик билан бирон нарса десангиз, ўнгда янги дўстлар орттирасиз. Агар сизга кимдир сурбетлик қилса, ўнгда ғурурингизга тегадиган гап эшитиб, хафа бўласиз.

Сурма. У тушда мол ва яхшиликдаги зиёдалиқдир. Ким тушида унинг қўлига сурма берилганини кўрса, озми-кўпми мол-дунёга эришади. Ким тушида унга яхши одам сурма қўйганини кўрса, бу яхшиликка далолат. Агар унга кўнгли қора киши сурма қўйса, бу яхшилик эмас, ким тушида бир қанча сурмани қўлга киритса, у бойликка эга бўлади.

Сурнай. Агар тушингизда ўзингиз сурнай чалсангиз ёки сурнай чалинаётганини эшитсангиз, ўнгингизда бирон хайрли хабар эшитасиз.

Сурнай. Сурнай – сийдик аъзолари муаммоси; аёллар учун – жинсий алоқадан қоникмаслик.

Сут берувчи ҳайвон. У султон томонидан келган ҳалол молдир.

Сут соғиш. Тушда сут соғаётганини кўриш бейлик орттиришга ишора. Агар тушида сут ичида юрганини кўрса, машаққат ва хафачиликни билдиради.

Сут. У султон томонидан келган ҳалол молдир. Ким ҳайвон сутига инсон сутини кўшса, бу ҳол қийинчилик кўриши ва маҳбусликка далолат қилади.

Сут. Ҳалол қилинган молнинг сути қонуний йўл билан топилган мулкка ёки яхши иш ва мақтовга сазовор хулққа, ҳаром қилинган ҳайвоннинг сути ва ачиган сут ҳам ташвишу касалликка далолатдир.

Сут. Сут кўриш ёки ичиш – сутли ва ўсимлик маҳсулотлари парҳезига ўтиш зарурлиги.

Сути бўлмаган сут эмизувчи. У кутмаган томондан мақсадга етишишдир.

Сухандон (диктор). Тушда телевидение ёки радио су-хандонини кўрсангиз, нуфузли одамдан муҳим хабар эшитасиз.

Сухбат. Тушда ким биландир таом устида суҳбатлашсангиз, ўнгда қорнингиз оғрийди. Агар акангиз ёки укангиз билан суҳбатлашганингизни кўрсангиз, оилавий низолар бўлиб ўтади. Тушда нуфузли одам билан суҳбатлашиш манфаат ва обрўга далолат. Агар тушда ўғлингиз билан суҳбатлашаётган бўлсангиз, зиёнга йўйилади.

Сухбат. Овқатланиш пайтидаги суҳбат – ошқозон-ичак тракти касаллигини кутиш мумкин; ҳар қандай ҳолатдаги ғийбатни кўриш – ошқозон яраси ёки бўғимли ичакнинг касалланиши мумкинлиги; суҳбат чоғи бировни танқид қилиш – жароҳат.

Суюқлик. Суюқлик ҳаёт оқимини ифодалайди. Суюқликнинг қанақалиги жуда муҳим. Хира суюқлик касалликдан (хусусан, қон томири ва лимфатик тизим, сийдик чиқариш органлари ва бошқалар) дарак бериши мумкин.

Суяк илиги. У кишининг йиғилган моли ва ҳовлидир. Гоҳида илик мол, фарзанд ва фарзанднинг фарзандига далолат қилади. Ким суяклари бақувват ва соғлиги яхши бўлса, бу унинг уйқуси меъёрдалигига далолатдир.

Суяк. Ким ўзини суяк ҳолида кўрса, ҳатто унинг жуссаси одамларнинг хайъатидан қаттиқроқ бўлиб қолса, бу унинг ўлимига далолат қилади.

Суяк. Суяк кўриш – суяк тизимидаги муаммолар; суяк кемириш – овқатда минерал моддалар етишмаслиги.

Сўгал. Нохуш хабарга йўйилади.

Сўгал. Тушда юзингизда кўп сўгал кўрсангиз, ўнгда бойлик ва обрў орттирасиз. Агар сўгаллар сизни безовта қилаётган ва хуснингиз бузилишидан хижолат тортаётган бўлсангиз, ўнгда сизни шарманда қилишади. Бошқаларнинг юзида сўгал кўрсангиз, ўнгда сиз учун хавф бор.

Сўз. Агар киши тушда араб тилида гаплашса, унга мансаб тегади. Агар рим тилида гаплашса, унга ғам-андух етади.

Сўйилган эчки боласи. Ким эчки боласини сўйилган ҳолда кўрса, боласи ўлади. Агар уни емоқ учун сўйса, боласи сабабли молга эришади.

Сўқиниш. Тушда кимнидир сўқаётган бўлсангиз, ўнгда жанжал орасида қолишингиз мумкин.

Сўқиш. Тушида уни сўқаётганини эшитиш – юзага келган ҳолатдан тушқунликка тушиш.

Сўқмоқ. Сўқмоқни кўриш, унда юриш – ўз йўлини топиб олиши кераклиги. Сўқмоқ ўтган жой манзарасига қараб қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Сўлак. Кимнингки тушида оғзидан кўп сўлак чиқаётган бўлса, ўнгида кўп мол топиб, яна кўп мол йўқотар экан.

Сўрмоқ (эммоқ). У бойликни кўлга киритишдир.

Сўфитўрғай. Агар тушда сўфитўрғай кўрсангиз, ўнгда эски муаммоларни ҳал қилиш учун янги ечим топасиз. Эҳтимол, фотиҳангиз бузилиш арафасида, аммо тушда сўфитўрғай сайраса, албатта, тўй бўлади. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси тушда сўфитўрғай кўрсангаз, ўнгда эрингизга ён беринг, турмушингиз яхшиланиб кетади.

Т

Тувак. Ким тушида тувак кўрса, оиласида тинчлик ва хотиржамлик бўлади. Агар синган ёки дарз кетган тувакни кўрсангиз, ўнгингизда оилангиз бузилади.

Туғилган кун. Агар тушингизда туғилган кунингизни нишонлаётган бўлсангиз, ўнгингизда келажагингизга ижобий таъсир кўрсатадиган хабар оласиз. Кекса одамлар бундай туш кўрсалар, умрлари узоқ бўлишига, беморлар кўрса, соғайишларига ишора.

Туғиш. Тушда эркак кишининг қиз бола туғиши яхшиликка етишиш. Унинг ўғил туғиши ғам-ташвиш келишидир. Аёлнинг ҳомиладор бўлиши бойликнинг зиёда бўлишидир. Унинг тушда ўғил туғиши ўнгда қиз туғишидир. Шунингдек, хотини қиз туққанини кўрган эркак яхшиликка эришади. Агар ўғил туғса, ғам-ташвишдир.

Тугма. Бўйдоқ одам тушида тугма қадаса, ўнгида, албатта, уйланади. Умуман тушда тугма кўриш ёки уни қадаш ризқнинг кўпайишига, бой бўлишга, мулкнинг ортишига далолат. Балоғатта етган қиз эркаклар кастюмига ялтироқ тугма қадаётган бўлса, барно ва бой йигитнинг кўнглидан жой олади.

Тугма. Тугма тушда мунчоқ ва маржондир. Агар қумуш ёки тилла тугма бўлса, мол-давлат ёки ризқни билдиради. Тугма ва унинг боғичи эркак ва аёлга далолат. Ким тушида тугмани боғичдан ўтказса, бўйдоқ бўлса, оила қуради, оилали бўлса, ташлаган ишини қайта қўлга олади.

Тугун. У кўйлақда бўлса, тижорат шартномасидир. Дўстрўмолчада бўлса, ходимга эришиш, шалварда бўлса, уйланиш, ипда бўлса, раҳбарлик. Тушда бир нарсанинг тугилиши дурнинг шодаси ёки никоҳ битимидир. Тугун енгиллик, агар тугилмаса, қийинлик, уни ечиш ўша ишни ечишдир.

Тугун. Тугун юзага келган вазиятнинг тушунарсизлиги ва бунинг натижасида ташвиш чекишингиз мумкинлигини ифодалайди; нафас йўллари муаммоси.

Туёқ. Тушда у илм, бойлик ҳамда ризқ. Хусусан, подшоҳнинг оти туёғи ёки элчининг оти туёғини кўрган бўлса, яхшиликдир. Шунингдек, у бир жойдан бошқа жойга кўчишга далолат қилади. Яна адашганга ҳидоят белгисидир. Ким туёқ товушларини эшитса, ёмғир ёки сел ёғади.

Туз сотувчи. Туз сотувчи бой кишига далолатдир.

Туз. Кимки тушида туз олиб кетаётган бўлса, ўнгида тиши оғрийди.

Туз. Оқ туз дирҳам ва кўздир. Ширин, хушбўйи эса ташвиш ва пулдир. Туз қийинчиликсиз эришилган бойликка далолат қилади. Кимки нонни туз билан еганини кўрса, у озгина нарсага ҳам қаноат қилувчи кишига ишора. Ким туз топиб олганини кўрса, у қийинчиликларга дучор бўлади, касалликка чалинади. Агар туш кўрувчи бирор нарсадан хавфсираб юрган вақтда тузни туш кўрса, етук инсон бўлишига далолатдир.

Туз. Овқатга туз солиш – воқеанинг ёмон томонга ривожланиши; бемор учун – аҳволининг ёмонлашуви; туз-ни тўкиб юбориш – кўрқувга боғлиқ стресс ҳолати; тушда кўнгил ҳадеб туз ёки тузламалар тусайверишининг такрорланиши – сийдик йўли тоши, умуртқа остеохондрози, оёқ панжаси ва турли бўғимлар касаллиги эҳти-моли.

Туздон. Тушда туздон кўриш чиройли хотиннинг ваъдасига ишора.

Тузланган балиқ. Ким тузланган (шўр) балиқни кўрса, ташвишга дуч келади. Шунингдек, шўр балиқнинг кичигида ҳам, каттасида ҳам хайр йўқ.

Тук. Бадан туклари мол-давлат. Ким тукларни тўкиш учун дори ишлатиб, тўкиб ташласа, бой бўлса, мол-давлати қўлдан кетади. Агар камбағал бўлса, фақирлиги кетиб, ўзига тўқ бўлади. Лукмадаги қил (соч толаси) ғам-қайғу, ташвиш. Тушда киши танасида тук ўсиши аёлининг ҳомиладор бўлишига ишора. Бадандаги тукларнинг оқлиги бой киши учун ғам-ташвиш, камбағал учун қарзлардан қутилишга далолат. Бадан териси тукларининг ҳайвон тукларига айланиб қолганини кўриш қийинчиликларга тушиб қолишига ишора.

Тулки ноласи. Тулки тушда нола қилса, душман устидан ғолиб бўласиз.

Тулки сути. Тулки сути енгил касалликдир.

Тулки. Тушда тулки кўрсангиз, ўнгда айёр одам режаларингиз амалга ошишига халал бермоқчи.

Тулки. Тушингизда ўрмонда кетатуриб тулкини тутиб олсангиз, ҳаётингизда ҳимоячи топилади, агар тулки қўлингиздан юлқиниб чиқиб кетган бўлса, ҳимоячингиз ва ҳомийингиз сизни ташлаб кетади.

Тулки. Тушда тулки кўриш – стресс, ёмон кайфият, алданиш мумкинлигидан дарак.

Тулуъ. Куёшнинг ёки ойнинг тулуъ бўлишини кўриш яхши хабар ёки совғага йўйилади.

Туман. У тушда дунё ишларидаги чигалликдир. Ким тушида туман кўрса, шубҳали йўлга кириб қолган бўлади. У киши Аллоҳга тавба қилиб, қилаётган ишини ташлаши керак. Туман ўзаро адоватга сабаб бўлувчи фитна.

Туман. Туман – ўзига руҳий ишончсизлик, хавотирли ҳолат.

Тумов, шамоллаш. Тумов кетидан енгил касалга чалинишга далолат. Тумов тушда мусофирга хабарнинг кечикишидир.

Тумор кўриш. Кўз тегиши мумкин ёки руҳингиздаги қарама-қаршилик, сиз ҳимоя излаётган жойдан келган ноҳушлик.

Тумор. Тушда тумор кўриш – вазиятнинг яхши томонга ўзгариши.

Тун. Агар тушингизда ажойиб илиқ тунни кўрсангиз, ўнгда умрингиз ярми ўтгач, омад кулиб боқади; обрў ҳам топасиз, бойликка ҳам эга бўласиз.

Тун. Тиниқ ва юлдузли тун – яхши соғлик ва узоқ умрдан дарак; булутли ёки туманли қора тун – хасталик эҳтимоли.

Тунги кўйлак. Тушда ўзингизни тунги кўйлакда кўрсангиз, ўнгда енгилгина касал бўласиз. Агар бундай тушни сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси кўрсангиз, ўнгда фарзандларингиз қувонч келтиради. Душанбадан сешанбага ўтар кечаси тушда яқинларингиздан бирини тунги кўйлакда кўрсангиз, ўнгда сизни кўнгилли саёҳат кутади. Бундай туш якшанбадан душанбага ўтар кечаси содир бўлса, ўнгда қалтис ишга қўл урасиз, аммо ундан муваффақият билан чиқиб кетасиз.

Туннел. Тушда туннелда бўлиб қолсангиз, ўнгда ўзингиз қабул қилган қарордан шубҳада бўласиз. Агар бу туш шанбадан якшанбага ўтар кечаси содир бўлса, ўнгда

узоқ кутган хабарни оласиз. Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси тушингизда туннелдан чиқиб кетолмаётган бўлсангиз, ўнгда катта бахтсизлик кутади, агар чиқиб кетсангиз, ўзингизга нисбатан хавфнинг олдини олган бўласиз.

Тунука. Тушда тунука кўрсангиз, ўнгда жанжал-тўполонга ишора бўлади.

Тупроқ ейиш. Агар тушда тупроқ еса, ўлган кишининг ортидан гийбат қилади.

Тупроқ ташувчи. У ғам-ташвишга, машаққат ва гап ташишга далолат қилади. Агар тушида тупроқни кўчирса, ғам-ташвиш ва машаққат кетишига ишора.

Тупроқ. Тушдаги тупроқ инсонларга, чорва ҳайвонларига, кўпинча фақирлик, маййит ва қабрга ҳам далолат қилади. Ким ер кавлаб тупроғини чиқарса, ўзи ёки оиласида касал одам бўлса, вафот этади. Агар мусофир бўлса, сафар қилади.

Тупроқдан уй қилиш. Агар тушда тупроқдан уй қилса, ғамгин бўлади.

Тупук. У инсоннинг қуввати, моли ва қудратидир. Бир киши деворга туфласа, молини инфоқ қилади. Агар ерга туфласа, чорбоғ ёки ер сотиб олади. Дарахтга туфласа, қасамини бузади. Инсонга туфласа, ўнгида унга тухмат қилади.

Тур сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Тур сурасини ўқиса, далилдирки, душманидан зафар топади. Кирмоний айтадиларки, Ҳақ таоло унга ёрдам беради.

Турист. Тушда турист бўлиш – рухий ва жисмоний чарчаганлик, асаб толиққани.

Турли тилларда гапириш. Ким тушида турли тилларда гапирса, катта мулкка эга бўлади.

Турмуш қуриш, уйланиш. Турмуш қуриш тушга кирса, Аллоҳ таолонинг иноятига далолат. Кўпинча ғам-қайғу, масъулиятни бўйнига олиш ёки мансабни

эгаллашга интилиш. Агар таниш аёлга уйланса, урдасидан чиқадиган ишга бел боғлайди. Агар нотаниш аёлга уйланса ёки тушида уйланаётган аёлини кўрмаса, вақти-соати яқинлиги, охиратга йўл олишига далолат. Ким тушида уйланганини кўрса ва келин вафот этса, қийинчилик билан тугайдиган, эриша олмайдиган касб-хунардир. Ким тушида тўрт хотин олса, баракага эришади.

Турна. У тушда қуввати ва қудрати заиф кишидир. Ким тушида турнани тутса, хулқи ёмон қавм билан (никоҳ орқали) қариндош бўлади. Турна бирлик ва шерикликни яхши кўрадиган кишиларга далолатдир. Яна узок сафарга ишора. Агар сафарда бўлса, аҳли олдига саломат қайтади. Агар турнанинг ўша шаҳар атрофида учиб юрганини кўрса, ўша йили қаттиқ совуқ ва селга учрайди.

Турна. Турна одатда соғликнинг яхши бўлишидан дарак; нотўғри овқатланганда – ҳазм қилиш органлари касаллиги; умуртқанинг бўйин қисми муаммолари ва у билан боғлиқ дард.

Турна. У тушда мискин, қуввати ва қудрати заиф кишидир. Ким тушида турнани тутса, хулқи ёмон одамларга никоҳ орқали қариндош бўлади. Турна бирлик ва шерикликни яхши кўрадиган кишиларга ҳам далолат қилади. Ким тушида турна кўрса, узок сафар қилади. Агар сафарда бўлса, аҳли олдига саломат қайтади. Агар турнанинг ўша шаҳар атрофида учиб юрганини кўрса, ўша йили қаттиқ совуқ ва тоқат қилолмайдиган даражада селга учрайди. Унинг гўштини еса, ўғри ёки хизматкордан манфаатга етишади.

Турп. Турп тушда ғам-андух бўлади. Агар бирон киши унга турп берса, далилдирки, ундан унга ғам тегади. Агар бирон кишига турп берса, ғамдан қутилади.

Турп. Тушда турп кўриш ўнгда қилинган ҳалол меҳнатдан олинадиган фойдага йўйилади, турп емак эса соғ-саломатликка ишорадир.

Турп. Турп кўриш, ейиш – аччиқ хотираларга берилганлик, нохуш ҳиссиётлар; организмда микроэлементлар (калий, кальций, магний) ва С, В витаминлари, холин етишмаётгани; ошқозон-ичак тракти ва жигар иши ёмонлашгани, юрак неврози, шамоллаш ва йўтал.

Тут дарахти. У мунофиқ эркакдир.

Тут дарахти. У тушда кишилардан олинган қарз.

Тут дарахти. Пули ва фарзандлари кўп сахий кишидир. Ким тушида тут еганини кўрса, у касби орқали бойлик орттиради.

Тут дарахти. У тушда кишиларнинг молидан олинган қарзлар бўлиб, у пуллар ўрнидадир.

Тут ейиш. Ким тушида тут еганини кўрса, у кенг касбдан мол ейди.

Тут. Тушда ширин тут еса, рўзадор бўлади.

Тут. Тушда тут кўриш ўнгда севинишга ишорадир. Ибн Сирин ҳар ким тушида тут пиллалиги пайтида тут кўрса ва ундан еса, Аллоҳ таоло унга ғойибдан ҳалол мол ато қилади, агар бошқа пайтда туш кўриб, тут еса, ғам-андухга қолади, деб таъбир қилган.

Тутқич, банд. Уни тушда кўриш диндир. Ким тутса, динни маҳкам тутган бўлади. Ким тутқичга осилиб, унга қўлини киритса, агар у кофир бўлса, мусулмон бўлади ва ишончли тутқични ушлайди.

Тутқич ва илгак (тутма). Бу кишининг аёлига далолат қилади. Ким тутмасини қадаётганини тушида кўрса, бўйдоқ бўлса, уйланади.

Тутун. У кўрқинч, азобга ишора.

Туфлаш. Тушда кимнингдир башарасига туфлаган бўлса, башарасига туфук сачраган одамнинг ишларида зиён бўлади.

Туфли ипи. Бир дона боғич кўриш тушда яхши латиф сўз бўлади. Агар боғич кўп бўлса, ҳалол неъмат топади.

Туфли. Кимки тушида янги туфли кийса, ўнгида фаровонликка ишора. Жумадан шанбага ўтар кечаси бундай туш кўрган одам ўнгида ким биландир зиддиятга боради. Якшанбадан душанбага ўтар кечаси кимки дўконда туфли кўрса, ўнгида уни омадсизлик кутади; пул муаммоларини ҳал қила олмайди. Душанбадан сешанбага ўтар кечаси кимки тушида туфлини оёғига ўлчава у кичкина бўлса, ўнгида барча яқинлари билан жанжаллашади. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси кимки фарзандига туфли олаётган бўлса, ўнгида яхши хабарларни эшитади. Аёл тушида туфлини тескари кийса, ўнгида маҳбуби билан жанжаллашади. Чоршанбадан пайшанбага ёки пайшанбадан жумага ўтар кечаси бундай туш аён бўлса, ўнгида адолатсизликка дуч келади.

Тухум. Агар товуғи тухум туғса, фарзандли бўлади. Қовурилган тухум ризқдир. Тухумни пишмаган ҳолда еса, ҳаром молни ейди ёки мусибат етади. Тухум пўчоғини ейишлик кафан ўғрисига далолат қилади.

Тухум. Тухум кўриш – муаммонинг ичига кириб боришга уриниш лозимлиги; тухум ейиш – қувватсизлик.

Тушда бирор нима совға қилиш – ташвишлар юкидан озод бўлиш.

Тушда қурол кўриш ёки ундан фойдаланиш – тажовуз ҳисси йиғилгани, гормонлар номутаносиблиги ва асабий таранглик.

Тушда кўйлак кийиш – ёқимсиз жисмоний ва руҳий таъсирлардан ҳимояланиш истаги; кўйлакни ечиш,

айниқса, табиат кўйнида ечиш – соғликни тиклаш учун табиат таъсири зарурлиги.

Тушда телбани кўриш – дард, жароҳат ва бошқа ташвишлар; ўзини телба ҳолатда кўриш – асаб ва эндокрин тизимининг касалланиши.

Тушда ўлиш. Агар тушда ўзингизнинг ўлганингизни кўрсангиз, демак, умрингиз узоқ, соғлигингиз яхши бўлади.

Тушда ўрик кўриш ёки уни ейиш – шошилиш қарорлар қабул қилмаслик керак, аксинча, бўлажак воқеалар асабнинг бузилишига олиб келиши, оқибатда соғлик йўқолиши мумкин; организмда витаминлар ва муҳим микроэлементлар, хусусан, А витамини, кальций ва калий етишмаслиги. Ўрик қоқи кўриш ёки уни ейиш – ҳолсизлик, касаллик (юракдаги нуқсон) ёки организмнинг эрта қариши. Бошқа одамлар ўрик еяётганини кўриш – руҳият зўриққан, одамлар билан ортиқча муомаладан қочинг; касалингиз сабаби – ҳасад.

Туя билан қўшилиш. Кимга тушида туя яқинлик қилса, унга шиддатли ҳол, хавф ва хатар бўлиши мумкин. Агар тадбиркор бўлса, қарзга ботади.

Туя бошини ейиш. Ким тушида туя бошини хомлигича еса, улуғ кишини ғийбат қилади.

Туя гўшти. Туяларнинг гўшти назр, вафо қилиш ё мусибатга ёки касаллик ёхуд ризққа далолат қилади.

Туя гўштини ейиш. Ким туя гўштини еса, ўнгида касал бўлади.

Туя соғиш. Ким тушда туя соғса, ҳаром молга эришади.

Туя териси. Тушда кўрилган туя терилари мерос ва кўп моллардир.

Туя ўкириши. Туянинг ўкириши ҳаж ва фойдали тижорат каби катта сафардир.

Туя. Кимки тушида туя устида ўтирганлигини кўrsa, сафарга чиқади. Кўп туяларга эга эканлигини кўриш катта мансабга ишора. Кимнинг тушида туя яқинлашиб келаётган бўлса, ўнгида қандайдир фалокатдан эҳтиёт бўлмоғи керак. Агар юк ортилган туя бирон шаҳар ёки қишлоққа келган бўлса, демак, ўша қишлоқ ёки шаҳарда юкумли касаллик тарқалади.

Туя. Тушингизда туя ҳайдаб кетаётганингизни кўрсангиз, ўнгингизда ишларингиз ривожланиб кетади. Агар туя устида кетаётган бўлсангиз, ўнгингизда ҳурмат кўрасиз, юксак мартабага эришасиз.

Туя. Агар у шаҳарга ҳайвонлар одатда юрадиган йўл қолиб, бошқа йўлдан юриб келса, булут ва ёмғирларга далолат қилади. Кўпинча у шайтонга, ўлимга, мунофиқ, жоҳил одамга, кемага, маҳзунликка ҳам ишорадир.

Туя. Туя кўриш – ҳаётда меҳнатсеварлик, чидам, мослашув кўникмаларини ривожлантириш зарур, камтарона овқатланиш, тоза сув ичиш, очлик кунларини белгилаш лозим.

Туяга миниш. Уни миниш сафарга далолат қилади. Касал одам туя минса, вафот топади. Яна туяни минишлик аёлни никоҳлаб олишдир.

Туяқуш миниш. Ким тушида туяқушни минса, чопар отга минади. Шунингдек, ким туяқушни минса, бичилганга никоҳланади, дейилган.

Туяқуш. У ходим ёки хизматчидир. Ким уни гарданидан сўйса, баччавоздир.

Туянинг ўлиши. Кимнинг туяси ўлса, унинг аёли вафот этади ёки сафари бекор бўлади.

Тўғнағич. Ғийбат, ҳақорат, жанжалга йўйилади.

Тўғноғич. Аёл киши тушида ёқасида ёки кўкрагида тўғнағич кўrsa, ўнгида маҳбубидан кутилмаган совға олади. Ёки ўғил фарзанд кўради.

Тўғноғич. Тўғноғич кўриш, уни кўлга санчиш – арзимас сабаб туфайли юз бериши мумкин бўлган хавф-хатар; нохушликлар, кўз тегиши ва кинна.

Тўғон. У тушда тепаликка, юқори поғонага далолат қилади. Баъзан мақсаддан бош тортиш, сеҳр, руқия кабиларни ҳам билдиради.

Тўғон. Тўғон рухий тўсиқни енгиб ўтиш лозимлиги; организмда салбий эҳтирослар тўпланиб қолгани, рухий ва асабий зўриқиш.

Тўзон. Агар тушда тўзон кўрсангиз, ўнгдаги майда-чуйда нарсалар кайфиятингизни бузади.

Тўй. У тушда мусиқа ва ашулачилар бўлса, тўй-бўлган жойда бир инсон вафот этади. Агар келин кўрса, номини айтса, унга бойлик келади.

Тўй. Тўй кўриш – оилада бахтиёрлик.

Тўқ қизил ранг. Тушда кимдир устингизга тўқ қизил рангли либос ёки рўмол ташласа, ўнгда ҳурмат ва бойлик топасиз.

Тўқ қизил. Тушнинг тўқ қизил рангдалиги – ёнгин; қаттиқ жанжал ва жаҳл чиқиши; юрак-қон томири тизими ишининг бузилиши, вена касаллиги.

Тўқиш. Тушда бирон нарса тўқиб ўтирган бўлсангиз, ўнгингизда сабр-қаноат сизни мақсадга етказди.

Тўқувчи. Уни тушда кўриш ишларнинг енгиллашуви, дарғазаб бўлиш, сафар ва тараддуд қилишга далолат. Кўпинча у касал одамнинг вафотидир.

Тўқчилик – зерикиш, чарчаш. Ким тушда тўқ эканини ёки тановул қилаётган таомидан тўйиб кетганини, ҳатто оғизда бўш жой қолмаганини кўрса, бу аҳволнинг ёмонлашуви ёки ўлимдан дарак. Агар оғзида бўш жой қолган бўлса, бу дунёсида ўша жой миқдорича ризқ ато этилади. Тушдаги тўқлик тирикчилигини тебратиш, мол-давлат қайтишига далолат. Баъзилар

очлик тўқликдан, сувга тўйиниш (чанқоқни босиш) чанқоқликдан хайрли эканини айтганлар.

Тўлин ой. Тўлин ой – эҳтирос ошгани, севиб қолганлик, руҳий номутаносиблик, сурункали касалликнинг зўрайиши.

Тўлқин. Кимки тушида лойқа тўлқинларни кўрса, ўнгида катта жанжалга дуч келади ёки касалга чалинади. Денгиз тўлқини муаммоларнинг ҳал этилишидан далолат. Тўлқинлар осуда бўлса, кўнгил хотиржамлигига ишора.

Тўлқин. Тўлқинни кўриш – руҳият, асаб ва эндокрин тизимининг жойида эмаслиги; ҳаяжон ва эзилишлар; кўпикли тўлқин – жанжал, келишмовчилик, стресс; лойқа тўлқин – касалликдан дарак.

Тўн тикиш. Тўн тикиш тушда сафар бўлади, яъни уни тиккан одам сафарга чиқади.

Тўн. Тўн тушда касб ва иш бўлади. Агар ўзининг тўнини яхши кўрса, унинг касби ва иши ёмон бўлади. Агар ўзининг тўнини қора кўрса, унга ҳам етади.

Тўнғиз сути. У туш соҳибининг ақли ва зехни ўзгаришидир. Ёки бу сутнинг кўпи ҳаром мол, ози эса ҳалолдир.

Тўнғиз. Агар тушингизга тўнғиз кирса, ўнгида нимадандир ғабланасиз.

Тўнғиз. Кимки тушида ўзига тўнғиз хужум қилганлигини кўрса, ўнгида исёнчилар ҳақида ёмон хабар эшитади.

Тўнғиз. Тушда тўнғиз кўриш – ёвуз ва кучли одамдан келадиган хавфдан огоҳлантириш белгиси; ҳайвонона эҳтирослардан кўрқинг, у сизни ҳалок қилиши мумкин.

Тўп, копток. У тушда тортишув, хусумат. Гоҳида сафар, бир жойдан бошқасига кўчишга далолат. Агар у теридан бўлса, оёқдир. Тўп ўйнаш тортишувдир.

Тўр беланчак. Тушда тўр беланчакни кўриш ўнгдаги беқарорликни англатади, яъни бундай туш кўрган одамда қатъий фикр бўлмайди.

Тўр халта. Агар тушда тўр халта кўтариб юрган бўлсангиз, демак, сиз оддий ҳаётни хуш кўрар экансиз. Агар пул ва ҳужжатларни тўр халтага солиб юрган бўлсангиз, ўнгда турли ҳодисаларга дуч келасиз ва бу ҳодисалар сизни ҳайрон қолдиради.

Тўрғай. Тўрғай – яхши ҳиссиётлар ва аҳволнинг яхши томонга бурилиши; ҳаётдаги олий идеалларга интилишингиз зарур.

Тўриқ (от). Тўриқ – урушиш учун мўлжалланган куч-қувватли ва жисми каттароқ бўлган (от)дир. Уни тушда кўриш азизлик ва мартаба бўлиб, бошқа ривоятда бой хотиндир, дейилган.

Тўсиқ. Агар тушингизда устига чиқиб бемалол ўтирса бўладиган тўсиққа дуч келсангиз, ўнгингизда ноҳақ айбланиб, ишларингиз орқага кетади. Агар тўсиқни йўлдан олиб ташласангиз, мушкул ишларни ҳам муваффақиятли ҳал этасиз.

Тўсиқ. Ҳар қандай тўсиқ – стресс ҳолат, жисмоний, асаб ва руҳиятнинг зўриқувидан дарак. Тўсиқ кўриш – ҳаёт йўли ва мақсад йўлидаги тўсиқ.

Тўти. У олиб сотар, ёлғончи ва золим мақтанчок киши. Тўти ҳаракатчан, фасоҳатли, чиройли аёл ёки худди шундай болага далолат қилади.

Тўтиқуш. Тўтиқуш – ёлғон, алдов, ҳасад ва бошқа салбий ҳиссиётлар рамзи. Атрофингиздагилардан эҳтиёт бўлинг.

Тўфон. Агар тушда шамол билан сел қуйиб, ҳамма ёқни вайрон қилса, ўнгда ҳаётингиз кескин ўзгаради. Эҳтимол, бошқа жойга кўчганингиз ёки бошқа одамлар билан муомала қилганингиз маъқул.

Тўшак. У тушда аёл кишидир. Ким тўшагини сотса, хотинини талоқ қилади. Агар аёли касал бўлса, вафот этади. Эркак тушида тўшагида ит ёки чўчкани кўрса, бир фосиқ унинг аёлига хиёнат қилади. Тўшак роҳатдир. Тўшакнинг юмшоқлиги аёлнинг эрига бўлган итоати ва бўйсунушидир. Унинг кенглиги аёли хулқининг чиройидир. Унинг янгилиги аёлининг ёшлигидаги тароватидир. Агар тўшак жуи, тук ёки пахтадан бўлса, у бой аёлдир.

У

Уруш. Тушда шаҳарликларнинг ёв билан урушаётганлигини кўриш ўша шаҳарда озиқ-овқат қиммат бўлишига ишорадир. Агар тушда шаҳарликлар ҳукмдорга қарши уруш очган бўлсалар, давлатда тинчлик ва хавфсизликка, юртда фаровонликка далолат. Тушда уруш майдонидан қочиш бахтга ишора.

Урушқоқлик. Агар тушингизда ўзингизни урушқоқ кўрсангиз, ўнгда феъл-атворингиз билан ота-онангизни жуда қаттиқ хафа қиласиз.

Устара. Тушдаги устара ўткир бўлмаса, дўстлар ва қариндошларнинг гапи қаттиқ тегади. Устара сотиб олиш зериқишга ишора. Кимгадир устара совға қилсангиз, ўнгингизда ўша одамга хиёнат қиласиз.

Устун, хода. У тушда диндир. Ким тушида осмондай устун тушганини кўрса, Аллоҳ таоло унга одил дўст, ҳалим султонни неъмат қилиб беради. Ким тушида хода билан ургани ёки урилганини кўрса, у гапдир, агар у билан уришган кишини жароҳатласа, унга зарар этади. Агар туш кўрувчи аёл киши бўлса, устун эридир. Агар эркак киши бўлса, отасидир. Тушида устун йиқилса, нисбатланган одамнинг касал бўлишидир.

"Уф" демоқ. "Уф" сўзи инсон сиқилганда айтадиган сўз бўлиб, ким тушида "уф" деса, у ота-онасига оқ бўлади.

Уфқ. Агар киши тушида уфқни кўрса, илгари бирон нарса сабаб бўлиб сиқилиб юрган бўлса, ўнгида шу асабий ҳолатдан кутилади, агар уфқ қорайганини кўрса, келажакда бирон кўнгилсиз ҳодиса рўй беришидан далолатдир.

Уфқ. Тушда уфқни кўриш муваффақиятга ишора.

Ухламоқ. Тушда пешинда ухлаш хорлик ва ўлимдир.

Ухлаш. Агар тушда тахтда ухласа, дин йўлида улуғлик топади. Агар кўрпада ухласа, хорликка ишора.

Уч табақали кўзгу. Бундай кўзгу тушга кирса, ўнгидаги барча ишлар муваффақиятли тугайди. Агар сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси бу туш воқе бўлса, ўнгида молиявий қийинчилик туғилади. Кимки якшанбадан душанбага ўтар кечаси ўзини уч табақали кўзгуда кўрса, ўнгида фолбин билан учрашади. Якшанбадан душанбага ўтар кечаси кимки тушида уч табақали кўзгу сотиб олса, ўнгида омадли харидни амалга оширади. Чоршанбадан сешанбага ўтар кечаси тушингизда бу кўзгуни синдириб қўйсангиз, анчадан бери кўрқиб юргангиз кўнгилсизлик рўй беради.

Учар илон. Ишларнинг ривожланишига далолат.

Учиш. Тушда учиш сафар қилишдир. Агар боши пастга қараб учса, у роҳат билан сафар қилади. Агар сафар қилмаган киши учса, бекорчиликдир. Агар киши бир тепаликдан бошқа тепаликка учса, у баланд мартабадан яна ҳам баланд мартабага кўтарилади. Агар аёл киши тушида бир ҳовлидан танийдиган кишининг ҳовлисига учиб ўтса, у ўша кишига турмушга чиқади. Ким ўзи танийдиган бир ҳовлидан ўзи танимайдиган узоқдаги ҳовлига учиб ўтса, ўша кишининг ажали етган бўлади. Қанот билан учиш қувватли бўлишга ишора.

Учиш. Соғ одамлар учун учиш – кайфияти аъло бўлиши, гормонлар даражаси юқорилиги, бақувватлик; жинсий қониқмаётганлик; учаётиб кулаб тушиш – рухий

ёки жисмоний жароҳат ва бошқа нохушликлар; оғир касаллар учун ўлим эҳтимоли.

Учқун. Учқун тушда ёмон, хунук гап-сўз. Ким тушида ўзига сачраётган учқун кўрса, хунук гап-сўз эшитади. Агар учқун аланга олса, гап-сўз янада кўпайиб, авж олади. Ким учқундан тутун кўтарилганини кўрса, унда иш янада жиддий тус олади.

Учрашув. Агар тушингизда дўстингиз билан тасодифан учрашиб қолсангиз, ўнгингизда кутилмаган ҳодисага учрайсиз. Душманингиз билан учрашиб қолсангиз, ўнгдаги қайғуга ишора. Дўстингиз билан учрашув тайин қилсангиз, сирларингиз ошкор бўлади.

Учувчи. Тушда учувчи кўрсангиз, хурсанд бўлинг. Демак, сизга кимдир орзуларингиз ва режаларингиз амалга ошишида ёрдам беради.

Ушлаш. Кимнидир ёки ниманидир ушлаб олиш – руҳиятнинг теранлиги; тушингизда сизни кимдир ушлаб олса – ички кўрқув пайдо бўлгани; ушлаб олинган жойингиз атрофидаги органнинг касалланиши мумкинлиги.

Ушлаш. Яқин одамани ушлаб олиш – ораларидаги муносабатларда эътиборнинг етишмаслиги; жиноятчи ёки безорини ушлаш – ички нуқсонлар ва қалбдаги қора кучлар билан кураш.

Уюм. Тушингизда уюм бўлиб ётган нарсаларни кўрсангиз, ўнгингизда хизмат пиллапояларидан кўтарилишингизда тўсиқлар пайдо бўлади. Агар қаршингизда турган уюм ағдарилиб кетса, ўнгингизда гап-сўз ва ғийбатга қоласиз. Агар уюм боғланиб, тайёр ҳолда турган бўлса, мартабага кўтарилишингизга раҳбарингиз халал берар экан. Аммо сиз интилиш ва кучингиз билан мартабага кўтарилишга лойиқ эканлигингизни исбот қиласиз. Уюм бошингизга

ағдарилиб тушган бўлса, ишдан кетиш ҳақида ариза ёзишингиз мумкин.

Уя (ин). Агар тушингизда бирон ваҳший ҳайвоннинг уясини кўрсангиз, ўнгингиздаги омадсизликка ишора. Ибн Сирин айтишича, ер ёки девордаги уя оғизга далолатдир.

Уя. Уя – оила муаммолари рамзидир. Тушни таъбирлаш учун уянинг шакли, аҳволи, ичидаги ҳолатга эътибор бериш керак. Масалан, уя кураётган қушни кўриш, уядаги қуш ва болаларини кузатиш ёки уя топиб олиш – оила қувончи ва бахти; уяни бузиш – бахтсизлик, касаллик, турли нохушликлардан дарак.

Ў

Ўргимчак. Ўргимчак кўриш – яширин кўркув пайдо бўлиши; махфий ёвуз одам қўйган тузоққа тушишдан эҳтиёт бўлинг.

Ўрдак гўшги ейиш. Ким тушида ўрдак гўшги еса, қўшнилари томонидан мол-мулк билан ризқланади.

Ўрдак товуши. Ким ҳовли, шаҳар ёки маҳаллада ўрдак товушини эшитса, шу ерда унга мусибат ёки ҳалокат бўлиши мумкин.

Ўрдак. Тушда уни кўриш семиз, чиройли хотинларга, бойликка далолат қилади. Уларнинг товуши ўлим ёки ғам-ташвишдир. Ким тушида оқ ўрдак кўриб, уни ушласа, мол-дунёга эришади. Ким ўрдак гўштини еса, бой хотинга уйланади. Яра босган ўрдак нафрат ва ғазабга ишора.

Ўрдак. Ўрдакнинг тушда ғағиллаши мазлумлар нолишига ишора.

Ўрдак. Тушда уни кўриш семиз хотинларга далолат қилади. Шунингдек, молга, чиройли аёлга ҳам.

Ўрик дарахти. Яхши, кўнгилли даврада вақт ўтказишингизга ишора.

Ўрик дарахти. Ўрик дарахтини кўриш эркалар учун – ўзига ёққан чиройли аёлнинг инжиқлиги туфайли юзага келган салбий ҳиссиётлар; аёллар учун – хуснингизни табиий косметик воситалар билан асранг.

Ўрик. У пишган вақтда туш кўрсангиз, пул, бошқа вақтда касалликдир. Ўрик дарахти дардчил бўлади. Агар унинг меваси кўп бўлса, у пулдор кишидан дарак.

Ўрик. Ўрик қоқини кўриш ёки ейиш – ҳолдан тойганлик, касаллик (юракда нуқсон бўлиши мумкин); организмда энг муҳим микроэлементлар, хусусан, кальций ва калий етишмаслиги.

Ўрим. Ким тушида ўрим-йиғим ишларини кўраётган ва унда ўзи иштирок этаётган бўлса, ўнгида рўзғори тўкис бўлади.

Ўрим. Тушда ўрим кўриш ва унда ўзингиз иштирок этаётган бўлсангиз, бойлик ва фаровонликка ишора.

Ўрим. Ўрим – соғлиқнинг яхшиланиши, кучга тўлиш, меҳнат қобилиятининг ортиши ва ижобий ҳиссиётлар.

Ўриндик. Агар тушингизда ўриндик кўрсангиз, ўнгида орзуингиз амалга ошади.

Ўрмон ёнғоқлари (фундук). У тушда руҳияти пок, саховатли ғариб киши, машаққат билан топилган бойликдир. Ким уни еса, мол-дунёга эришади. Агар аёл киши тушида етилган фундук кўрса, оиласида тинчлик ва хотиржамлик бўлади.

Ўрмон ёнғоқлари. У тушда инсонлар ўртасини улфат қилувчи, руҳияти оғир, саховатли кишидир. Айтилишича, у машаққат билан топилган молдир. Ким уни еса, машаққат билан молга эришади. Яна у ҳар бир пўчоғи қуруқ ўсимлик бўлиб, нотинчлик ва хафаликка далолат қилади. Шунингдек, у шахрининг улуғлари қувланиб, мол ва давлатлари тортиб олинишига далолат қилади.

Ўрмон. Тушда шерлар яшайдиган ўрмон кўрқинчга далолат қилади.

Ўрмон. Ўрмонни узоқдан кўриш – хафа бўлмоқ; ўрмонда юриш – саломатлик, яхши кайфият; ўрмонда дарахт кесиш – касаллик, жароҳат, ўлимдан дарак.

Ўроқ. Ўроқ кўриш – қилинган уятли иш натижасида юзага келадиган оғир оқибат хавфи, жароҳат, оғир касалликдан дарак; ўроқ билан ҳосил йиғиш – аҳволнинг яхши томонга ўзгариши ва кўтаринки кайфият.

Ўсаётган шолғом. Ўсаётган шолғом ғам-ғуссадир.

Ўсимликлар. Буғдой, арпа, кунжут, жаворс ва ўтдан бошқа барча кўкатлар исломдир. Ким тушида кўм-кўк далада югуриб юрганини кўрса, у яхшилик ва ибодатда ҳаракат қилади.

Ўтда қайнаган сут. Ўтда қайнаган сут машаққатда топилган молдир.

Ўтин. Агар тушингизда ўтин ёраётган бўлсангиз, ўнгингизда дўстларингиз ёки яқин одамларингиз билан ажрашиб кетасиз. Агар елкангизда ўтин боғламини ортиб кетаётган бўлсангиз, кўп меҳнат билан озгина фойда оласиз. Ибн Сириин айтишича, ўтин диндаги мунофиқ кишиларга далолатдир.

Ўтин. Ўтинга боғлиқ туш кўриш одатда оиладаги жанжалдан огоҳлантиради; ўтин майдалаш – яхши туш, қувонишингиз ва жисмоний ҳамда жинсий кучга тўлишингиздан дарак.

Ўткинчи одамлар. Тушда ўткинчи одамларни кўрсангиз, ўнгда сизни ҳеч ким тушунмас экан.

Ўтлок, яйлов. У тушда машаққатсиз топилган ризқ ёки сарфи кам аёл, илм ёки садақа. Ўт-ўлан ва гуллари бор ўтлок дунё, унинг зийнати бойлигидир. Гоҳида ўтлок бойликка эришишга далолат қилади.

Ўтлоқ. Яшил ўтлоқ руҳият ва асабнинг чарчаганлиги; дам олиш зарурлиги; гуллар қоплаган ўтлоқ – жинсий истак; қуриган ўтлоқ – касаллик.

Ўчоқ. Тушида киши ўчоқ кўрса, ўнгида бадавлат рўзғорли бўлишга ишорадир. Агар туш соҳибининг тушида ўчоқ бузилган бўлса, ўнгида неъмат ва роҳатини йўқотади.

Ғ

Ғурра. Кимки тушида пешонасининг ғурра бўлганлигини кўрса, ўнгида ўз обрўсини тўқади.

Ф

Фирибгар. Тушда фирибгарни кўрсангиз, ўз хулқингизни яхши томонга ўзгартиришингиз керак.

Фирибгар. Тушда фирибгарни кўриш – алдовдан эҳтиёт бўлинг; фириб ейиш натижасидаги ёмон кайфият, стресс; ўзини фирибгар сифатида кўриш – виждон азобига учрашдан дарак.

Фируза. Агар севишганлар тушларида фируза тошини кўрсалар, ўнглирида бахтиёр бўладилар.

Фолбин. Тушда фолбиннинг валдирашини эшитиш ўнгдаги муваффақиятсизликка ишора. Агар тушингизда ўзингиз фол очаётган бўлсангиз, ўнгингизда бирон нарсага эга бўласиз.

Фолбин. Фолбин – бахтли ҳаёт, ижобий ҳиссиётлар ва саломатлик.

Фотир сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Фотир сурасини ўқиса, далилдирки, оқибати хайрли бўлади. Кирмоний айтадиларки, тоатга машғул бўлади.

Фотиҳа сураси. Ибн Сирин айтадиларки, кимки тушида Фотиҳа сурасини ўқиса, ўнгда умри узоқ ва иши яхши бўлади.

Фурқон сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Фурқон сурасини ўқиса, далилдирки, ботилдан жудо бўлади. Жаъфари Содик айтадиларки, Ҳақ йўлига киради.

Фуссилат сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушида Фуссилат сурасини ўқиса, салоҳи динда бўлади.

Х Ҳ

Ҳомиладорлик. Ҳомиладор бўлиш – қандайдир муаммо туфайли ташвишга тушиш; ҳомиладорни кўриш – нохушликлар юз бериши мумкинлиги.

Хона. Қиз бола чиройли безатилган хонани кўрса, ўнгида бахт унга ҳамроҳ бўлади.

Хонаки ит. Хонаки ит золим душмандир.

Хонтахта. Тушда хонтахта усти бўш бўлса, камбағалликдан далолат; хонтахта усти неъматларга тўла бўлса, бойишга ишорадир.

Хорижлик одам. Тушингизда хорижлик одамни кўрсангиз, ўнгингизда ишларингиз муваффақиятли амалга ошади, қувончли кунларни кўрасиз. Тушингизда бошқа шаҳарда бўлиб қолсангиз ва у ердаги одамлар сизга тушунарсиз тилда гаплашаётган бўлсалар, ўнгингизда ёлғизланиб қоласиз. Асабий ҳолатингиз одамларни сиздан четлаштиради.

Хорлик. Ким ўзининг хор бўлганини тушида кўрса, у азизлик, обрў-эътиборга эришади. Хорлик – фақирлик, зикналик ҳамдир.

Ҳосил. Тушингизда далада катта ҳосил тўпласангиз, ўнгингизда катта фойда олишингизга ишора. Агар аёл киши тушида ҳосил йиғаетган бўлса, кимки ундан қарз бўлса, ўнгида ярмини беради.

Ҳосил. Тушингизда далада катта ҳосил тўпласангиз, ўнгингизда катта фойда олишингизга ишорадир. Агар

аёл киши тушида ҳосил йиғаётган бўлса, кимки ундан қарз бўлса, ўнгида ярмини беради ёки сепининг ярми қайтади.

Хотин. Тушда у чиройли бўлса, яхшилик олиб келувчи йилга далолат қилади. Шунингдек, у сандиқ, хазина қўйиладиган жойга далолат. Гоҳида қабз қилинган ер, қамокқа ҳам далолатдир. Чунки хотин бойликда эрига шерик бўлади. Яна мевали дарахт, қудуққа ҳам ишора.

Хотин. Тушда хотинини кўриш – жанжал ва унинг натижасида хафагарчилик.

Хотира. Аччиқ хотиралар босиб келиши – ўт қопи касалланиши мумкинлигини билдиради; яхши хотиралар – саломатлик, узоқ умрдан дарак беради.

Хризантема гули. Агар тушда хризантемани кўрсангиз, сизга дўст бўлиб қоладиган қиз билан танишасиз.

Худ сураси. Кирмоний айтадиларки, агар тушда Худ сурасини ўқиса, иши яхши бўлади.

Хўжағат (малина). Қувонч ва ҳаловатга ишора.

Хужжат. Агар тушда хужжатларингиз ғижимланган, доғ теккан бўлса, ўнгингизда сизни муваффақиятсизлик кутади. Тушингизда хужжатингизни топиб олсангиз, ўнгингизда манфаат кўрасиз. Агар хужжат йўқолса, ўнгдаги кутилмаган кўнгилсизликка дуч келинади.

Хужжат. Кимки тушида муҳим хужжат билан шуғулланаётган бўлса, иши судга тушади. Қиз бола шундай туш кўрса, севгилисининг хулқ-атворидан норози бўлади.

Хужжат. Хужжат – нохуш эҳтирослардан дарак; хужжатни йўқотиш – стресс.

Хужум. Тушингизда бирон жойга хужум қилинаётганлигини кузатиб турган бўлсангиз, ўнгингизда истагингизга етиш учун кўп меҳнат

қилишингизга тўғри келади. Агар сизга хужум қилинаётган бўлса, ўнгингизда ўзини дўст қилиб кўрсатадиган одамлардан эҳтиёт бўлинг. Ўзингиз кимгадир хужум қилсангиз, ўнгингизда қўл қовуштириб ўтирмай ҳаракат қилишингиз керак экан.

Хужум. Тушда сизга кимдир хужум қилиши – хавф-хатар; ички кўркувнинг юзага чиқиши; тушда кимгадир хужум қилиш – асаб тизими ва руҳиятнинг мувозанати бузилгани, организмда тажовуз гормонлари йиғилиб қолгани.

Хужурот сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Хужурот сурасини ўқиса, далилдирки, одамларни ғийбат қилмайди. Кирмоний айтадиларки, ҳеч кимга азоб бермайди.

Хукм. Тушингизда суд ҳукмини эшитсангиз, ўнгингизда ўз хоҳишингизга қарши узоқ сафарга отланасиз.

Хукмдор. Кимнингки тушида ҳукмдор бирон жойга тасодифан келган бўлса, ўша жойда зиён ва захмат бўлади. Агар у жойга ҳукмдор ташрифи доимий бўлса, фаровонлик юз беради. Кимки тушида тирик ҳукмдорни кўрса, у ҳолда ҳукмдорнинг фармону кўрсатмалари амалда бўлар экан. Агар кимки тушида ҳукмдор билан бирга тўрда ўтириб, бирон нарса еяётган бўлса, то уйқудан кўзини очгунча олдидан дастурхон йиғишгирилмаган бўлса, узоқ умр кўришига далолатдир. Кимки ҳукмдорга яқин одам бўлмаса-ю, аммо тушида ўзини ҳукмдор сифатида кўрса, агар бемор бўлса, ўлими яқин экан, агар соғ бўлса, қариндошлари ва яқинларидан тирик айрилади. Кимки тушида ҳукмдор билан ёнма-ён турса, хибсда бўлса, озод бўлади.

Хукмронлик. Ўз ҳукмронлигини намоиш этиш – руҳиятнинг бузилиши, шахснинг ёмонлашуви.

Хумаза сураси. Жаъфари Содик айтадиларки, агар тушида Хумаза сурасини ўқиса, далилдиarki, Аллоҳ йўлида мол эҳсон қилади.

Хумо қуши. Агар тушда хумо қушини кўрсангиз, ўнгда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз мақсадингизга эришасиз.

Хунук одам. Бадбашара одамни кўриш – кўз тегиши ва кинна; одам ўзини хунук аҳволда кўриши – камчиликларини аниқлаб, бартараф этиши зарур.

Хунуклик. Тушда ўзни хунук кўриш ўнгдаги касаллик, ғам ва ташвишга йўйилади.

Ҳурмат. Ўзини бошқалар эътиборидаги ҳурматли одам сифатида кўриш – ўнгда уни одамлар пастга уриши.

Хурмо данаги. Тушда кўрилган хурмо данаги сафар ниятига далолат қилади.

Хурмо дарахти барги. Хурмонинг барги хафаликка далолат қилади.

Хурмо дарахти. Ким хурмо дарахти кесилганини кўрса, хусуматдан қутулади. Хурмонинг барги аёлларнинг сочи, деб таъвил қилинади.

Хурмо дарахти. У олим эркакдир.

Хурмо дарахти. Тушда хурмо дарахтини кўриш олим киши ёки фарзандга далолат қилади, уни кесишлик ўлимига далолатдир. Шунингдек, хурмо дарахти инсонларга манфаат келтирувчи обрўли араб кишисига ҳам таъбир қилинади. Кимки кўп хурмо дарахтига эга бўлса, у ўша миқдордаги кишиларга бош бўлади. Агар тижоратчи бўлса, тижорати зиёда бўлади. Агар бозор аҳлидан бўлса, бир қанча касбларга эришади.

Хурмо дарахтини кесиш. Агар хурмо дарахтини кесса, ўша жойда вабо тарқалади. Гоҳида султон томонидан бўладиган азобга ҳам далолат қилади.

Хурмо мевасининг боши. У тушда унинг биргина ўзи мол-дунёга, аҳли аёлни бирлаштиришга, унинг боши кишининг қавм-қариндошидан бирига далолат қилади.

Хурмо сотувчи. Тушда уни кўриш ҳалол касбга ёки суннатни билувчи олимга далолат қилади.

Хурпайган, тўзиган соч. Хурпайган, тўзиган сочни кўриш мол-давлатдаги хасислик, бахилликка ишора.

Хуррак. Бу душмани уни таниб олиши ва сирини очишига далолат қилади. Гоҳида у хавфдан тинч бўлишга далолат, чунки уйқу роҳатдир. Ким тушида хуррак отиб ухлаётган одамни кўрса, хуррак отаётган гофилдир. Хуррак отаётган киши туш кўрган кишининг ғафлатдалиги ва унинг алданишига далолат қилади.

Хурсандчилик, шодлик. Тушдаги хурсандчилик, шодлик, гоҳида хафачилик, йиғига далолат. Ким ўзини хурсанд кўрса, хафа бўлади. Дўстларини шод кўрса, яхши ишга далолат.

Хуснбузар. Кимга тушида хуснбузар чиқиб, сўнг ёрилиб, йиринг оқса, бу унга ютуқдир. Шунингдек, ким баданида хуснбузар ёки яра кўрса, маълум муддат оралиғида муайян бойликка эришади.

Хуснбузар. Кимки тушида юзида кўп хуснбузар кўрса, фосиқ ишларининг кўплигига ишора. Юздаги йиринглаб турган хуснбузар ёрилиб кетишини кўриш омадга ишора. Аёл юзига хуснбузар тошган эркакни кўрса, бузуқ бир одамга рўпара келади.

Хусумат. Агар тушда бирон киши билан хусумат қилиб, у голиб келса, душман устидан ғалабага эришади.

Хушбўй бута ўсимлиги. Касал одам уни тушида кўрса, соғайиб кетишига, қоматини тутишга, юзини соч билан тўсишга ёки қаддини либос билан тўсишга далолат қилади. Шунингдек, кўпинча амалга ошиши умид қилинаётган нарсадан ноумид бўлишга ҳам ишорадир. Айтилишича, у аҳдига вафо қиладиган одамга ҳам

далилдир. Ким тушида хушбўй бутадан бўлган тожни бошида кўрса, у эр ёки хотиндир. Яъни, туш кўрувчи эркак бўлса, кўрган нарсаси аёл бўлади, аёл киши туш кўрган бўлса, ундан мурод эрдир. Ким уни уйида кўрса, у доимий бирга бўлувчи мол ёки ҳамиша бирга бўладиган яхшиликдир. Ким тушида ёш йигитдан уни кўлига олса, ўнгида душманидан доимий аҳдни олади. Ким тушида бутани ерга санчиса, у ишларини тадбир билан қилади. У иморат, раҳбарлик ва хурсандчилик ҳам бўлиши мумкин.

Хушбўй дарахтлар. Хушбўй хид таратадиган дарахтлар – дарахт мансуб кишининг мақталиши, мадҳ этилишидир.

Хушбўй кўкатлардан ейиш. Инсон тушида хушбўй кўкатлардан еса, махфий нарсаларнинг ошкор бўлиши ва оила аъзолари унга ғазаб қилишига далолатдир.

Хушбўй ўсимлик новдаси. У тушда яхши мақтовга сазовор бўлган кишидир. Ким тушида уни кўлида кўрса, йўқотган нарсасини топган, яхши сўз эшитадиган кишидир. Ким унинг хидини хидласа ёки тутун кўрса, у кўрқинч билан бирга яхши гап эшитади. Ким тушида унинг ҳовлисида ўсиб турганини кўрса, ўз ерида улуғ бўладиган фарзанд кўради.

Хушбўй ўтлар. Хушбўй ўтларни кўрсангиз ва хидласангиз, фойдали ишларга кўл урасиз. Хушбўй, бироқ қуриган ўтларни кўриш касал бўлишга ишорадир.

Хушбўй хид. У тушда молдир. Бир ривоятда айтилишича, улуғлик ва узлуксиз яхшиликдир. Ким тушида атир сепса, у мақтов эшитади. Гоҳида у ҳаж қилади ва ўғил фарзанд кўради. Ким тушида бошлиқнинг ҳовлисида атир сепса, унга ўзидан юқорироқ киши томонидан режалаштирилган тухматдан изтироб чекади.

Хушбўйланмоқ. У инсонлар билан чиройли муомалада бўлишдир. Хушбўйлик чиройли мақтовдир. Айтилишича, у касал одамнинг ўлимига далолат қилади. Атир

ва хушбўй нарсани тутатиш хатар билан бирга мақтовга ишорадир.

Хушбўйлик. Барча хушбўй нарсаларни тушида кўриш ёки ҳис этиш мақтов ва шухратга, яхши ном қозонишга, диний билимлар аҳамиятига, иймон софлигига, яхши хулққа, фаровонликка ва ақли хотинга ишорадир. Кўланса ҳид — буларнинг акси.

Хушдан кетиш. Ким тушида хушидан кетганини кўрса, ўнгда хафа бўладиган иш қилади.

Хушрўй бола. Бундай тушни хоҳ ўғил бола кўрсин, хоҳ қиз бола кўрсин, юрагига муҳаббат оралаяпти.

Хуштак. Тушингизда хуштак овозини эшитсангиз ёки ўзингиз чалсангиз, ўнгингизда фойда олиш мақсадида бузуқ ва ярамас ишларни қилар экансиз. Қиз тушида хуштак чалса, ёмон хулки учун гап-сўзга қолади. Кўпчилик сизга қараб хуштак чалаётган бўлса, жамиятда сизга кўрсатилган ҳурмат йўқолар экан.

Хушхабар. Тушда хушхабар олмоқ яхшиликка йўйилади.

Хўкиз бошли одам. Уни минотавр ҳам дейишади. Агар тушда хўкиз бошли одамни кўрсангиз, отангиз билан айтишиб ўтирманг, ундан ҳозирча узоқроқ юрганингиз маъқул.

Хўкиз. Тушда хўкизни кўриш ўнгдаги садоқатли дўстга ишора. Қўшга қўшилган хўкизни тушингизда кўрсангиз, мушкул пайтингизда дўстларингиз сизни ёлғиз қолдирмасликларига гувоҳ бўласиз. Агар хўкиз юк тортаётганлигини кўрсангиз, ўнгингизда кўп муаммоларга дуч келасиз. Улар ғайриоддий ҳаракат билан олдинга юраётган бўлса, муҳаббат масаласида омадингиз келади. Семиз хўкизлар омад ва бахтга далолат.

Хўкиз. Хўкиз – ҳаётий қувватингиз ва ишчанлигингиз ортишидир.

Хўл жун. У тушда ишнинг бароридан келиши, яхшилик, ризқ, роҳат-фароғат аломати.

Хўроз ноласи. Хўроз тушда нола қилса, бирор кишининг ўлими хабари келади.

Хўроз уриштириш. Хўроз уриштириш имом хатиблар, уламо ва муаззинларнинг ораларига нифоқ солишга далолат қилади.

Хўроз. Уни тушда кўриш худди товукларнинг бошлиғи бўлганидек, ҳовлининг эгасидир.

Хўроз. Хизматкор.

Хўроз. Хўроз кўриш – иш ва дам олиш режимини тўғри йўлга қўйиш.

Хўрсиниш. Тушда хўрсиниқни эшитиш ўнгда кўнгилсизликка ишора.

Ч

Чуғурчук. Чуғурчук тушга кирса, у мусулмон, зоҳид, заиф, сабри, лукмаси ҳалол киши. Чуғурчук ижарачи ёки ҳамроҳ каби саёҳат, сафар кишиси. Агар тушда унинг гўшти тановул қилингани ёки пати юлинганини кўрса, у хайр-яхшиликка эришади. Чуғурчук солиҳ, яхши ва ёмон амалларни аралаштириб юбориш ёки бой ҳам, қашшоқ ҳам бўлмаган, мансабдор ҳам, паст табақали ҳам бўлмаган кишига далолатдир. Уни тушда кўриш зорлик ва кам ризққа қаноатта ишора.

Чуғурчук. Чуғурчук тушга кирса, бекорчиликка далолат.

Чуқур. Кимки тушида чуқурлик ичида бўлиб қолса, ўнгда ишлари юришмаслигига далолат, бундан ташқари туш кўрувчининг қизиқувчанлиги яхшиликка олиб бормаслигини англатади. Агар чуқурдан чиқиб олса, кутилмаганда омад ёр бўлади.

Чуқурлик. Сувли чуқурликни кўриш, ўлчаш – руҳият тушкунлиги ва яширин кўрқув; тошлар, қум, балиқлар

кўриниб турган тиниқ сувли саёз чуқурлик – ижобий хиссиётлар; аҳволнинг яхши томонга ривожланиши.

Чумоли. Кимки тушда уйга чумолилар ўрмалаб кираётганини кўрса, демак, қўлига мулк келар экан.

Чумоли. Тушдаги чумоли дунёга, бойликка ҳирс қўйган кишидир, шунингдек, аскар, оила ва узоқ умрга ҳам далолат қилади. Ким бир қишлоққа чумолилар кирганини кўрса, албатта, ўша жойга аскарлар киради. Ким тўшагида чумоли борлигини кўрса, унинг фарзандлари кўп бўлади. Ким ҳовлисидан чумолининг чиқиб кетаётганини кўрса, унинг оила аъзолари сони камаяди.

Чумоли. Кимки чумолининг бир ердан учиб кетаётганини кўрса, ўша ерда касал бўлса, вафот этади. Ёки ўша ердан қийинчиликка учраган одамлар кўчиб кетишади. Шунингдек, чумоли мўл ҳосил ва ризққа ҳам далолат қилади. Чунки у фақатгина ризқ бор маконда бўлади. Агар касал одам чумолининг ўз жасадига ўрмалаганини тушида кўрса, у вафот этади.

Чумолилар. Чумолилар – озгина пул учун кўп меҳнат қилиш, лекин ўзини бахтиёр сезишдир; беморлар учун – эҳтимол, чумоли спирти билан даволанишингиз керакдир.

Чумчуқ. Агар тушингизда кўп чумчуқларни кўрсангиз, ўнгингизда, билингки, ҳеч нарсани осонгина қўлга кирита олмайсиз, сизга бировларнинг ёрдами керак. Чумчуқ чирқиллаши ғийбатга ишора.

Чумчуқ. Кимки тушида чумчуқ кўрса, ўнгида яқин одамларнинг эътибори ва меҳрини қозонади. Тушида касал чумчуқни кўрса, ўнгида хафа бўлади. Ёш жувон тушида чумчуқ кўрса, ўнгида кимдир билан танишиб, енгилтаклик қилишига ишора.

Чумчуқ. Чумчуқ – бефойда ташвишлар, пуч ваъда ва миш-мишлар, улар кайфиятингизни бузиши мумкин.

Чўпоннинг ити. Чўпоннинг ити бошлиқ томондан келадиган молдир.

Чўтка. Агар тушингизда кийим тозалайдиган чўткани кўрсангиз, ўнгдаги масъулиятли ишга ишора. Жумадан шанбага ўтар кечаси бундай туш аён бўлса, касалликдан огоҳлантиряпти. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси кийимингизни чўткалаётган бўлсангиз, ўнгингизда ҳамма қарздорларингиз қарзини узади. Агар шанбадан якшанбага ёки якшанбадан душанбага ўтар кечаси тушингизда палосларингизни чўтка билан тозалаётган бўлсангиз, ўнгингизда бировларнинг илтимосларига кулоқ солмайсиз, аммо кейинчалик бу ишингиздан пушаймон бўласиз. Тушингизда тиш чўтка билан тишларингизни тозалаётган бўлсангиз, ўнгингизда ёруғ кунлар кўп бўлади.

Чўғ. У тез келадиган ризқдир. Агар инсон тушида ундан фойдаланса, у машаққат билан топиладиган ризқдир. Кўпинча чўғ кўриш илм талаб қилишга далолатдир.

Чўғиртош. Яширин таҳдид ва хавфга ишора.

Чўкиш. Тушда чўкиб кетиш – вақтинча қийинчиликлар; ички кўркув пайдо бўлиши; чўкиш ва ҳаво етмаётганини ҳис этиш – юрак-томир тизими ва нафас йўллари касалланиши, невроз.

Чўққи. Агар тушда тоғ чўққиси алоҳида турган бўлса, ўнгда атрофингиздагиларга ён беришга ғурурингиз йўл қўймас экан. Агар чўққи сизни йўлингизни тўсиб қўйса, кимдир сизнинг хоҳишингизга қарши чиқади. Чўққи қаршингизда турса, бошқалар сиз истаган ишни қилишингизга йўл қўйишмайди.

Чўқмоқ. Ким тушида ўзининг чўқаётганини кўрса, у кўп гуноҳ иш қилиб, хато қилаётган бўлади. Ким чўкиб ўлса, бидъат ишга шўнғиб кетади. Агар киши денгизга чўкиб, сўнгра сув устига чиқиб, қўл ва оёқларини

ҳаракатлантирса ва бир пгўнғиб, бир сув устига чиқса, у дунё ишига шўнғийди ва бой бўлади. Унинг давлати кўп бўлади. Агар кофир киши ўзининг денгизга чўкканини кўрса, мўмин бўлади.

Чўчка, тўнғиз. У тушда кучли, хийлагар, сабрсиз, лафзсиз душман. Ким тушида чўчқани минганини кўрса, кўп мол-дунёга эришади. Агар унинг гўштидан еса, у била туриб ҳаром еган бўлур. Агар унинг гўштини пишириб еса, тижоратда ҳаром молга эришади.

Ш

Ширинлик. У ҳалол мол, кўп неъмат, илм ва ҳикматдан даракдир.

Ширинлик. Тушда ширинлик кўриш ёки ейиш – овқат ҳазм қилиш органлари муаммоси; қандли диабет хавфидан огоҳлантириш.

Шифт. Тушдаги шифт қадри баланд кишидир. Агар тахтадан бўлса, мағрур киши. Агар шифт устига қулаб тушаётгандек кўрса, қадри юксак киши томонидан унга хавф-хатар етади. Шифтдан тупроқ тушиб, кийимига тегса, хавф-хатардан кейин мол-давлатга етади. Агар устунни қулаб тушса, мусибат туфайли уй эгасининг ўлимига далолат.

Шифт. Шифт — юқори мартабали одам рамзи. Агар кимники тушида устига шифт қулаб тушган бўлса, юқори мартабали одамдан унга озор етади ёки сафардан кимдир қайтиб келади.

Шиша. Шишадан ясалган нарсани кўтариб юриш ғурур, синдириш мол-мулкдир. Уйда шишанинг кўп бўлиши аёлларнинг тўпланишидир. Тушдаги шишанинг ози ҳам, кўпи ҳам тез кетадиган ғам-қайғудир.

Шляпа кийган киши. Сиз ўз фикр ва ҳиссиётларингизни биров билан ўртоқлашгингиз келмаслигига ишора.

Шовқин-сурон. Шовқин-сурон тушда фитнага гувоҳ бўлишга далолатдир.

Шода. Тушда шода, мунчоқ сингари нарсаларни тақиш ўнгда атрофдагиларнинг меҳрини қозонишга далолат.

Шодлик. Шодлик тушда ғамдир. Агар марҳумни тушда шод кўрса, яхшидир.

Шоқол. Тушда шоқолни кўрсангиз, ўнгда ўзингизга ёқмайдиган одам билан муомала қилишингизга тўғри келади, аммо эҳтиросга берилмаслигингиз керак.

Шол. Тушда кўлнинг фалаж бўлиб қолиши катта гуноҳдир. Ўнг кўлнинг фалажлиги ночорларга зулм қилишга, чап кўлники эса ака-уканинг вафотига ишора. Бош бармоқнинг фалажлиги ота, кўрсаткич бармоқнинг фалажлиги сингил, ўрта бармоқнинг фалажлиги ака, сўфи бармоқнинг фалажлиги она, жимжилоқнинг фалажлиги қиз томонидан мусибатдир.

Шолғом ўсиб чиқса. Агар шолғом ўсиб чиқса, туғилажак фарзандларга далолатдир.

Шолғом. Шолғом фазилат соҳиби, сабр-бардошли аёл, ғам ва ташвиш.

Шолғом. Шолғом бардошли, бақувват, қишлоқлик аёлдир. Яна айтадиларки, шолғом ғам-қайғу ва ташвишдир.

Шолғом. Шолғом кўриш – шолғом еб юрган одамнинг соғлом бўлиши ва жисмоний бақувватлик; авитаминоз (биринчи навбатда РР, С, А, В гуруҳидаги витаминлар) ва организмда энг муҳим микроэлементлар (кальций, фосфор, магний, темир, олтингугурт ва бошқалар) етишмаётгани; ўсимлик маҳсулотлари парҳезига ўтиш зарурлиги; ошқозон-ичак тракти касаллиги эҳтимоли.

Шоли. Агар қиз бола тушида шоли тайёрлаётганини кўрса, ўнгида яқин келажакда янги вазифаларга эга

бўлади, бу вазифалар уни бой-бадавлат қилиб, бахт сари етаклайди.

Шох. Ҳосилининг оғирлигидан эгилиб турган дарахт шохини тушда кўрсангиз, ўнгингизда ишларингизнинг ривожланишидан дарак. Қуриган шох қайғули хабардан далолат.

Шуъаро сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Шуъаро сурасини ўқиса, далилдирки, Ҳақ таола паноҳида бўлади. Кирмоний айтадиларки, гуноҳдан пок бўлади.

Э

Этик мойи. Ҳар қандай пойабзалга суртиладиган мойни тушда кўриш қайғуга ишора, пойабзални мойлаш ўнгдаги фойдасиз ишдан далолат.

Этик. Тушда ким уни оёғида кўрса, ташвишдир. У узун бўлиб, оёғига торлик қилиб, қисиб турса, ташвиш қаттиқ эканига ишора. Ким этик билан бирга янги тўн кийган бўлса, аҳволи яхши бўлади.

Этиқдўз. Уни кўриш никоҳ ўқувчи одамга далолат қилади. Шунингдек, сафарни билдиради. Нотаниш этиқдўзни кўрса, адолатли мерос тақсим қилувчи кишини кўради.

Этиқдўзнинг елими. У тушда оғир кунларни бошидан кечирадиган кишига ишора. Агар елимни қочган қул тушида кўрса, у тутилади.

Эҳсон. Тушда эҳсон қилиш нажот топишга далил.

Эҳтиёж. Эҳтиёж сезиш – камтарроқ яшаш кераклиги.

Эҳтирос. Эҳтиросга берилган ҳолатда бўлиш – кучли эҳтирос ва саргузаштлардан эҳтиёт бўлинг, соғлигингизга зарар етиши мумкин. Тушда қимор ўйнаш – ўнгингизда бундай эҳтиросли ўйинларга қарши курашиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Эчки боласи. У тушда болага далолатдир.

Эчки топиб олиш. Ким эчки топиб олса, кенг ризқ, самара ва яхшиликка етишади. Аёл киши эчкининг ҳовлисига кирганлигини кўрса, уйига бир йил фақирлик киради.

Эчки. Ким тушида эчкига етишса, у зинокор аёлга етишади. Эчкининг семизи бой аёл, ориғи камбағал аёлга далолат қилади.

Эчки. Эчки кўриш – инжиқликлардан эзилиш; сузағон эчки – жанжал; сут бераётган эчки – организмда эчки сутида мавжуд элементлар етишмаётган бўлиши мумкин; оқ эчки – омад ва қувонч; кулранги – кайфият ва ишнинг бир меъёрдалиги; қораси – бироз хафагарчиликлар.

Эчкиэмар. Эчкиэмар тушда инсонлар бойлигини алдаб олувчи бадавий араб кишидир. Кимки уни тушида кўрса, касал бўлади. Эчкиэмар тушда лаънатга дучор бўлган киши ҳам дейилган. Эчкиэмар яна жаҳлдор кишидир.

Эчкиэмар. Баъзан уни тушда кўриш касбдаги шубҳага ва насабдаги ноаниқликка далолат қилади.

Эшак. Кимки тушида эшак кўрса, ўнгида фарзандли бўлади.

Эшак. Эшак кўриш – турли жанжалли ҳолат ва стресста олиб борувчи ҳамда юриш-туришингизда акс этувчи ички қарама-қаршиликлар.

Эшакнинг сути. У яхшилик етишидир.

Эшик остонаси. Эшик остонаси, ҳалқаси хотин ва ходимга далолат қилади. Аммо уни тик қилиб турувчи нарсалари ўғил фарзандларга ёки ака-укаларга далолат.

Эшик тамбаси. Тушда эшик тамбасини кўриш уйни дайди ит ва бегоналардан кўриқлайдиган кишини билдиради.

Эшик. Кимки тушида очик эшикни кўрса, ўнгдаги қувонч ва илтифотта ишора, ёпиқ эшик пушаймонлик ва кўнгилсизлик рамзи.

Эшик. Очик эшик – юқумли касалликка чалиниш эҳтимоли; ёпиқ эшик – касалликка дучор бўлмаслик.

Эшикбон. Агар тушингизда идора эшикбони сизни тўхтатиб қолиб, ичкарига киритмаса, ўнгингизда ишларингиз тўхтаб қолади.

Эшкак. Тушда эшкак кўриш узоқ сафарга ишора. Агар тушингизда бировнинг ёрдамисиз қайиқда эшкак эшаётган бўлсангиз, ўнгингизда бировнинг ишини кўлидан оласиз. Сузиш пайтида эшкакни йўқотиш отананинг вафотига ишора.

Ю

Юлқиб олиш. Агар тушида ўрта ёшли одам бировдан бирон нарсани юлқиб олса, ўнгида уйланади (турмушга чиқади), агар сиз рақибангизнинг зирагини қулоғидан юлқиб олсангиз, у ҳолда турмуш ўртоғингиз сизга содик экан.

Юмшоқ нон. У тушда кўп ризқдир.

Юнг. Тушда юнг кўриш шараф ва ҳурматга лойиқликни билдиради. Аммо тушда юнг орқалаб юриш орқадаги гап-сўзларга, ғийбатларга ишорадир. Оқ юнг кўрган киши ўнгида севинади, қора юнг кўрган киши ўнгида юраги сиқилади ва ташвишга қолади.

Юнус сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушида Юнус сурасини ўқиса, иши омадли бўлади. Кирмоний айтадилар: "Кофирларнинг макри унга тегмайди".

Юпқа. Дастурхонга юпқа тортилганини тушда кўриш ризқнинг мўл бўлишига йўйилади.

Юрак. Юракни тушда кўриш бойлик йиғишдир. Агар юрак унинг танасидан жудо бўлса, яхшилик. Агар юраги шод бўлса, унинг ишлари яхши бўлади. Агар юраги

кўлида бўлса, у касал бўлади. Агар юраги оғриси, давлати кўп бўлади. Агар юрагидан қон келса, ёмон ишлардан тавба қилади.

Юрак. Юрак кўриш – воқеанинг яширин моҳиятини кидиринг; жисмоний меҳнатнинг фойда бериши.

Юриш. От, велосипед, мотоцикл ва машинада юриш – жароҳат ёки бошқа бахтсизлик нишонаси. Тез қадам ташлаб юриш – сизни камҳаракатлилиқ енгиб қўйгани; секин юриш – ўзингизни тутишингиз тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак; ялангоёқ юриш – табиат бағрида бўлиш етишмайди.

Юсуф сураси. Ибн Сирин айтадиларки, агар тушда Юсуф сурасини ўқиса, далилдирки, кўп сафар қилади ва мол топади. Жаъфари Содик айтадиларки, омонатли бўлади.

Ютиш. Тушда бирор нарсани ютиш – бойлик ва ҳокимликни қўлга киритишга уриниш; юқори нафас аъзолари (хусусан, бурун) ёки овқат ҳазм қилиш муаммолари.

Ютуқ. Тушингизда бирон нарсада ютиб чиқсангиз, меросга эга бўласиз, аммо бирон ўйинда ғирромлик билан ютсангиз, ўнгингизда бор нарсангизни қўлдан чиқарасиз.

Ютуқ. Ютуқ – салбий ҳиссиётлар; шамоллаш, қусиш ёки ич кетишни келтириб чиқарувчи невроз, юқумли касалликлар.

Я

Яра босган ўрдақ. У яширин эшитиш, илмни кўчириш, нафрат ва ғазабга далолат қилади.

Яра-чақа. Тушда баданингизга яра-чақа чиққанини кўрсангиз, ўнгда соғлигингизга эътибор қилишингиз керак.

Ясанмоқ. Аёл тушида ясанса, ўнгида ўйламай босган қадамидан пушаймон бўлади.

Яхмалак. Тушда яхмалак кўриш ўнгда таваккал ишга қўл урмасликдан огоҳлантиради.

Яхши ҳид. Яхши ҳид тушда яхши сухан, ёмон ҳид ёмон гап бўлади. Агар киши хушбўй ҳидни ҳидласа, хайрли иш қилади.

Яхшиларни ёмонлаш. Бу фахш иш қилиш, Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан тойилишдир.

Яхшилик қилиш. Ким тушида яхшилик қилганини кўрса, орзуларига эришади. Агар яхшилик қилмаса, урушда бўлса, зафар қозонолмайди, тижоратда зиён кўради.

Яшил бошоқ. Агар бошоқ яшил бўлса, ёшларнинг ўлими ёки қатлига далолатдир.

Яшил дўлана. Яшил дўлана касаллик эмас.

Яшил қизишиштон. У тушда бадавлат, чиройли аёлдир.

Яшил тўн. Яшил тўн тавфиқ ва тоат-ибодатга ишора.

Яшил. Агар тушингизда яшил рангли нарсаларни кўрсангиз, билингки, муродингизга етасиз.

Яшин ва момақалдиروق. Кимки тушида яшин чақнаганини кўрса ва момақалдиروقнинг гумбурлашини эшитса, ўнгида шов-шувга сабаб бўладиган муваффақиятга эришади. Бундай туш севишганлар учун бахтиёр турмушдан далолат. Камбағал одам бундай туш кўрса, фойдали ишга қўл уради. Бундай туш яна шуни англатадики, агар туш кўрувчининг душманлари бўлса, унга зарар келтиролмас экан.

Дилдора Абдуллаева

ТУШЛАР ОЛАМИ

(1106 та туш таъбири)

Нашриёт муҳаррири:

Шухрат Ғуломов

Дизайнер:

Аббос Турсунов

Техник муҳаррир:

Зухра Ҳамдамова

Мусахҳиҳа:

Нилуфар Қўчқорова

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 – 2013 йил 4 июль

Теришга берилди: 15.10.2016. Босишга рухсат этилди:
04.11.2016. Бичими: 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. BalticaUz
гарнитураси. Босма табоғи: 8,0. Адади: 3000. Буюртма: 10.
Баҳоси келишилган нарҳда.


Нашриёт манзили:

**«Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 100027, Тошкент
шаҳри, Ўқчи кўчаси, 29-уй.**

Босмахона манзили:

**«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-уй.**

4000 с.



Тушларнинг маъноси кўпинча ухлаётган одамнинг ижтимоий ҳолати, ақлий тараққиёти, жисмоний қуввати, мижози ва ёшига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, қуйидаги китобча ҳам баҳоли қудрат ҳар бир кўрилган тушнинг тиниқ ва равон ҳамда умумий ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб кенг таъбирини китобхонлар оммасига ҳавола қилади. Албатта, сиз қандай туш кўришингиздан қатъий назар қалбингиз билан ҳамнафас бўлиб, ижобий хулоса чиқаришингизга тилакдошмиз.

ТУШЛАР ОЛАМИ



ISBN 978-9943-992-58-0



9 789943 992580